А.Қ. Чориев, ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз

Аннотация. Ушбу мақолада Сурхондарё вилояти ёқилғи саноатининг асосини ташкил қилувчи кўмир саноати ва уни ривожлантириши учун бажарилиши лозим бўлган ишлар ёритилган.

Калим сўзлар: Кўмир саноати, бойитиши, кўмир кластери, экспорт, технология, қайта ишлаш, маркетинг хизмати, инфратузилма

Аннотация. В данной статье освещена угольная промышленность, которая составляет основу топливной промышленности Сурхандарьинской области, и работы, которые должны выполняться для развития этой отрасли.

Ключевые слова: Угольная промышленность, обогащение, угольный кластер, экспорт, технология, переработка, маркетинговые услуги, инфраструктура.

Abstract. This article highlights the coal industry, which forms the basis of the fuel industry of the Surkhandarya region, and the work carried out to develop this industry.

Key words: coal industry, enrichment, coal cluster, export, technology, processing, marketing services, infrastructure.

Кириш. Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ёқилғи саноати асосини ташкил қилувчи кўмир саноатини ривожлантириш ва бу борада заҳираси аниқланилган кўмир конларидан (Вандоб, Шержон, Шеробод, Гуруд, Фаргарт, Кўхитанг, Бойсун, Шарғун) фойдаланиш, айниқса Бойсун, Шарғун, Шеробод кўмир конларида “Кўмир кластери” ни ташкил қилиш орқали кўмирни қайта ишлаб қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш (шлакоблок, брикет, газ, суюқ ёқилғи, активлаштирилган кўмир, кокс, пластмасса, кишлоқ хўжалиги учун ўғит ва хоказо)ни

амалга ошириш масалалари ва шу билан бирга инфратузилма объектларини ташкил қилиш (қуриш) ишлари асослаб берилган.

Долзарблиги. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизнинг шу жумладан, Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида минерал хом ашё ресурсларини қазиб олиш ва уни саноат усулида қайта ишлаб тайёр маҳсулотлар тайёрлаш ва уни ташқи ва ички бозорга чиқариш давр талаби бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли ҳам Сурхондарё вилояти ҳудудида захираси аниқланилган конлардан кўмир қазиб олиш ва уни саноат усулида қайта ишлашни илмий нуқтаи-назардан ўрганиш долзарб ишлардан бўлиб ҳисобланади.

Асосий қисм. Республика саноат ишлаб чиқаришидаги улуши бўйича вилоят охириги ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда (1,8%) ва бу борада кейинги йилларда ижобий ўзгаришлар жуда сушт, шу туфайли ҳам аҳоли жон бошига саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш республика даражасидан деярли 4 мартага кам [4].

Вилоят иқтисоди аграр сектор ва хомашё тармоқларига таянган, бир томонлама ривожланаётган ҳудуд ҳисобланади, иқтисодиётнинг диверсификациялашув даражаси паст. Минтақадан ташқарига чиқарилаётган маҳсулотларнинг 90 фоизга яқини хом ашё ресурслари ҳиссасига тўғри келади (пахта толаси-53%, озиқ-овқат маҳсулотлари-33%)

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида минерал хом ашё ресурслари катта аҳамиятга эга. Аҳоли жон бошига минерал хом ашё ресурслари билан таъминланганлик даражаси бўйича Сурхондарё вилояти республика ҳудудлари ичида 6-ўринни эгаллайди [2].

Вилоятда кўмир саноатининг шаклланиши XX асрнинг 30-40 йилларига тўғри келади. Вилоятда кўмир конларини разведка қидирув ишлари 1934 йилдан бошлаб олиб борилган. Вилоятдаги дастлабки кўмир конлари 1941 йилда геолог А.Репман томонидан аниқланган. Энг йирик “Шарғун” кўмир конининг қурилиши 1943 йилда бошланган. 1958 йилда “Шарғункўмир” шахта бошқармаси ташкил этилиб, йилига 400 минг тоннага мўлжалланган кўмир кони ишга туширилди [3].

Ўтган асрнинг 90-йилларида вилоят кўмир саноатида кўмир қазиб олиш ҳажмининг анча пасайиши кузатилган, бунинг асосий сабаби қазиб олиш асбоб-ускуналарнинг маънавий ва жисмоний эскириши билан изоҳланади

Мустақиллик йилларида Шарғун кўмир кони негизида Шарғун акциядорлик жамияти ташкил этилди ва кўмир қазиб олиш ҳажмининг ўсиб борганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, корхонада 2012 йилда 19,8 минг тонна, 2013 йилда 20,1 минг тонна, 2014 йилда 107,2 минг тонна, 2018 йилда эса 127,0 минг тонна кўмир қазиб олинган [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги 2015 йилга мўлжалланган инвестициявий дастури тўғрисидаги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 июндаги қарори 2013-2018 йиллар давомида “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти тасарруфидаги кўмир саноати корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жихозлаш ҳамда уни мувозанатли ривожлантириш мақсадида “Шарғункўмир” акциядорлик жамиятини модернизация қилиш бўйича инвестицион лойиҳа амалга оширилмоқда. Кон тўла хориждан келтирилган замонавий кўмир қазиб олиш ускуналари билан жиҳозланиб, унинг йиллик кўмир қазиб олиш қуввати 900 минг тоннага етказилади.


Сурхондарё вилояти кўмир саноатининг иккинчи муҳим бўлган Бойсун кўмир конини қайта ўзлаштириш бўйича бир қанча инвестициявий ишлар бажарилмоқда. Бу конда жойлашган “Марказий” ва “Шарқий” ҳудудларида тошкўмир қазиб олиш мақсадида қиймати 50 млн. АҚШ доллари бўлган лойиҳа ишлари бажарилмоқда, натижада ушбу конлар 2020 йилда фойдаланишга топширилиб ундан 450 минг тонна кўмир қазиб олиш режалаштирилган.

Қаттиқ фойдали қазилма конларининг ҳозирги кунда вилоят ҳудудида 55 таси разведка қилинган ва бундан саноатда фойдаланиш мумкин. Шу разведка қилинган фойдали қазилма конларидан 8 тасини тошкўмир ва кўнғир кўмир конлари ташкил қилади. Бу кўмир конларидан ҳозирги пайтда Бойсун ва Шарғун конларидан кам миқдорда саноатда фойдаланилмоқда, қолган 6 та кондан эса (Вандоб, Шержон, Шеробод, Гуруд, Фангарт Кўхитанг) маҳаллий аҳоли томонидан ёқилғи сифатида норасмий равишда қисман фойдаланилмоқда.

Вилоятнинг устувор жиҳатларидан бири - Бойсун, Сариосиё, Шеробод туманларидаги мавжуд кўмир конларидан саноат усулида кенг фойдаланишдир. Улар асосида кўплаб турдаги ёқилғи-энергетика ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш мумкинлиги мутахассислар томонидан аниқланган. Бугунги кунда қидириб топилган 8 та кўмир конидан фақатгина 2 тасидан

фойдаланилмоқда (Шарғун ва Бойсун конлари). Таъкидлаш жоизки, вилоятда қазиб олинаётган кўмир сифати ва энергетик қувватига кўра Тошкент вилоятидаги Ангрен кўмиридан юқоридир.

Минтақа кўмир саноатининг истиқболдаги ривожланиши учун кўмир ва техноген чиқиндиларни комплекс қайта ишлаш “Кластери”ни (кўмирни қазиб олишдан бошлаб кимёвий маҳсулотларнинг турли хил кўринишлари ва ёқилғи ишлаб чиқаришигача) яратиш мақсадга мувофиқдир. Шу аснода, вилоят иқтисодиётида янги фаолият тури яратилади. Натижада кўмир қазиб олиш қўшимча қиймат яратиш занжирининг бошланғич нуқтасини, ундан кейинги технологик боғланишлар орқали эса кўмирни саноат асосида қайта ишловчи бир қанча ишлаб чиқариш бўғинларини ташкил қилиш мумкин бўлади (1-расм).



1-расм. Кўмир саноатининг қўшимча қиймат занжири (схема муаллифлар томонидан тузилди)

Мутахассислар томонидан вилоятдаги кўмир хом ашёларидан кимёвий ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш мумкинлиги асосланган. Ушбу жараёнда пластмасса, қишлоқ хўжалиги учун ўғит, тиббиётда активлаштирилган кўмир, маиший истеъмол учун эса оддий технологияни қўллаш асосида брикет ишлаб чиқариш мумкин. Шунингдек, энергетик ресурсларга ички ва ташқи талабнинг ортиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда замонавий ва тежамкор технологияларга асосланган электр энергияси ишлаб чиқарувчи иссиқлик электр станциясини қуриш мақсадга мувофиқ бўлади. Электр энергиясини ишлаб чиқаришда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслик мақсадида кўмирдан газ, водород, синтетик суюқ ёқилғи ёки кимёвий синтез орқали ер устида газ олиш технологияларини қўллаш мумкин.

Кўмир конларининг истеъмолчилардан узокда жойлашганлиги ва ташишда транспорт харажатларининг юқорилигини ҳисобга олиб, кўмирни бойитувчи ва қайта ишловчи корхоналарни хом ашё манбаларига яқин жойлаштириш кўмир “Кластери”ни шакллантиришда самарали усул ҳисобланади. Кўмирдан энергетик маҳсулотлар (газ, суюқ ёқилғи) олиш бу маҳсулотларни қўшни мамлакатларга (Афғонистон, Тожикистон) экспорт қилиш имконини ҳам яратади.

Кўмир “Кластери” таркибида техноген чиқиндиларни қайта ишлаш технологиясини жорий қилиб, қурилиш материаллари сифатида шлакоблок ва бошқа турдаги қотишмалар, саноатда ишлатиладиган сорбентларни (сувни тозалаш жараёнида фойдаланилади) ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Шунингдек, кўмирни қазиб олишда йиғилиб қоладиган катта миқдордаги кўмир қулига маълум миқдорда тупроқ қоришмасини кўшиб, рўзғорда ишлатиладиган брикетлар тайёрлаш мумкин. Бу каби ишларни Шарғун кўмир кони асосида амалга ошириш имкониятлари мавжуд.

Кўмир қазиб чиқарувчи корхоналар билан бир қаторда, технологик боғлиқликда кўмирни қайта ишлаш корхоналарини яратиш, уларни фан ва таълим муассасалари билан боғлаш, шунингдек, инфратузилма объектларини ривожлантириш, маҳсулотлар сақлаш ва сотиш нуқталари ҳамда хизмат кўрсатиш мажмуаларини ташкил этиш “Кластер” ни босқичма-босқич ривожлантириш тадбирлари ҳисобланади (2-расм).



2-расм. Кўмирни қайта ишлаш кластерида корхоналар ва бирлашмаларнинг ўзаро боғланиш схемаси (схема муаллифлар томонидан тузилди)

Вилоятда кўмир “Кластери”ни шакллантиришда “Шарғункўмир” ОАЖда кўмирни қайта ишлаш бўйича модернизациялаш чора-тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Бойсун туманида кон қазиб олиш ишларини ташкил этиш, кўмирни бойитувчи ва қайта ишловчи объектларни барпо этиш, мини-иссиқлик электр марказини яратиш ишлари кенг кўламли лойиҳалаштириш ишларини амалга оширишни тақозо қилади. “Кластер”ни шакллантириш нафақат йирик лойиҳаларни амалга ошириш, балки кичик бизнес салоҳиятидан кенг фойдаланиш имконини ҳам беради. Инновациявий лойиҳалар ва илмий-техникавий ғояларни амалга ошириш мақсадида кластер доирасида юқори технологияларни ўзлаштиришга мўлжалланган технопарк яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса. Кўмир саноатини ривожлантириш учун Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё, Бойсун ва Шеробод туманлари ҳудудида кўмир “Кластери”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб биламиз. Ушбу соҳани барқарор ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

1. Бозор конъюнктурасини доимий равишда ўрганиб бориш, маркетинг фаолиятини йўлга қўйиш, кўмир ва кўмир маҳсулотларига бўлган талабни тўғри баҳолаш ва прогноз қилиш, қайта ишланган кўмир маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларда истеъмолчиларини аниқлаш;

2. “Шарғункўмир” ОАЖда кўмирни қайта ишлаш ва уни бойитиш бўйича янги технологияларни жорий қилиш, қазиб олиш қувватларини модернизация қилиш, маҳсулотларининг таннарх ва сифат бўйича рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида замонавий бойитувчи ва қайта ишловчи машина ва механизмларни жорий этиш;

3. Бойсун ва Шеробод туманларида жойлашган кўмир конларида уларни истиқболда ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш ва кўмирни қазиб олиш корхонасини яратиш мақсадида геологик кидирув ишларини олиб бориш;

4. Қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун Сарийосиё ва Бойсун туманларида жойлашган конлар яқинида бойитиш фабрикаларини қуриш;

5. Бойсун туманида вилоятнинг энергия таъминоти муаммосини қисман ҳал қилишга хизмат қилувчи иссиқлик электр станциясини қуришни лойиҳалаштириш, ушбу жараёнга газ ажратиб олувчи замонавий технологияларни жорий қилиш;

6. Бойсун тумани ҳудудидан ўтувчи “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон” асосий темир йўли билан қайта ишлаш корхоналарини боғлаб турадиган (элтувчи) йўللارни қуриш, қулай инфратузилма объектларини барпо этиш;

7. Тармоқни ривожлантириш учун зарур малакали мутахассисларга бўлган талабни аниқлаш, Сариосиё, Бойсун ва Шеробод туманларида жойлашган коллежларда янги ушбу соҳага оид мутахассисликларни тайёрлашни йўлга қўйиш, ҳамда Тошкент техника университети, унинг Термиз филиалида ва Навоий кончилик институтида маҳаллий ёшлардан юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва бошқа шу каби ишларни амалга ошириш орқали ушбу тармоқни ривожлантириш имкониятлари яратилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2016
2. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2010
3. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. Тошкент, “Жайхун”, 1996
4. Содиқов А.М. Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси. Тошкент, 2017

ЎУК 339.9

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИНГ АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАРИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШ ЗАРУРИЯТИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ОМИЛЛАР *О.А. Арипов, докторант (DSc), Наманган давлат университети, Наманган*

Аннотация. Мақолада ишбилармонлик муҳитининг асосий компонентлари ва унинг таркибий тузилиши назарий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, ишбилармонлик муҳитининг заруриятини келтириб чиқарувчи омиллар туркуми тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: ишбилармонлик муҳити, ташқи муҳит омиллари, омиллар, ички муҳит омиллари, ишбилармонлик муҳитининг қўлами.

Аннотация. В статье теоретически анализируются основные компоненты бизнес-среды и ее структура. В нем также рассматривается ряд факторов, способствующих необходимости создания бизнес-среды.

Ключевые слова: деловая среда, факторы внешней среды, факторы внутренней среды, сфера деятельности деловой среды.

Abstract. The article theoretically analyzes the main components of the business environment and its structure. It also explores a number of factors contributing to the need to create a business environment.

Keywords: business environment, environmental factors, internal environment factors, field of activity business environment.

Маълумки, «аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир». Буларнинг барчаси мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг қулайлашиб бораётганлигидандир [2, 17 б.].

Ишбилармонлик муҳити кўпроқ ташқи омилларга қўра ўзгарувчан бўлиб, бундай муҳитнинг ўзига хос компонентлари ҳам шаклланиган. Ишбилармонлик муҳитининг асосий компонентлари 1-расмда келтирилган бўлиб, бундай муҳитни шаклланишида маъмурий ва ҳуқуқий тартибга солиш органлари, ижтимоий ва бозор инфратузилмалари, молиявий ресурслар, меҳнат ресурслари, табиат, ер ва кўчмас мулк каби компонентлар муҳим аҳамиятга эга. Агар ишбилармонлик муҳитининг таркибий тузилишини эмас, балки бу муҳитни заруриятини келтириб чиқарувчи омиллар тарзида кенгроқ таҳлил этадиган бўлсак, буни 2-расмдан тушуниб олиш мумкин.


Илмий ёндашувларимиз асосида ишлаб чиқилган 1 ва 2-расмлар ишбилармонлик муҳитининг моҳияти тўғрисида тақдим этган фикрларимизни ёритишга ёрдам беради. Демак, ишбилармонлик муҳитининг таркибий тузилиши билан бу муҳитни заруриятини келтириб чиқарувчи омиллар турлича бўлиб, уларнинг барчаси ўзаро боғлиқликда бўлади.

Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитининг зарурият тарихида шаклланиши ва ривожланиб бориши натижасида ушбу муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади:

1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро иқтисодий муносабатларини шакллантиради ва жадаллаштиради;



1-расм. Ишбилармонлик муҳитининг асосий компонентлари (муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)



2-расм. Ишбилармонлик муҳитининг таркибий тузилиши ва уни заруриятини келтириб чиқарувчи омиллар тизими (муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)


2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг эркинлигини, мустақиллигини таъминлайди ва кафолатлайди;

3. Рақобатни кучайтиради ва кичик бизнес субъектлари ўртасидаги айрибошлаш алоқаларини кенгайтиришга олиб келади;
4. Кичик бизнес субъектларини таваккалчилик қилишга ундайди ва ўз навбатида таваккалчиликни минимал даражага туширади;
5. Ижтимоий жиҳатдан муҳофазани келтириб чиқаради;
6. Бизнесга хос ахлоқий меъёрларни ишга солади ва такомиллашувига таъсир этади;
7. Корхоналарни яшовчанлиги ва истиқболлини белгилайди;
8. Бозор механизмини фаоллаштиради.

Қайд этилган ишбилармонлик муҳитининг хусусиятлари кичик бизнес субъектлари фаолиятининг жозибали бўлишига туртки беради. Шу билан бирга ишбилармонлик муҳитининг циклик ривожланиб боришида кичик бизнес субъектлари янада янги босқичларга ўтади. Ҳар бир кичик бизнес субъекти ўзининг тажрибаси ва салоҳиятидан келиб чиқиб, ушбу муҳитда иштирок этади ва ўз манфаатини кўзлайди. Чунки «иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди» [1. 60 б.]. Шунингдек, кичик бизнес субъектлари ҳудуддаги реал шароитни ҳисобга олиб ўзининг истиқболлини белгилайди. Ишбилармонлик муҳити кичик бизнес субъектларининг бозор шароитидаги эҳтиёжларини таъминлашга имкон яратади.

Юқоридаги фикрларимиздан келиб чиқиб ишбилармонлик муҳити тушунчасининг моҳияти ва мазмунини ёритиш билан бирга, ишбилармонлик муҳити кўламининг белгиланиши ҳам биз учун жуда муҳимдир.

Ишбилармонлик муҳитининг кўлами деганда тадбиркорлик, инвестицион, рақобат ва институционал муҳитларни ўз ичига қамраган муҳитни тушунамиз. Лекин ишбилармонлик муҳити иқтисодий муҳит таркибига кирувчи муҳит бўлиши (3-расм) билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини фаол ҳаракатга келтирадиган муҳит ҳисобланади.



3-расм. Ишбилармонлик муҳити кўламининг белгиланиши (муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Хулоса шуки, ишбилармонлик муҳити – бу кичик бизнес субъектларини фаолаштирадиган ва ҳаракатини таъминлайдиган муҳит бўлиб, мамлакат тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Ишбилармонлик муҳитининг ижобий таъсирини ошириш учун давлат механизми ва бозор механизмларининг ўзаро бир-бирини тўлдириб келувчи хусусиятларини мувофиқлаштириш керак. Ишбилармонлик муҳити икки (давлат ва бозор) механизм асосида равонлашиб, такомиллашиб боради. Бу механизмлар ўртасидаги мувофиқлик таъминланмаса, ишбилармонлик муҳити бозордаги бизнес субъектларига салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Узбекистан, НМИУ, 2017 – 592 с.
2. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий

тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. –Т.: Ўзбекистон, 2015. -72 бет. Ўзбек ва рус тилларида.

3. Арипов О. Монография: Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш. –Т.: Фан, 2012. – 272 б.

4. Арипов О.А. Приоритетные направления развития малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане. // Российское предпринимательство. – 2017. – Том 18. – № 24. – doi: 10.18334/гр.18.24.38638 (импакт-фактор 2016: 0,486).

ЎУК 631

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ

Р.А. Ботирова, иқт.ф.н., доцент, Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Наманган
И.Қ. Сирожиддинов, иқт. ф. н., Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Наманган
Нарзуллаев Н.С., доцент, Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Наманган

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалигида маркетинг тадқиқотлари зарурлигининг муҳим жиҳатлари илмий таҳлил этилган.

Калим сўзлар: қишлоқ хўжалиги, маркетинг, иқтисодиёт, рақобат.

Аннотация. В статье представлен научный анализ важнейших аспектов необходимости маркетинговых исследований в сельском хозяйстве.

Ключевые слова: сельское хозяйство, маркетинг, экономика, конкуренция.

Abstract. The article scientifically analyzed the important aspects of the need for marketing research in agriculture.

Keywords: agriculture, marketing, economy, competition.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аграр соҳасида жиддий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиётни янада эркинлаштириш борасидаги чора-тадбирлар қишлоқ хўжалигини ҳам қамраб олмақда. Шу билан бирга иқтисодиётнинг реал секторига тегишли бўлган бошқа тармоқлардан фарқли равишда аграр тармоқнинг бозор талабларига мос тарзда ўз фаолиятини ташкил этиши нисбатан мураккаб тарзда кечади. Доимий тарзда ўзгариб турувчи бозор конъюктураси шароитларида эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари бозор муносабатларига киришишда турли хилдаги муаммоларга дуч келмоқдалар. Булар бозор қонуниятларини тўлиқ англаб етмаслик, бозор инфратузилмасини етарли даражада ривожланмаганлиги, аграр тармоқда фаолият юритувчи ишлаб чиқарувчилар манфаатларининг доимий тўкнашуви, бозордаги вазият тўғрисида аниқ ва етарли даражада маълумотларга эга бўлмаслик каби салбий жиҳатларда акс этади.


Маркетинг фаолиятида, яъни маҳсулотга бўлган талаб, бозор конъюктураси, рақобатчиларни ўрганишда маркетинг тадқиқотлари алоҳида ўрин тутади (1-расм).

И.К.Белявскийнинг фикрига кўра: “Маркетинг тадқиқотлари – оптимал стратегияларни ишлаб чиқиш ва самарали маркетинг фаолиятини олиб бориш зарур бўлган кенг қаровли турли хилдаги тадқиқотлар мажмуидир”[1]. Ушбу иқтисодий терминга Америка Маркетинг Ассоциацияси мутахассисларининг ёндошуви қўйидагича: “Маркетинг тадқиқотлари – товар ва хизматларни сотиш ёки уни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига томон ҳаракатланишига таъсир кўрсатувчи омиллар бўйича муаммоларни йиғиш, рўйхатга олиш ва таҳлилини амалга оширишдан иборат”[2].

Кучли рақобатга асосланган бозор шароитларларида маркетинг тадқиқотлари олиб боришдан энг асосий мақсад хўжалик субъектининг аниқ мақсадларини шакллантириб олишдан иборатдир. Тадқиқотларни сифат кўрсаткичлари бўйича баҳолашда қўйидаги мезонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: натижаларнинг янгилиги, натижаларни амалий аҳамияти, натижаларнинг конструктивлиги ва тадқиқотларнинг назарий билимлар билан бойитилганлик даражаси. Юқорида келтирилган мезонларнинг учтаси эришилган натижаларини, тўртинчиси эса тадқиқот методологиясини тавсифлаб беради [3].

Ўзбекистон аграр тармоғида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш даражаси ривожланган мамлакатлар даражасида эмаслиги кўп жиҳатдан олиб борилган аграр сиёсатнинг протекционизмга асосланиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, тармоқда рақобат муҳитининг шаклланмаганлиги билан боғлиқ. Сўнгги йиллардаги олиб борилаётган аграр сиёсатнинг тубдан ўзгариши мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун кенг имкониятлар яратмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари, хусусан мева-сабзавотлар экспорти изчил тарзда ривожланиб келмоқда. Бунинг асосий сабаби экспорт амалиётларининг соддалаштирилиши ва сунъий тарзда ўрнатилган тўсиқларга барҳам берилиши билан боғлиқ. Мамлакатимизнинг мева-сабзавот экспорти салоҳиятларини эътиборга олсак, истиқболда минтақада мева-сабзавотларнинг етакчи экспортчиси мақомини сақлаб қолиш имкониятлари етарли даражада таъминланган. Лекин, мева-сабзавотнинг жаҳон бозоридаги ўзгаришлари, жаҳондаги йирик экспортёр давлатларнинг (Хитой, Ҳиндистон ва бошқалар), экспорт географиясини янада кенгайтириши билан боғлиқ саъий-ҳаракатларини эътиборга олсак, жаҳон бозоридаги рақобат муҳитини янада жиддийлашувини кутишимиз мумкин. Шу боис, аграр тармоқда маркетинг тадқиқотларини маҳаллий, миллий ва жаҳон даражасида олиб бориш зарурияти пайдо бўлмоқда.



1-расм. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида мақсадларни белгилашда маркетинг тадқиқотларининг роли

Маркетинг тадқиқотларининг яна бир йўналиши хўжаликнинг ички муҳити, бошқача қилиб айтганда ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ишлаб чиқариш имкониятлари, унинг кучли ва кучсиз томонларини (SWOT таҳлили) ўрганишга қаратилган. Ҳозирда маркетинг тадқиқотларнинг энг кенг тарқалган йўналишларидан бири сифатида рақобатчилар, истеъмолчилар, нархлар, маҳсулот ва товарлар, сотиш ва бозорни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар саналади. Шунини таъкидлаш лозимки, маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш аграр тармоққа нисбатан бошқа тармоқларда кенг тарзда олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш қуйидагиларни эътиборга олган ҳолда ташкил этилиши лозим:

- Ишлаб чиқаришнинг табиий шарт-шароитлари, ҳосилдорлик ва қишлоқ хўжалиги ер майдонларидан фойдаланишнинг интенсивлик даражаси;
- Товар ёки маҳсулотнинг аҳамиятлилиги, бу ишлаб чиқариш, сақлаш ва транспортировка жараёнига алоҳида талабларни белгилайди;
- Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни истеъмол қилиш даврининг номувофиклиги;
- Ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги;
- Рақобат муҳитида маркетинг қарорларини қабул қилишни қийинлаштирувчи ишлаб чиқариш ва истеъмол циклини давомийлиги, истеъмолчиларнинг товар ёки маҳсулот сифати бўйича талабларини қондиришнинг мураккаблиги ва бошқалар.

Мамлакатимизда аграр тармоқда, хусусан мева-сабзавотларни сотиш ва қайта ишлаш жараёнида маркетинг имкониятларидан фойдаланиш мамлакат экспорт салоҳиятини янги босқичга кўтаради, унинг географиясини кенгайтиришдаги асосий омил бўла олади. Маркетинг тадқиқотларини олиб боришда унинг йўналишлари, мақсад, вазифалари ва бошқа хусусиятларини эътиборга олиниши, аграр бозорлардаги маркетинг тадқиқотлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Беляевский И.К. Маркетинговое исследование: информация, анализ, прогноз. – М.: Финансы и статистика, 2001. – С. 32.
2. Котлер Ф. Основы маркетинга. – М.: Прогресс, 1990. – С. 234-235.
3. Коротков А.В. Некоторые аспекты методологии маркетинговых исследований // Маркетинг. – 2003. – № 4 (71). – С. 39–55.

ЎУК. 338.482

ХУДУД ИҚТИСОДИЁТИГА ТУРИЗМ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

У.Р.Матякубов, докторант, Урганч Давлат университети, Урганч
А.А.Садуллаева, бош мутахассис, Ўзбекистон Республикаси инвестиция ва ташқи савдо
вазирлиги Вазир котибияти, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада туризмнинг мамлакат (ҳудуд) иқтисодиётига билвосита ва бевосита таъсири ҳамда туризмда “мультипликатив самара” ва унинг ёрдамида мамлакат ёки ҳудуд иқтисодиётига туризм таъсирини комплекс баҳолаш масалалари очиб берилган.

Калит сўзлар: туризм, “харажатлар-ишлаб чиқариш” модели, мультипликатор самараси, туристик мультипликатор, туристик харажатлар

Аннотация. В этой статье раскрыты посредственное и непосредственное влияние туризма на экономику страны (региона), а также вопросы комплексной оценки влияния туризма на экономику страны или региона с помощью “мультипликативного эффекта”.

Ключевые слова: туризм, модель “расходы-производство”, мультипликаторный эффект, туристический мультипликатор, туристические расходы.

Abstract. This article discusses the direct and indirect effects of tourism on the country's (region's) economy, the "multiplier effect" in tourism and the complex assessment of the impact of tourism on the economy of the country or region by using the "multiplier effect".

Key Words: tourism, "input-output" model, multiplier effect, tourist multiplier, tourist expenses

Бугунги кунда туризм ХХI аср феномени сифатида жуда кўп мамлакатлар ва минтақалар иқтисодиётига ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, туризм замонавий дунё иқтисодиётининг юқори даромад олиб келувчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Туризмга жуда кўп турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, ҳозирги вақтгача илмий адабиётларда унга аниқ тушунча берилмаган. Бироқ турли хил ёндашувларга қарамадан, барча муаллифлар “туризм” тушунчасининг элементлари таркибига туристик эҳтиёж ва мотивация, туристлар хулқ-атвори хусусиятлари, уларни доимий яшаш жойидан ташқарида бўлиши, воситачи ташкилотчилар фаолияти, товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилар ҳамда уларнинг туристлар билан муносабатларини киритадилар.

“Туризм” тушунчасини умумлаштирган ҳолда биз қуйидаги таърифни таклиф қиламиз: Туризм – бу мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим ҳисобланиб, бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган компонентларни ўз ичига олади: биринчидан, сайёҳ(турист)нинг доимий яшаш жойидан соғломлаштириш, танишув, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда 12 ойдан кам бўлмаган муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши), бунда пул маблағлари вақтинча бўлган жойда сарфланади; иккинчидан, бу тuroператорлик ва турагентлик фаолияти билан шуғулланадиган воситачи-ташкилотлар; учинчидан, бу вақтинчалик ташриф буюрган(саёҳат қилган) жойлардаги одамлар билан юзага келадиган ўзаро муносабатлари; тўртинчидан, бу туристларга хизмат кўрсатувчи жойлаштириш ва транспорт воситалари, овқатлантириш корхоналари, кўнгилочар объектлар ва ҳоказоларни ўз ичига олган туризм инфратузилмаси ҳисобланади.


Ўтмишда туризм иқтисодий фаолиятнинг муҳим соҳаси сифатида кўрилмаган, унинг ишлаб чиқариш фаолиги ҳамда ривожланиши муҳим аҳамият касб этмаган. Вақт ўтиши билан туризм босқичма-босқич сифат ва сон жиҳатдан ривожланиб борди ва унинг иқтисодий аҳамияти кучайди. 1980 йилларга келиб, туризмнинг моҳияти ва унинг бошқа иқтисодий ва ижтимоий фаолият турлари билан боғлиқлиги тўлиқ англаб етилди[1]. Айнан шу вақтдан бошлаб, иқтисодчилар туризмнинг иқтисодий феномен сифатида кўриб, уни жаҳон ва миллий иқтисодиётнинг ривожланиши учун муҳим рол ўйнашини кўрдилар. Австрия, Канада, Франция, Испания, Швеция, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари дунёда биринчилардан бўлиб, туризм соҳасида иқтисодий тадқиқотларни

ўтказдилар ҳамда миллий иқтисодиётга туризмнинг қўшаётган ҳиссасини иқтисодий ҳисоботларда акс эттира бошладилар.

1960 йиллар ўрталарига келиб, М. Клоусон ва Дж.Клетча[2]лар томонидан “Табиатда дам олиш иқтисодиёти” китобининг чоп қилиниши, дунёда туризм иқтисодиёти билан жиддий тадқиқотлар олиб бориш лозим эканлигини кўрсатди. 1970 йилда Грей [3](Gray Н.Р.) халқаро сайёҳлик ва савдо ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатувчи китобини чоп қилдирди. Шу вақтдан бошлаб иқтисодчиларда туризм тадқиқотларига иқтисодий фаолият сифатида қизиқиш фаоллашди. 1995 йилдан бошлаб, илк марта туризм иқтисодиёти бўйича “Tourism economics” илмий журнали чоп қилина бошланди.

Туризмда иқтисодий тадқиқотларнинг яна бир муҳим анъанавий йўналишларидан бири уни маълум бир мамлакат ёки туристик (худуд) дестинация иқтисодиётини ривожланишига қўшаётган ҳиссасини баҳолаш ҳисобланади. Ушбу масалалар Фретчлинг, Джонс, Спурр ва бошқа олимлар ишларида ўз аксини топган (Frechtling 1999 [4], Jones and Munday 2007 [5]). Сўнгги 40 йилда “харажатлар-ишлаб чиқариш” моделларидан фойдаланиш асосида туризмда мультипликатив самара билан боғлиқ жуда кўп тадқиқотлар амалга оширилди (input-output models – IOM). Булар Арчер, Флетчер (Archer 1977, Archer and Fletcher 1996[6]) ва Кромптон (Crompton, 2001[7]) ишлари ҳисобланади.

Туризм худуд иқтисодиётига бевосита ва билвосита таъсир қилиши мумкин(1-расм).



1-расм. Туризмга бевосита ва билвосита таъсир қилувчи корхоналар (Муаллифлар ишланмаси)

Туризмнинг худуд иқтисодиётига бевосита таъсири – туризмда товарлар ва хизматларни харид қилишда турист харажатларининг натижасидир. Турист томонидан сарфланган пул маблағлар ёки турист харажатлари худуд индустрияси(инфратуризмга) киритилиб, аҳоли бандлигини таъминлайди, маҳаллий бюджетни солиқлар билан тўлдирди, бошқача сўз билан айтганда, нафақат туристик ташкилотлар даромади кўпаяди, балки бутун худуд иқтисодиётининг ўсишига олиб келади. Бу боғлиқлик “харажатлар-даромадлар-харажатлар-.....” занжири кўринишида шаклланади.

Турист харажатларни худуд иқтисодиётига бевосита таъсирдан бошқа билвосита таъсири ҳам мавжуддир. Асосий эътиборни худуд иқтисодиёти(мультипликатор самара)га туризмнинг билвосита таъсирини қаратиши лозим. Ушбу таъсирнинг моҳияти шундан иборатки, туризм худуд иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожланишини рағбатлантиради.

Туризм индустрияси ўз фаолиятида пул маблағлари бир қисмини банклар, аэропортлар, вокзаллар, суғурта компаниялари ва бошқа ташкилотлар хизматлари учун сарфлаб, уларни ривожланишига ҳисса қўшадилар. Натижада, мамлакат ичкарисида бу пул маблағлари қанчалик кўп

сарфланса, иктисодиёт ривожланади ва “мультипликатор самараси” шунча юқори бўлади. Ва аксинча, пул маблағлари қанчалик кам сарфланса ҳамда кўп товар ва хизматлар чет давлатларлардан импорт қилинса, “мультипликатив самара” шунча паст бўлади.

1931 йилда инглиз иқтисодчиси Р.Канн “Мультипликатор” тушунчасини иқтисодий категория сифатида фанга киритган. Мультипликатор (лотинчадан, **multiplicator** – кўпайтирувчи, кўпаювчи) – инвестиция ўсишида даромад қанча баробарга ўсишини кўрсатувчи сонли коэффициент ҳисобланади[8]. Мультипликатор назарияси таникли хорижлик иқтисодчи олимлар Дж.М.Кейнс[9], П.Самуэльсон[10], Р.Харрод[11] ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Шунингдек, туризм мультипликатори соҳасидаги тадқиқотлар рус олимлари В.А.Квартальнов[12], Г.А.Папирян [13], М.А.Жукова [14] ва бошқалар ишларида чуқур ўрганилган.

Туристтик мультипликатор туристнинг харажатларига боғлиқ бўлган мамлакат даромадларини кўпайтишини акс эттирувчи коэффициентни ифодалайди. Умумлашган ҳолда, мультипликатор(К) куйидаги формула орқали аниқланади:

$$K = \frac{1}{(1 - \text{ИММ})} = \frac{1}{\text{ЖММ}}, \quad (1)$$

Бу ерда, ИММ - истеъмолнинг маржинал мойиллиги; ЖММ- жамғарманинг маржинал мойиллиги;

Рус олими В.Г.Гуляев туристик дифференциал мультипликаторнинг математик моделини таклиф қилган:

$$K = \frac{\sum_{I=1}^m \sum_{i=1}^n Q(I) \times R(I,i) \times V \times 1}{1 - P \times \sum_{i=1}^n X(i) \times Z(i) \times V(i)}, \quad (2)$$

Бу ерда:

I-туризм категориялари (турлари): танишув, соғломлаштириш, ишга алоқадор ва бошқалар., $I=1,2,3,\dots,n$; *i*-туристик мультипликаторни ҳисоблайдиган корхона; $i=1,2,3,\dots,m$;

Q(I) – умумий харажатларда *I* турдаги туристлар томонидан амалга оширилган харажатларнинг улуши;

R(I,i)- *i*-турдаги корхона орқали *I* турдаги туристлар харажатларини улуши;

V(i) – *i*-турдаги корхона доирасида амалга ошириладиган харажатлар бирлиги пайдо қиладиган билвосита ва бевосита даромадлар;

P- истеъмолнинг маржинал мойиллиги (ИММ);

X(i) – *i*-шаклдаги корхона доирасида амалга ошириладиган умумий истеъмол харажатларида маҳаллий аҳоли харажатларининг улуши;

Z(i) – мамлакатнинг аниқ бир ҳудудига тегишли бўлган *X(i)* нинг улуши;

Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган модель туристик харажатлар мултипликатив тамойилига асосланиб тузилган бўлиб, куйидаги омилларни ҳисобга олган:

– туризм категориялари (шакллари);

– қўшимча даромад олувчи корхоналар хилма-хиллиги;

– умумий харажатларда туристлар томонидан амалга оширилган харажатлар улуши;

– бир-бирига боғлиқ бўлган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари орқали амалга ошириладиган харажатлар улуши;

– туристик харажатлар бирлиги пайдо қиладиган билвосита ва бевосита даромадлар;

– маҳаллий аҳолининг даромадлари ва уларнинг умумий истеъмол харажатларидаги улуши.

Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, туристларнинг харажатлари туризм соҳаси корхоналарида амалга оширилади (жойлаштириш воситалари, овқатланиш корхоналари, транспорт хизматларини кўрсатиш ва ҳ.к). Туристтик мультипликатор доирасида туристик харажатларни юзага келтирадиган асосий даромадларни тақдим этамиз (2-расм).

2-расмдан кўриниб турибдики, туристларнинг харажатлари туризм индустрияси корхоналари, ҳамроҳ бўлган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари (савдо, умумовқатланиш, транспорт, дам олиш ва кўнгиш очиш соҳаси, маиший хизмат ва ҳ.к)ни ҳамда ҳудуд аҳолисининг қўшимча даромадларига айланган. Бу даромадлар қўшимча фойда, инвестициялар ва бюджетга турли даражадаги солиқлар, бошқа тўловлар кўринишида бўлади; шунингдек, аҳолининг қўшимча иш ҳақи сифатида даромадларини ва янги ишчи ўринларини яратади. Бироқ, даромадларнинг қандайдир қисми мамлакат (ҳудуд) ташқарисида товар ва хизматларнинг тўлови, жамғармаларга ажратилади.



2-расм. Туристтик харажаталарнинг айланма динамикаси (Муаллифлар ишланмаси)

Мақсадли равишда мультипликаторларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- туристларнинг қўшимча харажатлари ҳисобига қўшимча даромадларни акс эттирувчи даромадлар мультипликатори;
- туристлар харажатлари қўпайиши ҳисобига туристик корхоналарнинг қўшимча оборотини (жами тушум) кўрсатувчи сотув мультипликатори;
- туристлар харажатларини ошири ҳисобига яратилган умумий ишчи ўринларини аниқлайдиган бандлик мультипликатори;
- туристлар харажатларини қўпайиши натижасида қўшимча ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи ишлаб чиқариш мультипликатори;
- туристлар харажатларини ошири натижасида солиқ тушумлари ҳажмини кўрсатувчи солиқ мультипликатори;
- якуний даромадга таъсир кўрсатувчи капитал қўйилмаларни аниқловчи инвестицион мультипликатор ва ҳ.к.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, мультипликатор ёрдамида мамлакат ёки худуд иқтисодиётига туризм таъсирини бошқа тармоқлар билан таққослаган ҳолда баҳолаш мумкин. Шунингдек, мультипликатор ёрдамида туризм соҳасига киритилаётган инвестициялар самарадорлигини ҳам аниқлаш мумкин бўлар экан.

Аммо, баъзи мультипликаторларни ҳисоблашда маълум бир қийинчиликлар пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Масалан, туризмда тўлиқ бўлмаган бандлик ва мавсумийлик бандлик мультипликаторини ҳисоблашда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунингдек, туризм мультипликаторини ҳисоблаш мамлакат (худуд)да мукамал туризм статистикасини юритишни ҳам талаб қилади.

Маълумки, сўнги йилларда Ўзбекистонда туризмга иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида қараш, ушбу соҳани барча худудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг кучли воситасига айлантириш, яратиладиган ялпи ички маҳсулотда, маҳаллий бюджет даромадларида туризмнинг

улушини йилдан йилга кўпайтириш, иш билан бандликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ҳамда сифатини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, ҳудудлар иқтисодиётига туризмнинг комплекс таъсирини баҳолаш, яъни туризмнинг мультипликатив самарасини аниқлаш, мамлакатимиз туризм соҳасида амалга оширилаётган тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Международные рекомендации по статистике туризма ЮНВТО (МРСТ2008). Статистические документы. Серия М. №83. Мадрид. Нью-Йорк, 2008
2. Clawson, M. and Knetsch, J.L.(1996) Economics of Outdoor Recreation, Baltimore: Johns Hopkins University Press.
3. Gray. H.P.(1970) International Travel – International Trade, Lexington, Mass.: D.S. Heath.
4. Frechtling D. (1999) “ The tourism satellite account: foundations, progress and issues”, Tourism Management 20 (1999) pp 163-170.
5. Jones and M. Munday (2007) Exploring the environmental Consequences of Tourism: A Satellite Account Approach, Journal of Travel Research 2007; 46, 164.
6. Archer, B. and J.Fletcher (1996), “The Economic impact of Tourism in the Seychelles”. Annals of Tourism Research. 23. 1:32-47
7. Crompton, J.I., S. Lee, and T. Shuster(2001), “ A Guide for Undertaking Economic Impact Studies: The Springfest Festival”, Journal of Travel Research, 40 (1): 79-87
8. Гуляев В.Г., Селиванов И.А. Туризм: экономика, управление, устойчивое развитие: учебник/ Российская международная академия туризма. – М.: Советский спорт, 2008. – 280 с.
9. Кейнс Джон Мейнард. Общая теория занятости, процента и деньги. Избранное/вступ. Статья Н.А. Макешевой. – М.: Эксмо, 2007. -960 с.
10. Самуэльсон П., Нордхоус В. Экономика: пер с англ.-М.: “Издательство БИНОМ”, 1997.-800 с.
11. Харрод Р. Классики кейнсианства. В2 т. Т. 1: К теория экономической динамики. – М.: Экономика. 1997-416 с.
12. Квартальнов В.А. Теория и практика туризма: учебник. – М.:Финансы и статистика, 2003 . -672 с.
13. Папирян Г.А. Международные экономические отношения: экономика туризма. – М.: Финансы и статистика, 1999. – 208 с.
14. Жукова М.А. Индустрия туризма: менеджмент организации. –М.: Финансы и статистика, 2004.–200 с.
15. [http:// www.ipublishing.com/ te.htm](http://www.ipublishing.com/te.htm)

ЎУК 330

Кўп омилли тўғри чизиқли эконометрик модел асосида прогноزلанишнинг афзаллиги

Х.И. Мўминов, и.ф.н., доцент, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақола иқтисодий ўсишни моделлаш ва прогноزلаш масалаларига бағишланган. Иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи капитал, ишчи кучи ва инновация харажатларининг аҳамияти, эластиклик коэффициенти, регрессион ва корреляцион таҳлил натижалари кўрсатилган.

Таянч сўзлар: модель, корреляция, регрессион таҳлил, вақтли қаторлар, кўп омилли регрессион таҳлил, иқтисодий ўсиш, капитал, ишчи кучи, инновация, прогноزلаш.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы моделирования и прогнозирования процессов экономического роста. Показан роль капитала, рабочей силы и инновационных затрат, коэффициент эластичности, результаты регрессионного и корреляционного анализа.

Ключевые слова: модель, корреляция, регрессионный анализ, временные ряды, модель множественной линейной регрессии, экономический рост, капитал, рабочая сила, инновация, прогнозирование.

Abstract. The article is devoted to modeling and forecasting economic growth. Effects of labor force, capital and innovation costs, the coefficient of elasticity, the results of regression and correlation analysis is shown.

Keywords: model, correlation, regression analyzing, time series, multiple linear regression model, economic growth, capital, labor force, innovation, forecasting.

Қириш. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий омилли иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 28 декабридаги Олий Мажлисга Мурожаатномаларида 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида тўхталиб, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш муҳим

эканлигини куйидагича таъкидлаб ўтдилар: “Биринчидан, биз макроиктисодий барқарорликни ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашимиз шарт. Ўтиш даврида иқтисодиёт соҳасида статистик ҳисоботларни тўғри юритиш ва давлатнинг иқтисодий салоҳиятини аниқ баҳолаш жуда муҳимдир. Шу орқали ялпи ички маҳсулотни ҳолисона баҳолашга эришиш мумкин” [1, 1-бет].

Иқтисодий ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани, барча тармоқ ва соҳаларда тадбиркорлик учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилиши, макроиктисодий барқарорлик, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини таъминламоқда.

Ўтган даврда тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, жаҳон миқёсида рақобат тобора кучайиб бораётгани мамлакатимиз иқтисодиётини янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни таҳлил қилиш, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда мамлакат тараққиётини жадаллаштириш борасида аниқ белгиланган мақсад юқори натижаларга эришишнинг асосий меъзони бўлмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш деб номланган учинчи устувор йўналишида энг биринчи навбатдаги вазифа макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш деб белгиланган.

Макроиктисодий барқарорликни ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда ялпи ички маҳсулотни ҳолисона баҳолашга эришиш, унинг вақт таъсирида ўзгариши, ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) юқори таъсир этувчи омиллар асосида регрессион ва корреляцион таҳлиллар ўтказиш орқали эконометрик модель ҳамда яқин келажакда ялпи ички маҳсулот ўзгариши прогнозини ишлаб чиқишнинг муҳимлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини асослайди.

Масаланинг мазмуни. Ялпи ички маҳсулот мамлакат иқтисодий ҳудудида иқтисодий резидент бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун бир йил давомида ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг бозор баҳосида ҳисобланган ноз-неъматлар бўлиб, миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг миқдор жиҳатидан ошиб бориши макроиктисодий ўсишни, ялпи ички маҳсулотнинг аҳолининг ўртача миқдorigа нисбатининг ўсиб бориши иқтисодий ривожланишни билдиради.

Иқтисодий ўсиш кўлами ялпи ички маҳсулотнинг ўтган йилги миқдоридан мутлақ фарқини англатса, иқтисодий ўсиш суръати жорий йил ялпи ички миқдорини ўтган йилги кўрсаткич маълумотига нисбатининг фоиз кўринишида ҳисобланади. Иқтисодий ўсиш миқдор жиҳатидан ўзгариши мамлакат миқёсида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларнинг миқдор жиҳатидан ўзгаришини, иқтисодий ўсиш сифат томонидан ўзгариши ноз-неъматларнинг истеъмолчилар талаб даражасида ишлаб чиқарилишини ифодалайди.

Ялпи ички маҳсулот мутлақ миқдори табиий ва меҳнат ресурслари, капитал миқдorigа боғлиқ бўлса, иқтисодий ўсишнинг нисбий миқдорлари, ўсиш кўлами ва суръати ресурслардан фойдаланиш даражасига, соф инвестиция миқдори, фан-техника тараққиётидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш, яъни ишлаб чиқаришда инновацион техника ва технологияларнинг жорий қилинишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот миқдори йиллар бўйича барқарор ўсиб бормоқда, мамлакат миқёсида ялпи ички маҳсулотни ҳосил қилишда турли тармоқларнинг қўшаётган хиссаси турлича ўзгариб бормоқда (1-жадвал).

Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасининг ўрни юқори эканлигини, sanoat ва қурилиш тармоғи маҳсулотлари улуши йиллар бўйича ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Ялпи ички маҳсулотнинг даврлар бўйича ўзгаришини таҳлил қилиш ҳамда келгусида бўлиши мумкин бўлган миқдорини прогнозлашда вақтли қаторлар асосида моделлаш ва прогнозлаш ишларини амалга ошириш мумкин.

Тренд тенгламалари бўйича вақтли қаторларни прогнозлаш жуда кенг тарқалган усул бўлиб, бунда энг содда ва кўп ишлатиладиган тўғри чизикли тренд тенгламаси ҳисобланади [3,4,6,7,9,10]:

$$Y = a_0 + a_1 t \quad (1);$$

Бу ерда: Y – натижа, бизнинг мисолимизда ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар миқдори;

a_0, a_1 – регрессия тенгламаси параметрлари;

t – вақтли қаторлар.

$$\alpha_1 = \frac{\bar{xy} - \bar{x}\bar{y}}{\bar{x}^2 - (\bar{x})^2} \quad (2);$$

$$\alpha_0 = \bar{y} - \alpha_1 \bar{x} \quad (3);$$

Шу ўринда айтиш жоизки, бир омилли регрессия тенгламасида α_1 қийматининг юқори бўлиши натижага омилнинг таъсири юқорилигини, α_0 қийматнинг юқорилиги натижага бошқа омиллар таъсири юқорилигини кўрсатади [9,10].

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот миқдори ва тармоқлар улушининг йиллар бўйича ўзгариши

Йил	ЯИМ, жорий нархларда, млн сўм	Тармоқлар улуши, %				Соф солиқлар, %
		Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Қурилиш	Хизматлар	
2000	3 255,6	14,9	26,8	7,5	36,4	14,4
2001	4 925,3	14,3	29,0	6,7	36,6	13,4
2002	7 450,2	14,2	30,1	6,0	37,2	12,5
2003	9 844,0	14,2	30,2	5,8	37,3	12,5
2004	12 261,0	14,5	30,1	4,9	37,9	12,6
2005	15 923,4	15,8	28,6	4,5	37,4	13,7
2006	21 124,9	17,1	26,8	4,5	37,6	14,0
2007	28 190,0	20,7	25,0	4,9	38,4	11,0
2008	38 969,8	22,1	24,1	5,1	39,5	9,2
2009	49 375,6	24,0	21,7	5,5	39,3	9,5
2010	62 388,3	22,3	19,4	5,6	43,3	9,4
2011	78 764,2	24,0	18,0	7,0	44,0	7,0
2012	97 929,3	24,0	17,5	6,8	49,0	2,7
2013	120 861,5	24,2	16,8	4,0	53,0	2,0
2014	145 846,4	26,0	16,4	3,8	44,3	9,5
2015	171 808,3	26,2	17,4	4,2	42,9	9,3
2016	199240,0	23,3	28,8	5,7	39,0	11,2
2017	249136,4	14,9	26,8	7,5	36,4	14,4
2018	407514,5	14,3	29,0	6,7	36,6	13,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Масаланинг ечими. Тадқиқотлар ЯИМ вақтга боғлиқлик тўғри чизиқли жуфт регрессия тенгламаси $y = -73244 + 16402,8t$ кўринишда бўлиб, ушбу модель нисбий хатолиги 216,6 фоиз ҳамда детерминация коэффиценти 0,75 миқдорда бўлиши модель сифати ва аниқлиги пастлигини кўрсатди. Шу боис, ЯИМнинг вақтга боғлиқ ўзгаришини ўрганиб, даражали функция кўринишидаги модель аниқлиги ва сифати юқори бўлиши тахмин қилинди, изланишлар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг вақтга боғлиқ бир омилли жуфт регрессия тенгламаси $Y_x = 6982,5 + 11,2t^{7/2}$ кўринишида эканлиги аниқланди (2-жадвал).

Жадвал маълумотлари $Y_x = 6982,5 + 11,2t^{7/2}$ кўринишидаги даражали модель нисбий хатолиги (аппроксимация коэффиценти) 19,1 фоиз, яъни аниқлиги юқори даражада ва детерминация коэффиценти 0,963 бўлиши омил ва натижа кучли боғланишда эканлигини билдириб, бошқа моделлардан аниқлиги жуда юқорилигини ифодалади

Ушбу моделга асосланиб, келгуси беш йил, яъни 2019-2023 йиллар учун ялпи ички маҳсулот миқдорини кутиладиган миқдори, прогнози ишлаб чиқилди. Прогноз маълумотлари 2019 йил ялпи ички маҳсулот 409158,7 млрд сўм ва 2023 йилда бу кўрсаткич 768273,5 млрд сўм, яъни 2018 йилга нисбатан икки баробар кўп маҳсулот ишлаб чиқаришини кўрсатмоқда.

Вақтли қаторлар асосида ишлаб чиқилган тренд тенгламаси асосида прогнозлаш экстраполяцион текислаш, ўртача сирғалувчи, ўрганилаётган давр оралиғини узайтириш каби усуллар бўйича қаторни силлиқлаштириш ва бу асосида прогнозлашга мазмунан яқин бўлгани учун юқоридаги усулларга батафсил тўхталиб ўтирмадик. Иқтисодий кўрсаткичларнинг вақтли қаторлар асосида прогнозлашда иқтисодий жараёнларнинг даврлар бўйича ўзгариши чуқурроқ таҳлил қилиниб, келгуси йиллар учун прогнози ишлаб чиқилганда фақат вақтнинг таъсири ўрганилади.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг миқдоран ўзгаришининг сабабини омилли таҳлил асосида моделлаш ва прогнозлашда кўрсаткич миқдорига таъсир қилувчи асосий омиллар ҳамда бу омилларнинг таъсири остида кўрсаткичнинг келгусидаги прогнози ўрганилади.

2-жадвал

ЯИМни вақтга боғлиқ ишлаб чиқилган моделларининг тавсифи

Йиллар	t	ЯИМ	-73244+16402,8t	-21793,2+866t ²	-229+47,9t ³	6982,5+11,2t ^{7/2}	12863,7+2,6t ⁴
2000	1	3255,6	-56841,2	-20927,2	-181,0	6993,8	12866,3
2001	2	4925,3	-40438,4	-18329,2	154,3	7109,7	12905,8
2002	3	7450,2	-24035,6	-13999,4	1064,4	7508,2	13076,8
2003	4	9844,0	-7632,8	-7937,5	2836,7	8421,4	13537,3
2004	5	12261,0	8769,9	-143,7	5758,7	10124,5	14508,2
2005	6	15923,4	25172,7	9382,0	10117,8	12930,1	16273,7
2006	7	21124,9	41575,5	20639,7	16201,3	17183,8	19181,2
2007	8	28190,0	57978,3	33629,4	24296,6	23261,5	23641,1
2008	9	38969,8	74381,1	48351,0	34691,2	31567,0	30127,0
2009	10	49375,6	90783,9	64804,6	47672,5	42530,2	39175,6
2010	11	62388,3	107186,7	82990,1	63527,9	56605,8	51387,0
2011	12	78764,2	123589,5	102907,6	82544,8	74271,8	67424,1
2012	13	97929,3	139992,2	124557,0	105010,6	96028,3	88013,2
2013	14	120861,5	156395,0	147938,4	131212,7	122396,8	113943,7
2014	15	145846,4	172797,8	173051,7	161438,6	153919,4	146067,9
2015	16	171808,3	189200,6	199897,0	195975,6	191157,8	185301,6
2016	17	199325,1	205603,4	228474,3	235111,1	234692,8	232623,7
2017	18	249136,4	222006,2	258783,5	279132,6	285123,6	289076,0
2018	19	407514,5	238409,0	290824,6	328327,4	343067,4	355763,6
2019	20		254811,8	324597,7	382983,0	409158,7	433854,8
2020	21		271214,5	360102,8	443386,8	484049,0	524581,0
2021	22		287617,3	397339,8	509826,1	568406,2	629236,8
2022	23		304020,1	436308,8	582588,5	662914,4	749179,7
2023	24		320422,9	477009,7	661961,3	768273,5	885830,8
Нисбий ҳатолик, %			216,6	110,4	31,4	19,1	40,0
Детерминация коэффициенти			0,75	0,89	0,95	0.963	0,94

Манба: муаллиф маълумотлари асосида тайёрланган.

Тадқиқотда кўп омилли моделлаш ва прогнозлашнинг энг содда кўриниши ҳисобланган кўп омилли тўғри чизиқли моделлаш ва прогнозлашни ўрганиб, ЯИМнинг кўп омиллар таъсирида ўзгариши ҳамда келгусида бўлиши мумкин бўлган миқдори бўйича прогноз ишлаб чиқилди.

Кўп омилли тўғри чизиқли модель кўриниши куйидагича [3,4,6,7]:

$$y = a_0 + \sum_{i=1}^n a_i x_i \text{ ёки } y = a_0 + a_1 x_1 + a_2 x_2 + \dots + a_n x_n \quad (4)$$

Бу ерда: y - натижа, эрксиз ўзгарувчи;

$a_0, a_1, a_2, \dots, a_n$ – регрессия тенгламаси параметрлари;

x_1, x_2, \dots, x_n – омиллар, эркин ўзгарувчилар.

ЯИМга таъсир қилувчи асосий омилларни белгилаб олиш учун натижа ва омиллар матричасини ҳосил қиламиз (3-жадвал). ЯИМга асосий капиталга инвестициялар, бандлар сони, инновация харажатлари бошқа омилларга нисбатан таъсири юқорилиги, омилларнинг ўзаро боғланиши натижага боғланишидан паст эканлигини кўрсатмоқда. Маълумки, детерминация коэффициенти 0-1,0 оралиғида бўлиб, кўрсаткичнинг 0 га яқин бўлиши боғланиш кучсизлигини ҳамда 1,0 га яқинлашуви боғланиш даражаси юқорилигини англатади.

Бунда ЯИМга таъсир қилувчи 5-10 омилларни ЯИМга боғланиш даражаси юқори, яъни детерминация коэффициенти 0,5 дан юқори бўлган омилларни белгилаб оламиз ҳамда бу миқдор 0,5 дан паст бўлган кўрсаткичларни ЯИМга таъсир даражаси пастлигини инобатга олиб, эътибордан четда қолдирамиз.

Кўплаб олимларнинг фикрларига кўра, ЯИМга таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида капитал ва меҳнат белгиланган. Тадқиқотда бу омиллардан ташқари, сўнгги йилларда иқтисодий ўсишга таъсири юқори бўлиб бораётган инновация харажатлари ҳам инобатга олинди.

Жадвал маълумотлари ЯИМ ўзгаришига асосий капиталга инвестициялар, бандлар сони, инновация харажатлари бошқа омилларга нисбатан таъсири юқорилигини инобатга олиб, юқорида

кўрсатилган омилларга асосланган кўп омилли тўғри чизиқли регрессия тенгламаси ишлаб чиқилди.

3-жадвал

ЯИМга таъсир қилувчи омилларнинг боғланиш даражаси

	ЯИМ	Асосий капиталга инвестициялар	Бандлар сони	Инновация харажатлари
ЯИМ	1,000			
Асосий капиталга инвестициялар	0,999	1,000		
Бандлар сони	0,899	0,877	1,000	
Инновация харажатлари	0,946	0,933	0,940	1,000

Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида тайёрланди.

2008-2018 йиллар оралиғида натижа ва омиллар қийматларининг ўзгаришига асосланиб, тадқиқот натижасида регрессия тенгламаси ишлаб чиқилганда, қуйидаги кўринишдаги тўғри чизиқли регрессия тенгламаси ҳосил бўлди.

$$Y_{\text{ЯИМ}} = -106027,82 + 3,46x_1 + 10,03x_2 + 0,62x_3 \quad (5);$$

Эътибор берадиган бўлсак, бошқа омилларнинг барчасининг таъсири тескари боғлиқликда ($a_0 = -106027,82$) бўлиб, ЯИМ миқдорининг ўзгаришига асосий капиталга инвестициялар, бандлар сони, инновация харажатлари тўғри мутаносибликда жиддий таъсир кўрсатишини билдиради. ЯИМ миқдорининг ўзгаришига юқори даражада таъсир кўрсатувчи бу омилларнинг, айниқса, асосий капиталга инвестициялар миқдорининг сўнгги йилларда кескин ошиши ЯИМ миқдорининг юқори миқдорда ўсишига таъсир қилмоқда (4-жадвал).

4-жадвал

ЯИМнинг кўп омилли тўғри чизиқли модель тавсифи

Йиллар	t	ЯИМ, млрд сўм	ЯИМ кўп омилли прогнози, млрд сўм	Асосий капиталга инвестициялар, млрд сўм	Бандлар, минг киши	Инновацион харажатлар, млрд сўм
2008	1	38969,8	37184,4	9555,9	11035,4	521,5
2009	2	49375,6	50935,2	12531,9	11328,1	333,7
2010	3	62388,3	64194,0	15338,7	11628,4	264,4
2011	4	78764,2	76680,3	17953,4	11919,1	372,6
2012	5	97929,3	97040,3	22797,3	12223,8	311,9
2013	6	120861,5	121121,0	28694,6	12523,3	4634,2
2014	7	145846,4	147206,6	35233,3	12818,4	3757,4
2015	8	171808,3	172371,4	41670,5	13058,3	5528,3
2016	9	199325,1	203144,8	49770,6	13298,4	2571,4
2017	10	249136,4	243702,0	60719,2	13520,3	4162,3
2018	11	407514,5	408339,2	107333,0	13800,0	5283,7
2019	12		424365,8	110376,7	14130,8	20049,9
2020	13		505883,7	132726,4	14407,8	24200,3
2021	14		597034,5	157810,4	14684,8	28858,4
2022	15		698182,1	185731,7	14961,9	34043,5
2023	16		809676,4	216590,2	15238,9	39774,0
Регрессия тенгламаси		$Y_{\text{ЯИМ}} = -126304 + 3,46x_1 + 11,82x_2 + 0,94x_3 + 0,17 + 20x_4^{5/2} + 277,0x_5$				
Нисбий хатолик, %		1,81		11,37	0,29	12,33
Детерминация коэффициенти		0,99		0,93	0,99	0,98

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Эътибор берадиган бўлсак, ЯИМ миқдори ўзгаришининг кўп омилли тўғри чизиқли функция кўринишидаги моделнинг аниқлиги ва сифати юқорилигини модель нисбий хатолик миқдори вақтли қатор асосидаги даражали функция кўринишидаги моделнинг 2-жадвалда келтирилган ушбу кўрсаткич миқдоридан 10 марта кичиклиги ҳамда детерминация коэффициентининг 0,03 миқдорда юқорилигидан кўриш мумкин.

Регрессия тенгламаси ёрдамида омилнинг натижага таъсирини ўрганишда эластик коэффицентларидан фойдаланилади [3,4,6,7]. Бу коэффицент (Э) омил белгининг ўртача неча фоиз ўзгаришини ифодалайди:

$$\varepsilon = a_i \cdot \frac{x}{y} \quad (6);$$

Бу ерда: ε – эластиклик коэффициенти;

a_i – регрессия тенгламаси параметри;

\bar{x} – омил ўртача миқдори;

\bar{y} – натижа ўртача миқдори.

Эластик коэффициенти асосий капиталга инвестициялар бўйича 0,844, бандлар сони бўйича 0,849, инновация харажатларида 0,027 қийматга эга бўлиши асосий капиталга инвестициялар 1,0 млрд сўмга қўшимча ошганда, ЯИМ миқдори қўшимча 844 млн сўмга, бандлар сони қўшимча минг кишига ошганда, ЯИМ 849 млн сўмга, инновация харажатлари қўшимча 1,0 млрд сўмга ошганда, ЯИМ 27,0 млн сўмга кўпайишини англатади.

Модель сифати ва аниқлиги ижобий ҳолатда эканлигидан келгуси беш йилда ЯИМнинг бўлиши мумкин бўлган миқдори прогнозини ишлаб чиқиш учун, биринчи навбатда, омилларнинг келгуси беш йилликдаги прогноз миқдорларини 4-жадвал маълумотлари асосида ишлаб чиқилган детерминация коэффициенти бирга ва нисбий хатолик нолга яқин қийматга эга бўлган регрессия тенгламаларидан фойдаландик:

Асосий капиталга инвестициялар миқдорининг вақт бўйича ўзгариши модели:


$$y_{investitsiya} = 9490,17 + 202,2t^{5/2} \quad (7);$$

Бандлар миқдорининг вақт бўйича ўзгариши модели:

$$y_{band} = 10806,2 + 277,0t \quad (8);$$

Инновация харажатлари миқдорининг вақт бўйича ўзгариши модели:

$$y_{inn} = 1315,0 + 37,6t^{5/2} \quad (9);$$



1-расм. ЯИМнинг вақтли қаторлар ва кўп омилли тўғри чизикли регрессия тенгламаси асосидаги прогноз маълумотлари

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Юқоридаги тўғри чизикли жуфт регрессия тенгламасидаги вақт омили (t) ўрнига 4-жадвалда келтирилган мос қийматларни қўйиб, 2019-2023 йиллар учун ЯИМ омилларининг прогноз қийматлари ҳисоблангандан сўнг, ушбу даврга мўлжалланган ЯИМнинг кўп омилли тўғри чизикли регрессия тенгламаси асосида ЯИМ прогнози ишлаб чиқилди (1-расм).

Тадқиқотда вақтли қаторлар асосида модель тайёрлаш жараёнида маълумот базаси сифатида автокорреляция мавжуд бўлмаган ўн тўққиз йиллик ЯИМнинг номинал қийматидан фойдаланилган бўлсада, кўп омилли тўғри чизикли регрессия тенгламаси асосидаги модель вақтли қаторлар асосида ишлаб чиқилган моделдан аниқлиги юқорилиги сабабли, бу модель асосида 2019-2023 йиллар учун

ишлаб чиқилган прогноз маълумотлари ЯИМнинг ўтган даврларига нисбатан мос равишда ўсиб боришини 1-расм маълумотларидан кўриш мумкин.

Кўп омилли тўғри чизиqli регрессия тенгламаси асосидаги прогноз маълумотларида 2023 йилда ЯИМ миқдори 809676,4 млрд сўм ҳамда вақтли қаторлар асосида ишлаб чиқилган модель асосидаги прогноз маълумотларида ушбу даврда бу кўрсаткич 768273,5 млрд сўм бўлиши кутилмоқда. Прогноз маълумотлари 2008-2018 йиллардаги ЯИМнинг бозор баҳосида ҳисобга олинган қийматлари асосида ишлаб чиқилганлиги боис нарх ўзгаришининг таъсири инobatга олинмаган. Сўнгги йилларда oшиб бораётган инфляция даражаси ЯИМ миқдорининг сунъий ошишига ва бу маълумотлар асосида тайёрланган модель ҳамда прогноз маълумотлари ҳақиқий вазиятдан бошқача бўлиши мумкин. Кейинги тадқиқотларимизда ўзгармас баҳолар ЯИМнинг модели ва прогнозини ишлаб чиқиш масалаларини ҳам кўриб чиқамиз.

Хулоса ва таклифлар. Ялпи ички маҳсулотнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ижобий томонга ўзгариши аҳоли фаровонлиги ошишининг асосий омилли эканлигини инobatга олиб, сўнгги йилларда вақтли қаторлар ҳамда кўп омилли тўғри чизиqli регрессия тенгламаси асосида ялпи ички маҳсулот ўзгаришининг модели ҳамда прогнози ишлаб чиқилган.

Тадқиқотлар иккала модель бўйича келгуси беш йилликда ялпи ички маҳсулотнинг номинал миқдори икки баробарга ошишини кўрсатаётган бўлсада, кўп омилли тўғри чизиqli модель ва бу асосида ишлаб чиқилган прогноз маълумотлари вақтли қаторлар асосидаги модель ҳамда прогноз маълумотларидан аниқлиги юқорилигини кўрсатиши омилар ҳамда вақтли қатор маълумотлари мавжуд вазиятларда кўп омилли модель ҳамда прогноз маълумотларини ишлаб чиқиш самарали бўлиб ҳисобланади.

Вақтли қаторлар асосида модель ва прогноз ишлаб чиқиш жараёнида қаторда автокорреляция, яъни йиллар бўйича маълумотлар ўзаро боғланмаганлигига ишонч ҳосил қилиш зарур.

Кўп омилли модел тайёрлаш жараёнида омиларни танлаб олишда боғланиш матричасини ишлаб чиқиш, натижада детерминация коэффиценти энг юқори бўлган омиларга эътибор бериш зарур. Кўп омилли модель ишлаб чиқиш жараёнида бир неча кўринишдаги моделларни ишлаб чиқиш ҳамда нисбий хатолик энг паст бўлган, мабодо бу кўрсаткич турли моделлар бўйича бир хил ёки ўхшаш қийматга эга бўлса, Фишернинг F-мезони ва Стьюдентнинг T-мезонлари талабларига мос моделни танлаб олиш керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулот дефлятори 20,0 фоиздан юқори эканлигини кўрсатиши ЯИМ бўйича келгуси тадқиқотларимизни ўзгармас баҳоларда амалга оширишни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи газетаси 2018 йил 29 декабрь 272-сон, 1-2 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль сони, 1-2 бетлар.
3. Алимов Р.Х. ва б. Эконометрика. Ўқув қўлланма, Т. ТДИУ. 2012. -166 б.
4. Елисеева И.И. и др. Эконометрика. Учебник для вузов. М. Финансы и экономика, 2003. – 346 стр.
5. Damodar N Gujarati. Basic Econometrics. The McGraw - Hill Companies, 2004. -1024 p.
6. Francis X. Diebold. Econometrics: A Predictive Modeling Approach. University of Pennsylvania. Edition 2018. -371 p.
7. Мамаева З.М. Введение в эконометрику. Учебное пособие, Нижний Новгород.: Нижегородский госуниверситет, 2010. – 72 стр.
8. Ҳодиев Б. Шодиев Т, Беркинов Б. Эконометрика. Ўқув қўлланма, Т.: Иқтисодиёт, 2018. -175 б.
9. Х.И. Мўминов. Динамика қаторлари асосида тўғри чизиqli тренд тенгламаси ишлаб чиқиш, Иқтисодиёт ва таълим, №2, 2019 й. Т. 204-210 б.
10. Х.И. Мўминов. Хорижий туристлар миқдорини тренд тенгламаси асосида прогнозлаш, Хоразм Маъмур академияси ахборотномаси, №1, 2019 й, Хоразм, 30-36 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари www.stat.uz

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЎЗГА (ИСЛОМДАН ТАШҚАРИ) ДИН ВАКИЛЛАРИ УЧУН
ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Қ.Т. Тўраев, ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз
М.Н. Эрданов, ғ.ф.н., Термиз давлат университети, Термиз*

***Аннотация.** Мақолада Сурхондарё вилоятида исломдан ташқари дин вакиллари жумладан буддистлар учун буддизм зиёрат туризмини ривожлантириш ҳамда буддизм динига оид зиёратгоҳ ва кадамжоларнинг туристик салоҳиятини таҳлил қилиш ҳақида маълумотлар келтирилган.*

***Калит сўзлар:** дин, буддизм, ибодатхона, туристик объектлар, хотира туризми.*

***Аннотация.** В статье анализируется развитие неисламских религий, в частности буддийского паломничества в Сурхандарьинской области, а также анализируется туристический потенциал буддистских святынь в регионе.*

***Ключевые слова:** религия, буддизм, храмы, туристические объекты, туризм памяти.*

***Abstract.** The article analyzes the development of the Buddhist pilgrimage of non-Islamic religions, including Buddhists, in the Surkhandarya region, and also analyzes the tourism potential of shrines and shrines in Buddhism.*

***Key words:** religion, buddhism, temples, tourist sites, memory tourism.*

Кириш. Жаҳон бўйича халқлар ўртасида турли динлар тарқалган бўлиб, улар хусусиятларига кўра миллий ва дунёвий динлар гуруҳларига бўлинади. Миллий динлар жаҳоннинг баъзи мамлакатларида асосан битта давлат доирасидаги маҳаллий дин ҳолатида сақланиб келмоқда. Уларга Ҳиндистондаги ҳиндуизм, Хитойдаги конфуционизм, Япониядаги синтоизм, Исроилдаги иудизм ва бошқалар киради. Дунёвий динларга жаҳонда энг кенг тарқалган ва унинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида катта ўрин тутувчи буддавийлик, христиан ва ислом динлари киради. Буддизм кенг тарқалган динлардан бири. У дунё динларининг энг қадимийидир. V, VI, VIII асрларда Ҳиндистондаги Хитой буддизм роҳиблари-ибодатчилари икки йўлга эргашдилар. Биринчи - жанубий Хитой денгизи орқали Бенган кўрфази. Иккинчи - шимолий йўналиш Афғонистон ва Покистон орқали Буюк ипак йўли бўйлаб ўтган[1]. Шимолий йўналиш чорраҳасида бўлган Термиз ўша вақтларда Ўрта Осиёдаги буддизм маркази ҳамда Буюк ипак йўлидаги транзит пункти бўлган [2].

Минг йил давомида Буюк ипак йўли дунёдаги энг катта куруқликка асосланган магистрал бўлиб, Хитой, Марказий Осиё орқали Европага ўтди. Айнан дунёнинг ушбу қисмида кўчманчи қабилалар ва дунёнинг энг қадимий шаҳарлари ўртасида маданиятлар ва турмуш тарзи ўзаро боғлиқ бўлган. Буддист, христиан ва мусулмонлар таъсирида динлар чорраҳаси ҳисобланади[3].

А.Ю.Александрованинг таъкидлашича дунёда 11 та зиёратнинг макро ҳудудлари мавжуд бўлиб, ҳар бир макроҳудуд асосан дунё бўйлаб зиёрат марказлари билан танилган шулардан бири Марказий Осиё буддизм билан ислом ҳукмрон ҳудудлардир [4].

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Сурхондарё вилоятида буддизм диний туристик объектларининг тарихий шаклланиши, диний туризм шу жумладан, буддизм туристик объектларини тадқиқ қилиш, буддизм туристик объектларидан фойдаланиш ва буддизм туризм йўналишини ривожлантиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш ушбу ишнинг мақсади ҳисобланади. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда қўйидаги вазифалар белгиланди. Ўзбекистонда буддизм зиёрат туризми йўналишига киривчи кадамжоларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.


Асосий қисм. Фаёз тепа - буддавийлик дини маркази милоддан аввалги I асрга тегишли буддизм ибодатхоналари қолдиқлари топилган манзили саёҳатчиларда алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу манзилларга қўйидагиларни ҳам киритиш мумкин: Қоратепа - мил. 1-3 асрлар будда ғор ибодатхоналар мажмуаси. Эски Термизнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. Дастлаб 1926-28 йилларда Москвадаги Шарқ халқлари маданияти давлат музейи экспедицияси очган; Далварзинтепа (Шўрчи тумани ҳудудида), Айритом (Термиз шаҳар ҳудудида), Зурмала минораси (эски Термиз ҳудудида).

Жумладан, Шарқий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари Хитой, Япония, Корея ва Малайзия, Ҳиндистон давлатлари аҳолисини ўз динларининг қадимий марказларидан бири бўлган ушбу ҳудудни кўриш уларнинг саёҳатга бўлган иштиёқини оширмоқда (1-расм). Саёҳатчилар ўз дини маркази бўлган ибодатхона монастир каби зиёрат жойларни хотирлашади. Хотира ва жой ўртасида узвий боғлиқлик бор. Хотирлашни турли номлар билан аташ мумкин: тарихий хотира, ижтимоий

хотира, маданий хотира кабилар шулар жумласидан [4]. *Тарихий хотирлаш* будданинг вафот этган куни, *ижтимоий хотирлаш* мамлакат қахрамонларини ёдга олиш каби турли тушунчалар билан аталади. Бизнинг наздимизда Термиздаги будда ибодатхоналари Шарқий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари саёҳатчиларига ҳам зиёрат, ҳам хотира туризми ҳисобланади. Шу сабабли ҳам Шарқий ва Жануби-шарқий Осиёдан туристлар салмоғи йиллар давомида ортиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, ушбу сайёҳлар будда ибодатхоналарини кўриш билан биргаликда бошқа диққатга сазовар жойларга ҳам ташриф буюрмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Юнеско ва Япон ишонч жамғармаси билан ҳамкорликдаги Фаёз тепа будда ёдгорлиги харобаларини сақлаш ва қайта тиклаш бўйича лойиҳа амалга оширилган ва у давлат муҳофазасига олинган.



1-расм. Сурхондарё вилоятига 2012-2017 йилларда Шарқий, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан туристлар ташрифи

Жарқўтон харобасидаги оташпарастрлар ибодатхонаси Ўрта Осиёдаги энг қадимги оташкада ҳисобланади. Ибодатхона марказида катта супа (очиқ платформа) бўлиб, унинг марказида чор минор қолдиқлари ва катта саждагоҳ топилган. Коҳинлар яшайдиган супали хоналар, муқаддас олов ва кул сақланадиган оташгоҳлар, муқаддас ичимлик (саома-хаома) тайёрланадиган хоналар очилган.

Вилоятда, асосан, ислом дини тарихи ва маданияти билан боғлиқ обидаларга мусулмон мамлакатларидан зиёратчиларни жалб этиш ҳамда буддизм туризмни ривожлантириш имконияти бор. Шу нуқтаи назардан мазкур жойдан туризм мақсадида фойдаланишда Ўзбекистонда 99% мусулмон эканлигини ҳисобга олсак, ўша дин вакиллари учун, яъни буддизмга эътиқод қилувчи турист учун бу зиёрат, хотира ҳамда ўзликни англаш туризми бўлиб ҳисобланади.

Бирок, ислом дини бу ҳудудларда кенг тарқалгач, буддизм ўз аҳамиятини йўқота бошлади. Унинг баъзи нишонлари эса ҳозиргача урф-одат сифатида халқ орасида сақланиб қолган.

Ҳозирги кунда ҳам дунёнинг кўплаб мамлакатарида буддизм динига эътиқод қилинади. Шундай экан, буддизм тарихи билан боғлиқ обидаларда хотирани жонлантирувчи ландшафтларни, боғларни, хиёбонларни ташкил қилиш, уларда туристик иштиёкни оширишга хизмат қилади. Буддизмга тааллуқли мақсадли туристик маршрутлар ишлаб чиқилмаганлиги, объектларда сайёҳларга хизмат кўрсатувчи шахобчаларнинг камлиги Сурхондарё вилоятида исломдан ташқари дин вакиллари, жумладан, буддистлар учун буддизм зиёрат туризмни ривожлантириш салоҳиятидан самарали фойдаланишни биров чекламоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бабкин А.В. Специальные виды туризма Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. - 252 с.
2. <https://buddha.by/termez-buddiiskoe-nasledie-uzbekistana>
3. <http://uzbek-travel.com/tours/religion/zoroastrian-and-buddhist-heritage-of-uzbekistan/>
4. http://tourlib.net/books_tourism/aleks.htm
5. <https://journals.sagepub.com/doi/pdf/10.1177/1467358416641254>
6. <https://www.advantour.com/uzbekistan/termez/buddhism.htm>

ТАРИХ ФАНЛАРИ

ЎУК 39:572:316.273

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ШАҲАР АНТРОПОЛОГИЯСИНИНГ
ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР***С.М. Анаркулов, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент*

Аннотация. Ушбу мақолада XX асрда шаҳар антропологияси ва этнологиясининг АҚШ ва Европа муаллифлари томонидан ўрганилиши таҳлил этилган.

Калим сўзлар: шаҳар антропологияси, Эрза Парк, Эмиль Дюркгейм, ортоген ва гетероген маданият, chinatown, этник анклавлар, миграция.

Аннотация. В данной статье анализируется изучение городской антропологии и этнологии в 20-м веке американскими и европейскими авторами.

Ключевые слова: городская антропология, Эрза Парк, Эмиль Дюркгейм, ортогенная и гетерогенная культура, chinatown, этнические анклавы, миграция

Abstract. This article analyzes the study of urban anthropology and ethnology in the 20th century by American and European authors.

Key words: urban anthropology, Erza Park, Emile Durkheim, orthogenic and heterogeneous culture, chinatown, ethnic enclaves, migration

Ғарб шаҳарлари бугунги қиёфасининг шаклланиши XX асрнинг бошларига тўғри келади. Бунга жаҳон иқтисодий ҳаётида улушлар нисбатининг ўзгарганлиги, янги-янги етакчи давлатларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг қўлида дунё бойликларининг катта қисми тўпланиши сабаб бўлди. Улар эндиликда дунёнинг молиявий тизимини бошқарадиган кудратли кучга айландилар. Қад кўтараётган жуда ҳайбатли шаҳарлар шу кудратнинг акс садоси ҳам эди. Чунки, жуда катта маблағлар билан боғлиқ жараёнлар шаҳарларда кечди. Айниқса, Европа ва Америка Қўшма Штатлари шаҳарлари жаҳон молия марказларига айланди. Нью-Йорк, Лос-Анжелес, Лондон, Париж, Рим каби жуда йирик шаҳарлар ўзида кўплаб кишиларни тўплади. Санаб ўтилган шаҳарларга дунёнинг деярли барча мамлакатларидан муҳожирлар кўчиб кела бошладилар. Натижада, бу ерда ўзига ҳос шаҳар муҳити шаклланди. Шунинг учун кўпчилик тадқиқотчилар айнан мазкур минтақа вакиллари бўлиб, улар шаҳар антропологияси ва этнологиясини ёритишда Европа ва АҚШ шаҳарларини асосий объект сифатида танладилар. Шулардан бири америкалик социолог Роберт Эрза Парк бўлиб, у ўтган асрнинг биринчи ярмида шаҳарлардаги миграция, аккультурация ва ассимиляция жараёнларини тадқиқ этди [1]. Ўз изланишлари даврида олим шаҳар антропологиясининг ўрганилишига доир ишларнинг таснифини ҳам ишлаб чиқди [2]. Э.Паркнинг тадқиқотларида Америка шаҳарларининг XX аср бошларидаги қиёфаси гавдаланади. Унинг таъкидлашича, Американинг замонавий шаҳарларига ҳос бўлган хусусият – бу шахмат тахтасини эслатувчи сунъий тузилмадир [3]. Олим шаҳарларни ташкил этиш, унинг маҳаллий хусусиятлари, саноат шаҳарлари, у ердаги ахлоқий тартиб, жўшқинлик ва шаҳар муҳити, шаҳардаги иккиламчи алоқалар ва ижтимоий назорат масалаларини ёритган.

Бундан хулоса чиқадики, олим асосан, шаҳар жамиятини тадқиқ қилиб, Америка шаҳарларининг XX аср биринчи ярмига ҳос бўлган психологиясини очиб берган. Муаллиф яшаган даврдаги ирқчилик муносабатлари ҳали тўла барҳам топмаганлиги нуқтаи назаридан олиб қаралганда, унинг шаҳар қиёфасини ўрганишда ижтимоий ҳаётни ёритишга кўпроқ эътибор қаратганини ўша давр замонавий шаҳар муаммосини ўрганишдаги муҳим жиҳат дея баҳолаш мумкин. Чунки у билан бир даврда яшаб ижод қилган Виртнинг тадқиқотларида ҳам шундай хусусият кўзга ташланади. У ўз изланишларида асосий эътиборини алоҳида диаспораларни ўрганиш орқали шаҳарлар қиёфаси таҳлил этиш, яҳудийларнинг ғарбий ярим шарга кўчиб ўтиши, Европа шаҳарларига миграциясини ёритишга қаратган. Ушбу тадқиқот марказида яҳудий диаспораси турсада, унда аҳолининг кўпайиши билан боғлиқ муаммолар, сегрегацияларнинг ташкил топиши, муҳожирларнинг янги маконга мослашуви жараёни, у билан боғлиқ назарий масалалар таҳлил этилган [4].

XX асрнинг 30-йилларига келиб, иқтисодий омилларнинг шаҳар муҳитининг шаклланишидаги ролини очишга қаратилган қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Масалан, Э.Дюркгейм шаҳар аҳолиси асосан ишчи ёки савдогарлардан иборат бўлганлиги учун, бозор дастлаб ўша жойда маҳаллий савдо ташкилоти ёки ўз-ўзини идора қилувчи орган вазифасини бажарганлиги, ҳар бир шаҳар меҳнат тақсмоти натижасида ўзига ҳос аҳоли гуруҳларини ташкил этиши, шаҳарнинг турли

нотаниш кишиларни ўзда жамлаган қизиқарли тадқиқот объекти эканлигини таъкидлайди [5]. Шунингдек, бу даврда Л.Вирт шаҳар мавзусидаги тадқиқотларини давом эттириб, 1930-йиллар урбанизация жараёнларини таҳлил этишда иқтисодиётнинг, хусусан, саноатининг жадал ривожланиш шароитида АҚШ ва Япония шаҳарлари аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни ўрганди [6].

XX асрнинг 40-йилларида Алексис де Тоскуэлли айтиш мумкинки, шаҳарлар мақомининг ўзига хос янги қирраларини олиб кирди. Тоскуэлли шаҳарнинг жамиятда демократиянинг қарор топишидаги ўрнини Америка ва Англия шаҳарлари мисолида таҳлил этди. Америкага хос шаҳар тизими ва ўз-ўзини бошқариш органи эканлигини “шаҳар эркинликнинг бошланиши, худди илмга етакловчи бошланғич мактаб кабидир” дея тасвирлайди [7]. Роберт Редфилд ҳам шу даврнинг шаҳар жамиятини тадқиқ этган машҳур социологларидан бири ҳисобланади. Олим жамият тушунчасининг ибтидоий жамиятнинг идеал кўриниши ёки халқ жамоаси эканлиги, лекин унинг урбанизация жамиятидан фарқ қилишини таъкидлайди. У замонавий шаҳар шароитида, бузилган ва динга мансубликдан ҳоли бўлган маданиятлар алоқаларини таҳлил этади [8].

Ўтган асрнинг ўрталарига келиб, шаҳар антропологиясини тадқиқ этишда унинг кўлами жуда кенг қамровли бўлди. Юқорида таҳлил этилган йўналишлардан фарқли равишда бу даврда яратилган асарларда шаҳар жамиятидаги умумий хусусият касб этувчи ижтимоий, иқтисодий муаммолар доирасидан четга чиқилди. Яъни, шаҳар қиёфаси билан боғлиқ умумий қонуниятлардан кўра, ундаги маълум бир мултимаданият муҳити, уни келтириб чиқарувчи сабаб ва омилларга кўпроқ эътибор қаратилди. Масалан, Редфилд ва Сингерлар шаҳарларнинг маданий ролини ёритиб, *ортоген* ва *гетероген** [9] маданиятлардаги трансформациялар, қишлоқнинг “кичик анъаналари” урбанизм жараёнлари натижасида “буёқ анъаналар”га айланганлигини таъкидлайди [10].

Н.Маргарет, О.Луис, М.Ширинавас, Р.Сеннет асарларини таҳлил қилиш, 60-йилларга келиб, шаҳар антропологияси масалаларини тадқиқ этишнинг янги даври бошланганини кўрсатади. Жумладан, Оскар Луис замонавий шаҳарни ўрганишда ижтимоий тенглик масаласига алоҳида эътибор қаратади. У “қашшоқликда яшаётган аҳоли учун муайян бир маданиятга мансублик борми?” деган саволга Пуэрториго ва Нью-Йорк шаҳарларида яшаётган пуэрториголиклар мисолида жавоб беришга ҳаракат қилади [11].

Маргарет Нора эса ўз изланишларида қишлоқ-шаҳар миграциясида қариндошликнинг аҳамиятини ўрганишга ҳаракат қилган. Қишлоқларда ўзаро муносабатларда қариндошликнинг аҳамияти юқорилиги, шаҳар шароитида эса ўзаро муносабатларни ўрнатишда жамиятдаги мавжуд тартиблар, қонун-қоидаларнинг устунлик қилишига урғу беради. Қолаверса, миграция натижасида шаҳарларга кўчиб келган аҳоли орасидаги қариндошлик алоқаларининг қайта тикланиши қонуниятлари ҳам таҳлил этади [12].

XX асрнинг 80-йилларига келиб, дунёнинг кўпгина давлатларида шаҳар антропологияси билан шуғулланувчи олимлар фаолият кўрсатди. Замонавий шаҳарнинг замонавий муаммоларига бағишланган кўплаб асарлар яратилди. Жумладан, ушбу муаммони Улф Ханнрез шаҳар антропологияси илми, шаҳарни қидириш, шаҳар театр сифатида, шаҳар қурилиши ва шаҳар ҳаёти каби ёндашувлар асосида ўрганган [13].

Моллингс эса АҚШ шаҳарлари антропологиясига бағишланган мақоласида АҚШ президентларининг олиб борган ислохотлари, уларнинг шаҳар қиёфасининг шаклланишидаги ролини Кеннеди, Жонсон ва Рейган даври мисолида таҳлил қилади [14].

Ўтган асрнинг сўнгида ҳам замонавий шаҳар антропологиясини ўрганиш қизиқарли ва долзарб масала бўлиб қолаверди. Айтиш мумкинки, 90-йилларда XX асрнинг қолган давридагидан кўра кўпроқ ушбу мавзуга доир ишлар қилинди. Хусусан, Элдрич Ховард эса ўзининг “Энтиклик ва тадбиркорлик” номли мақоласида этниклик ва тадбиркорлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, кўп сонли этник гуруҳларга бўлган эҳтиёж ва тадқиқот жараёнидаги қиёсий таҳлиллар масаласини шаҳар аҳолиси мисолида ўрганади [15]. Шу тақлид изланишлар олиб борган Жим Сандерс эса Нью-Йоркдаги хитой кварталларини (chinatown) тадқиқ қилиб, “иммиграция шароитида хитой анклавлари сақланиб қоладими?” деган саволга жавоб беришга уринади [16]. Бу борада Жемс Холстон ва Аржун Ападураилар ҳаммуаллифликда ёзган мақоласида, Сассен, Диуф ва Калдейралар таъкидлаганидек, шаҳарларнинг турлича хўжалик ҳаёти дунёнинг турли фуқароларини шакллантирадиган махсус жой, қолаверса, шавқатсиз ижтимоий тузилма, маданий қарама-қаршиликлар макони эканлигига тўхталиб,

шаҳарларнинг ижобий ҳислатлари билан бирга замонавий долзарб муаммоларнинг ўчоғига айланиб бораётганлигини қайд этади [17].

Шаҳар антропологияси мавзуси доирасида XX асрда тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган изланишлар бир қатор ёндашувлар, назарияларни пайдо қилди. Европа ва Америка тадқиқотчиларининг ишларида шу нарса кўзга ташланидики, дастлабки изланишлар асосан ижтимоий муаммоларни қамраб олган бўлиб, Америка шаҳарларидаги ижтимоий, ирқий тенгсизликлар ўша давр замонавий шаҳар қиёфасининг ажралмас қисми эканлиги хусусида кўп бора тўхталинди. Буни табиий танланиш жараёни сифатида баҳолаган Чикаго мактаби вакиллари ўзларининг экологик ёндашув назариясини яратдилар.

XX асрнинг 40-50-йилларидан бошлаб шаҳар этнологиясини ўрганишда сиёсий ва иқтисодий муаммоларга ҳам алоҳида эътибор берила бошланди. Тадқиқотчилар шаҳар антропологиясининг шаклланишига таъсир этаётган сиёсий ва иқтисодий омилларни очиб беришга ҳаракат қилди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса, шаҳар қиёфасини ўрганишда шаҳар аҳолисининг маданияти асосий тадқиқот объектига айланиб борди. Эндиликда турли маданият эгаларининг шаҳардаги ижтимоий-маданий мослашуви, замонавий шаҳарларга хос бўлган турли маданий қоришувлар, мультимаданият муаммолари таҳлил этилди.

Америка ва Европа олимларининг ишларида совет шаҳаршуносларидан фарқли равишда мафкуравий таъсирлардан ҳоли тадқиқот бўлганлиги, шунингдек, улардаги умумийлик сифатида иқтисодий кам тараққий этган мамлакатлар “маданият эгалари”нинг замонавий шаҳар жамиятида мослашувини ёритишга ҳаракат қилинганлигини кўриш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
2. Robert E. Park and Ernest W. Burgess. The City Suggestions for Investigation of Human Behavior in the Urban Environment. - Chicago and London: the University of Chicago press 1925. –pp. 161-231.
3. Парк Р.Э. Избранные очерки. –Москва: ИНОАН РАН, 2011. –С.20.
4. Wirth L. Urbanism as a way of life// The American journal of sociology. –Chicago: The University of Chicago Press, 1938. –pp. 1-24.
5. Durkheim E. Division of Labor In Society. -New York: NOBLE OFFSET PRINTERS, INC., 1933. –pp. 41-209-319.
6. Wirth L. Urbanism as a way of life// The American of journal of sociology. –Chicago, 1938. –P.2.
7. Tocqueville A. Democracy in America. –Pennsylvania: –pp. 77-79.
8. Redfield R. Tthe folk society// The American of journal of sociology. Number 4. –Chicago, 1947. –pp. 293-308.
9. *Изоҳ: *Ортоген маданият* – бу ички омиллар натижасида юзага келган, тараққий этган маданий унсурлар. *Гетероген маданият* эса бир биридан фарқланувчи турли маданий белгиларни мужассамлаштирган маданият. Кўпроқ шаҳар шароитида турли этник гуруҳларга хос бўлган маданий унсурларнинг симбиози шаклида намоён бўлади.
10. Redfield R. and Singer M. The cultural role of cities// Economic Development and Cultural Change. Number 3(1). –New-York, 1954. –pp. 53-73.
11. Oscar L. The Culture of Poverty. –New-York, 1966. –P.12.
12. Margaret N. The significance of kinship in rural-urban migration. –Vancouver, 1965. –pp.39-62.
13. Hannrez U. Exploring the city. Inquiries Toward an Urban Antropology. New-York: Columbia University Press, 1980. –pp. 19-53, 202-242.
14. Mullings L. Cities of the United States: Studies in Urban Anthropology// Urban History Review. –New York: Columbia University Press, 1987. –P.134.
15. Aldrich H. Ethnicity and entrepreneurship//Annual Reviews Social. –New-York, 1990. –pp. 111-135.
16. Sanders J. Chinatown - the socioeconomic potential of an urban enclave// American Journal of Sociology. Vol. 99. –Chicago: The University of Chicago Press, 1993. –pp.215-217.
17. Holston J., Appadurai A. Cities and Citizenship// Public Culture. –Chicago: The University of Chicago Press, 1996.

ЎУК: 9(58).355.323 (584.4)

МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР Б.Н.Мирзаев, мустақил тадқиқотчи, ЎЗР ФА Тарих институти, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада моҳир сиёсатчи ва саркарда, давлат арбоби, ижодкор ҳамда илм-фан ҳомийси бўлган Муҳаммад Шайбонийхоннинг сиёсий, ижтимоий, маърифий фаолияти тарихий ёзма манбалардаги маълумотлар асосида ёритилди.

Калит сўзлар: Шайбонийхон, Убайдулла Султон, Туркистон мулки, Мовароуннахр, хадис илми, фикҳ, сафавийлар, тасавуф, тариқат, шеърият.

Аннотация. В данной статье опираясь на исторические рукописи, освещены политическая, социальная, просветительская деятельность искусного политика, военачальника, государственного деятеля, мецената в области искусства и творчества Мухаммада Шайбанихана.

Ключевые слова: Шайбонийхан, Убайдуллы Султана, землевладения в Туркистане, Маварауннахр, изучения хадисов, творческая интеллигенция, сафавийи, поэты, религиозный деятель.

Abstract. In this article political, social and educational activities of Muhammad Sheibanikhan, a well-known politician and commander-in-chief, statesman, creator and scholar of science, are based on historical sources.

Keywords: Shaybonikhan, Ubaydullo Sulton, the legacy of Turkistan, Movaraunnahr, learning hadises, creative intellagency, safaviys, sufizm, poets.

Ўтмишда шундай шахслар ўтганки, уларнинг ҳаёт ва фаолиятлари мураккаб ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисалар силсиласига тўғри келган. Баъзан, уларнинг ўзлари ўша жиддий жараён ва ўзгаришларнинг тепасида туриб уни бошқарганлар, даврнинг чигал муаммоларию зиддиятли вазиятларига, таҳликали синоатларию кескин бурилишларига таъсир ўтказганлар.

XV асрнинг биринчи ярми - XVI асрнинг бошларида яшаб, Дашти Қипчоқ, Мовароуннахр, Хоразм ва Хуросон ҳудудларини ягона давлатга бирлаштира олган Абулфатҳ Муҳаммад Шайбонийхон ибн Шоҳ Будоғ ибн Абулхайрхон ана шундай тарихий шахслар сирасига киради.

Ушбу мақолада моҳир сиёсатчи ва саркарда, давлат арбоби, ижодкор ҳамда илм-фан ҳомийси бўлган Муҳаммад Шайбонийхоннинг сиёсий, ижтимоий, маърифий фаолияти тарихий ёзма манбалардаги маълумотлар асосида ёритилди.

Авалло шуни таъкидлаш жоизки, дасти(қўли)ни дунёга чўзиб шохлик даъво қилишнинг ўзи журъату жасоратни, шижоату уқувни, бир умрлик ташвиши фидойиликни талаб қилади. Шайбонийхон ҳам ана шундай фазилатлар соҳиби сифатида кўп машаққатлар чекиб, "... бутун Туркистон ҳудудлари микёсида марказлашган давлат туза билган". Бу давлат Бизким, ўзбеклар китобида, "...Амир Темур салтанатидан кейинги кучли давлат[1,40]" деб талқин қилинган.

1468 йилда ўзбек улусининг асосчиси Абулхайрхон вафот этганидан сўнг, ички ва ташқи душманлар унинг давлатини талон-тарож қилганлари, мамлакатни ҳалокат ёқасига келиб қолганлиги ҳақида Абулғози Баҳодирхоннинг "Шажараи турк" асарида қуйидагича маълумотлар келтирилган: "Абулхайрхон туғишли, дўстларини қулдириб ва душманларини йиғлатиб, юруган киши эрди. Тўрт ёниндаги ўлтурган қариндошларининг ҳеч қайсина тези ўтмаган ва қўли етмагани йўқ эди. Ул сабабдан барчаси бош кўтардилар. Тақи Абулхайрхоннинг гарчи ўғли ва набираси кўп эрди, андиг ҳам бўлса кўп душман қўл сукти. Тақи ўғлонларининг бир нечасин ўлтурди. Қолганлари тўрт ёққа қочдилар. Кўп элининг барчасин тўрт ёқга тўздурдилар. Бу воқеотдин бир неча йиллар ўткандин сўнг Абулхайрхоннинг набираси Шоҳбахтхон туғишли йигит туғилди. Вояга етгач, у ҳам ота юртига келиб, тарқаб кетган элни йиғди"[2,118].

Ана шу вазиятда ўзбеклар ўзларининг эътибор ва ишончларини Абулхайрнинг набираси шахзода Муҳаммад Шайбонийхонга қаратдилар, уни баъзи манбаларда, хусусан, "Бобурнома"да Шайбоний, Шайбоқ каби номларда учрайди. Шунингдек, "Бобурнома"да Муҳаммад Шайбонийхон ҳақида "... беш вақт намозни тарк қилмас эди, қироат илмини тавре билур эди"[3,186] ва яна бир ўринда "менинг ғанимим Шайбоқхондек пуртажриба ва кўп иш кўрган ва улуг ёшлиқ киши эди" [3,77] деб, таъкидлаб ўтилади. Бу зот ўзининг ёшлигига қарамасдан истикбол учун порлоқ умидлар билан дунёга келган эди.

Шайбонийлар сулоласининг асосчиси ҳисобланган Муҳаммад Шайбонийхон Абдулхайрхоннинг набираси Шоҳ Будоқхоннинг ўғли бўлиб, у хижрий 855 (1451) йилда Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган Саброн шаҳрида дунёга келган. У ўзининг туғилган жойи ҳақида ўз девонида шундай ёзади:

Бу шайбоний орзуси тугмиш ери Саброн сари[4,19-20]

Болалигидан уни Муҳаммад Шоҳ Бахт ("Шоҳ бахти") деб атар эдилар. Бироқ, отаси Шоҳ Будоғ Султон билан онаси қалмоқ подшоси Олтинхон наслидан бўлган Оққўзибегимлардан ёшлигида етим қолиб, укаси Маҳмуд Султон билан бирга дастлаб отасининг содиқ хизматкори Қорачабекнинг ҳимоясида яшади. Қорачабек бу шахзодаларга камоли садоқат билан хизмат қилди. Шайх

Ҳайдарнинг вафотидан сўнг, Қорачабек хийла улғайган бу етим шахзодаларни олиб, Абулхайр оиласининг душманларидан Сирдарёнинг қуйи тарафларига қочиб кетишга мажбур бўлди.

Бу даврда Самарканд тахтининг эгаси Абусаиднинг ўғли Султон Аҳмад ҳукмрон эди. Мамлакатнинг шимолий чегараси ноиби эса Кушликхон ўғли Мажид тархон (Муҳаммад Мазид тархон) эди.

Муҳаммад Шайбонийхон Мажид тархондан уни ўз хизматига олишни илтимос қилди, Мажид тархон розилик берди, ойлик ҳам белгилади. Лекин, Мажид тархон кейинчалик, Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбек уруғларининг кучайиб кетиши ва унга душманлик қилиш таҳликасини ҳис этгандан кейин, хавфдан қутулиш учун уларни Бухоро ҳокими Абдулалӣ тархонга юборди. Бухоронинг мутлақ ҳокими Абдулалӣ тархон саройи зийнат ва ҳашамат жиҳатдан ўзи тобе ҳукмдорнинг саройидан кам эмасди. У Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбекларни яхши қабул этди ва муғуллар шимолий-шарқдан ҳужум қилганда, улардан фойдаланди. Бу хусусда, “Бобурномада” ёзилишича, “Шайбонийхон, гарчи навқари бўлмаса-да, кўп вақт у билан бирга бўларди. Шайбонийхоннинг бунчалик кучайиб кетмоғига ва қадим хонадонларнинг бузилмоғига Абдулалӣ тархон сабабчи бўлди” [5,73-74].

Шунингдек, “Тарихий Рашидий” асарида, “Султон Аҳмад мирзо ҳаётлигида Шоҳибекхон Абдулалӣ Тархон мулозимлари қаторида бўлди. Султон Аҳмад мирзо ва Абдулалӣ тархон деярли бир вақтда Аллоҳга омонатларини тошпиришгач, Шоҳибекхон Туркистонга бориб, Султон Маҳмудхон эътиборини қозонишга уринди. Хон имкони борича ундан ёрдаму мададини аямади. Унинг кўмагида Шоҳибекхон Бухоро ва Самаркандни олди, унинг лашқари икки-уч юз кишидан эллик минг, эҳтимол, ҳатто олтмиш минг кишига етди. У Туркистонга кетгандан бошлаб, Султон Маҳмудхон ёрдамида унинг кучи ортиб бораверди, султонлару амирлардан энг саралари ва Абулхайрхондан қолган Дашти Кипчоқда тентираб юрган бошқа одамлар у қаерга борса, ўша ерда унга бирлашаверишди” [6,242-243].

Лекин ўзбек шахзодалари ҳарбий жиҳатдан катта куч тўплаганларидан сўнг, темурий ҳукмдорлар томонидан ҳар қандай қуролли хизмат учун тўланган оддий маошга қаноатсизлик қила бошладилар. Натижада, темурий ҳукмдорлар Ўтрор, Саврон, Сиғноқ шаҳарларини уларга беришга мажбур бўлдилар. Ана шу тарзда Шайбонийхон ўз мамлақати ҳудудини кенгайтира бошлади.

Шайбонийхон ўзининг асосий душмани бўлган Бурга Султон билан куч тўплаб, ҳарбий тайёр ҳолатга келгунча рийёкорона тарзда дўст тутинди. Тайёргарлик охирига етгач, узоқ киш кечаларидан бирида, содик уч баҳодир билан душмани Бурганинг саройига ҳужум қилди. Унинг оила аъзолари ва қариндошларидан кўп кишини қатл этди. Қочган Бурга Султон ҳам ўлимдан қутулиб кета олмади, Шайбонийхон уни топтириб, қатл эттирди. Мазкур муваффақиятли ҳужумдан кейин ёш шахзода хийла кучайган ўзбек суворийларига бошлик бўлди. Уларнинг паноҳида зўр жангларида қатнашиш учун имконият топди.

Шайбонийлар билан инкирозга учраётган темурийлар ўртасидаги тинч муносабатнинг узоқ давом этмаслиги табиий ҳол эди [7,78]. Тўқнашувнинг сабаби тез топилди. Султон Аҳмаднинг ҳаётлик вақтидаёқ Шайбонийхон келажакни ўйлаган ва ноиб Мажид тархонга қарашли Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ерларни ўз тасарруфига олган эди. Бундан ташқари, Шайбонийхон эндиликда аввалгидай маошга хизмат қилишдан воз кечган, шундан буён Темур сулоласининг кўркинчли душманига айланган эди. Ёш кўчманчи хонларнинг ғоятда кучайган жанговар аскарлик руҳи уларнинг ўзаро низою жанглари учун кифоя эди. Бу даврда Мовароуннаҳрнинг ниҳоятда чувалашиб кетган сиёсий ҳаёти, бекларнинг бошбошдоқликлари каби ҳолатлар Шайбонийхоннинг мамлакатни истило этишига сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, Шайбонийхон 1501 йилда Сарапул жанги билан Мовароуннаҳр тахтини олган бўлса, 1507 йилга келиб, Марвичак уруши билан бутун Хуросонни ўз тасарруфига киритди.

Шайбонийхон Ҳиротни забт этгандан кейин ўғилларини Хуросонда қолдириб, ўзи Амударёнинг нариги тарафига кетди. Уни Бухорода тантанали қарши олдилар. Лекин унинг мақсади Бухорога келиш эмас, балки ундан ўтиб кетиш эди. Унинг асл нияти сафардалик даврида исён кўтарган муғул Юнуснинг ўғли Маҳмудхонни тобе этиш эди. Шунинг учун у Сирдарёнинг шимолий вилоятига йул олди. Шайбонийхон бу ерда ҳам тинчлик ўрнатгач, истило ишини тамомлаш учун яна Хуросонга қайтди. Айни пайтда 914 (1508) йилда Журжон вилояти ҳам унинг давлати тасарруфига ўтди.

Ана шу тариқа, Темур авлодининг барча мамлакатларини деярли ўз тасарруфига олди. Ҳофиз Танишнинг “Абдулланомани” асарида ёзилишича, Шайбонийхон забт этилган ҳудудларини

бошқаришни мукофот юзасидан ўзининг энг яхши иқболли султонлардан, зийраклик ва сиёсатда машҳур бўлган амирлардан бирига берди. Жумладан, Туркистон вилоятига — Кучкунчи султон ҳазратларини номзод этди, Тошкентга — Кучкунчи султоннинг иниси Суюнчихўжа султонни ўтказиб, уни ҳокимлик иззатига етказди, Бухоро идораси бошқарувини Шайбонийхоннинг укаси Султон Маҳмуднинг иноят кафти ва адолат қабзасига топширди, Аҳси ва Андижонни — шижоат ва нишонли Жонибек султонга, Шоҳрухия ва унинг атрофи амир Ёқуб вафодор ихтиёрига, Дорул маҳфуза Самарқанд – Аҳмад Султонга, Ҳисор мамлақати ва унга тобеъ ерлар атрофи билан баробар Ҳамза Султон ва унинг укаси Маҳдий султонларга, Кундуз ва Бағлон — амир Қанбар ва Саъид Ошиқларга, Хоразм — Қўшчи Қўпакка, Ҳирот — Жонвафо бойга, Марв — Қўбиз Найман ва бошқаларга тақдим этилди[8,57].

Муҳаммад Шайбонийхоннинг қуйидаги сўзлари темурийлар давлатининг қай тарзда эгалланганлиги Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида қуйидагича келтирилади: «Амир Темур авлодларидан баъзи мулкларини тортиб олган бўлсак ҳам, мулкпарастлик ва кичик мамлакатларга қаноат қилмаслигимиздан эмас, балки тақдир ҳукмига кўра шундай бўлди. Зеро қазо меросий мулкни яна бизнинг қўлимизга ва ихтиёримизга қайтишини тақозо этди»[9,72].

Шайбонийлар давлати ғарбда Каспий денгиз бўйидан шарқда Чу дарёси водийсигача бўлса, шимолда Дашти Қипчоқдан жанубда Марказий Афғонистонга қадар кенгайиб, жануби-ғарбда Сафавийлар давлати билан чегарадош бўлиб қолиши ва эндиликда уруш бўлиши муқаррар эди.

Шоҳ Исмоил томонидан Муҳаммад Шайбонийхонга, «...Ҳар ўғил ота ишини қилиш лозим бўлса эди, ҳамма инсон Одам (а.с.)нинг фарзандлари бўлиб, уларга пайғамбар бўлмоқ лозим эди. Агар подшоҳлик мерос қолса, Пешодийлардан Каёнийларга етмас эди ва подшоҳлик Чингизга қайсидандир ва на сенга етадир деб шоҳ Исмоил унинг туҳфаси билан бирга чарх ва ипакни юборади ва яна айтдики, ул номада нима айтган бўлсанг мен ҳам айтаман. Агар жанг қилмоққа ростлансанг ҳам ростландим. Жанг ерида эса сен ва менлик даъвоси дуруст эмасдир. Агар жанг қилмасанг, унда чарх йигириб ўтиргайсан»[10,378] деб жавоб ёзиб элчиларни жўнатади. Шу тариқа ҳар икки томон (бир-бирига) хат ва элчи юборишни (бир неча бор) такрорлагач, шоҳ Исмоил урушмоқ мақсадида куфру зулол (яъни кофир ва йўлдан адашган) сипоҳини, ит хислатли ва бад (ёмон) андишали лашкарларини тўплаб, ўз жамоасини диққат билан тайёрлаб, Араб ва Ажам Ироқидан Шайбонийхон томонга юрди ва Марв вилоятида ул ҳазратга етишди. Ўша замонда хоннинг муборак хизматида бир неча санокли кишиларидан бошқа (жанг қиладиган) аскар бўлмагани ҳолда, ғазот шарафига бениҳоят харис бўлганидан ҳаётдан кўнглини узиб, душман томонга ўзини отди. Душман чекинмоқчи бўлиб турганида, хон аскари (уни) қувиб етди. Шунда ҳар икки томоннинг лашкари Марв яқинидаги Мурғоб дарёси қирғоғида, яъни, Таҳрирободда – бир томондан ислом лашкари, иккинчи томондан кофирларнинг лашкари Садди Искандар каби бир-бирининг муқобилида саф тортдилар[10,379]. Бу жангда Шайбонийхон ихтиёрида йигирма минг(20 000) кишилиқ лашкари бор бўлса, шоҳ Исмоил эса етмиш минг(70 000) кишилиқ армия билан қамал қилиб, сўнгра қўшимча ўн етти минг кишилиқ қўшини билан шу манзилда ғалаба қилади[4,30-31]. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг гувоҳлик беришича, “Тарих тўққиз юз ўн олтинчи йилда (милодий 1510-йилда) Шайбонийхоннинг буюклик ва улуғлик офтоби... (ўзининг) маҳфий пардасига яширинди. Кўп ўтмай унинг орзулари ва умидлари фалокат офтобининг шаҳодат мағрибига ботди.

(Минг) афсуски, ғозийи хусрав шаҳид бўлди.

Қуёш шафақ ичига кириб, кўринмай қолди” [8,58].

Шайбонийнинг шахси ҳақида ёзма манбалардаги маълумотларга таянган ҳолда қуйидагича хулосалар қилиш мумкин.

1. Шайбонийхон кучли саркарда ва сиёсатчи сифатида қисқа муддатда Дашти Қипчоқ, Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросон ҳудудларини ягона давлатга бирлаштира олган тарихий шахсдир.

2. Шайбонийхон ўзининг душманлари (хусусан, Эронлик сафавийлар) тарафидан тасвир этилганидек, ваҳший бир кимса эмас эди. У даврнинг руҳоний уламоларини ҳурмат қилиб, ҳатто уларга болаларча итоат қилар эди.

3. Шайбонийхон ёзма манбаларда маърифатли ҳукмдор сифатида таърифланган. Масалан, у барча уруш сафарларида ўзи билан баробар кичкина гўзал кутубхонасини олиб юрар, Амир Темур каби у ҳам Дамашқ ва Ҳалаб уламолари билан диний мунозараларга қатнашган эди. Қуръоннинг баъзи бир оятлари ҳақида Ҳиротнинг пешқадам тафсирчилари бўлган Қози Ихтиёр ва Муҳаммад Юсуфга эътирозлар билдирган.

4. Шайбонийхон маориф ва маданият бобида ўз даврининг рухидан тўла хабардор ва замонасидаги тенгдош шоирларнинг аксариятидан ортиқ даражада қалам соҳиби бўлган. Чунки унинг шеърлари, душманлари фикрининг тескараси ўлароқ, буюк бир иқтидор ва гўзал табиатга молик эканини, у ҳам туркий, ҳам форсий, ҳам арабий тиллардан асосли суръатда вокиф эканини кўрсатмоқда. Айни шу маънода, Ҳасанхўжа Нисорийнинг “Музақкири аҳбоб” асарида, барча илму фазилатлардан хабардор эканлиги ва ўз замонасидаги олиму фозиллар билан доим ҳамсухбат бўлганлиги [11,20]нинг ўзи ҳам унинг илм-фан ва маданият ҳомийси бўлганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар. Тошкент, “Шарқ”, 2011.
2. Абулғозий. Шажараи турк. Тошкент, 1992.
3. Бобурнома. З.М.Бобур. (нашрга тайёрловчи П.Шамсиев). Тошкент, 1989.
4. М.Шарипова. Муҳаммад Шайбонийхон. Тошкент, “Шарқ”, 2004.
5. Бобурнома. З.М.Бобур. Масъул муҳаррир: М.Саъдий. Тошкент, “Ўқит.”, 2012.
6. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихий Рашидий / Таржимонлар: Ваҳоб Раҳмонов, Янглиш Эгамова, Масъул муҳаррир: акад. Азиз Қаюмов // Т.: “Шарқ”, 2010.
7. Вамбери, Ҳерман. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Китобдан парчалар / Тушл.: С. Аҳмад/.—Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
8. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. 1-китоб. Тошкент, Шарқ, 1999.
9. Фазлуллоҳ Рўзбеҳон. Меҳмоннамаи Бухоро. (перевод. Р. Жалиловой.) М.: 1976.
10. Аёзий Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихий Рашидий.—Т.: Ўзбекистон, 2011.
11. Нисорий Ҳасанхожа. Музақкири аҳбоб. Тарж., сўз боши ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон. Т., А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

ЎУК: 295.48

ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ ДИНИЙ МАРОСИМЛАРИ ВА ДАФН ТАРТИБЛАРИ

(Археологик – этнографик тадқиқотлар манбалари асосида)

Ш.Б.Рахимов, кичик илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива

А.Р.Яқубов, кичик илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм воҳаси аҳолисининг Зардуштийлик диний маросимлари, дафн тартиблари ва остодонлар тарихи ўрта асрлар даврига оид айрим қабристон ёдгорликлари (Тўқ қаъла, Қиронтов, Миздахкон)да олиб борилган археологик – этнографик тадқиқот манбалари асосида таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Зардуштийлик, Тўқ қаъла, Миздахкон қабристони, Қиронтов, дафн тартиблари, остодонлар.

Аннотация. В данной статье анализируются история зороастрийских религиозных обрядов, захоронений, а также оссуарии жителей Хорезмского оазиса, основанная на археологических и этнографических исследованиях по средневековым могильникам (Токкала, Крантау, Миздахкан).

Ключевые слова: Зороастризм, Токкала, Миздахканский могильник, Крантау, обряд захоронений, оссуарии.

Abstract. This article analyzes the history of Zoroastrian religious rituals, burials, and Ossuary history of the people of Khorezm oasis based on archaeological and ethnographic sources in some medieval cemeteries (Tukkala, Krantau, Mizdakhkan).

Key words: Zoroastrianism, Tukkala, Mizdakhkan Cemetery, Krantau, burial arrangements, ossuary.

Зардуштийлик дини жаҳон динларининг қадимийси бўлиб минг йилдан ортиқ вақт мобайнида кўпгина Шарқ халқларининг асосий динлари бўлиб келди. Марказий Осиё, Эрон, Озарбайжон халқлари ислом динига қадар шу динга эътиқод қилдилар. Хатто ислом кириб келгандан кейин ҳам бу дин узоқ вақт мавқеини сақлаб келган. Бу диннинг таъсири Ўрта Шарқда қатор давлатлар тузилганда янада ортиб борди, кейинчалик унинг урф-одат ва қоидалари янги шаклланган дин ва одатларга таъсир этди.

Зардушт динига биноан ҳар бир шу динга эътиқод қўйган одам кунига беш марта ювиниб, покланиб қуёшга қараб, уни олқишлаб сиғиниши керак. Бош яланг сажда қилиш зардуштийликда ман этилган. Салла ўраш шу пайтда бўлган. Сувни муқаддас ҳисоблаш, нонни эъзозлаш, деҳқонни ҳурматлаш каби одатлар ҳам шу зардушт динининг талабларидан бири бўлган [7:5].

Зароастризм-оловга сиғиниш каби бошқа динлардан мутлақ ажралиб турадиган хусусиятларидан бири бу дафн маросимининг ўзига хослиги бўлиб, унда жасадларни махсус жойлар - даҳмаларга [2:53-56] элиб, тозаланган суякларни оссуарийларга жойлаб кўмишни ичига олади. Зардуштийлик маълумотида кўра одамлар ўлгандан кейин унинг жасадини ерга кўмиш гуноҳ ҳисобланган. Шунинг учун одам ўлгандан кейин унинг жасадини махсус тепаликларга олиб бориб кўйишган. Бу тепаликлар одамлар яшайдиган жойдан узоқда жойлашган бўлиб, тепаликда эса турли итлар, бургут, ёввойи қушлар одам гўштини еб уни суякдан ажратиб берган. Ёмғир эса суякни янада тозалаган. Куёш эса уни обдон қуритган. Шундан сўнг тепалик атрофида яшовчи одамлар суякларни йиғиб, сополдан ясалган идишчаларга солиб, кўп ҳолларда марҳумнинг ўз уйига кўмилган. Бу идишчаларни остодонлар ёки оссуарийлар деб аташган.

Остадонлар шакли турли- туман бўлиб [1:29-34], асоси тўртбурчак шаклида, қопқоғи эса турли шаклларда, ҳатто одам боши ёки қомати шаклида, баъзан хумга ўхшатиб, баъзан ўтирган одам шаклида ясалган [4:298]. Остадонларнинг юзларига эса бўртма тасвирлар ишланган ёки расм чизилган. Бу тасвирларда ўша даврлардаги одамлар урф-одати, масалан аза тутиш воқеалари акс эттирилган. Бундай остодонлар Ўрта Осиё ерларидан хусусан Хоразм заминидан кўплаб топилган. (Хумбузтепа [2:53-56], Михдаҳкон [8:65-70], Қиронтов [10:17], Тоқ қала [11:171., 13:48] ва шу каби ёдгорликларда).

Зардуштийлик дафн маросимларидаги урф-одатлар:

-ўлим пайтидан бошлаб дафн қилинадиган жойгача олиб бориладиган урф-одатлар;

-дафн қилинадиган жойга ва охириги дафн маросимига бориладиган пайтдаги урф-одатлар ва маросимлар мажмуи;

-дафн маросимидан кейин бажариладиган урф-одатлар ва маросимлар.

Бизга маълумки кўп асрлар давомида зардуштийлар ўзларининг урф-одатлари ва маросимларини сақлаб келишган.

IX-XIII асрларда Зардуштийлик эътиқодининг маҳаллий аҳоли орасида тарқалган ҳамда кўплаб археологик тадқиқотлар давомида аниқланиб ўрганилган ҳудудларидан бири Хоразм воҳасининг Тўқ қалъа, Миздахкон, Қрантау каби ўрта асрлар ёдгорликларидир. Бу ёдгорликларда Гудкова Л., Лившиц, Ягодин В.Н. Тўққалъада [3:47,59], Ходжаниязов Г., Юсупов Н.Ю., Қдирниязов М.Ш., Туребеков М., Авизова А., Сайпанов Б., Багдасарова Н.лар Миздахконда [8:65-70] археологик қазииш ишларини олиб боришди ва зардуштийлик анъаналари билан боғлиқ урф-одатлар, маросимлар ҳамда дафн маросимлари тўғрисида қимматли маълумотларни қўлга киритишди.

Қрантау тепалигининг жанубий-ғарбий қисмида текис юзада жойлашган жойдан оссуарийларнинг топилиши, бу албатта, Қрантау аҳолиси дафн тартибларини, урф-одатлари ҳамда маросимларининг яна бир бор исботи бўлди. Бу тепалик ён бағридан бир нечта оссуарийлар жойлашган жойлар аниқланган ва ўрганилган [1:29]. Оссуарий гуруҳлари деб номланган дастлабки жой Имом Ишон масжидидан 150 м Қран қалъадан 400 м жанубий-ғарбда жойлашган. Қисман вайрон қилинган қабристонда олиб борилган археологик қазиишмалар пайтида, иккита археологик жиҳатдан тўлиқ оссуарий топилган. Оссуарийнинг узунлиги 68 см, қопламасиз баландлиги 34 см, девор қалинлиги 6 см ни ташкил этади. Оссуарий қопқоғи кенглиги 47,5 см, баландлиги 10 см, сақланадиган узунлиги 30-32 см, том қисмининг қалинлиги 7 смдир [8:74].

Кейинги оссуарий топилган жой дастлабки жойдан 20 м шимолий-шарқда жойлашган бўлиб, диаметри 18 м ва баландлиги 1,2 м бўлган баланд тоғларга ўхшаш сунъий қирғоқ остида жойлашган [1:29-34].

IX-XIII асрларнинг энг муҳим қабристон ёдгорликларидан бири Токтау тепалигининг шимолий-шарқий ва шарқий ён бағрида жойлашган ўрта асрларнинг илк шаҳарлари деворлари ташқарисида тасвирланган аҳоли пункти билан синхрон бўлган катта оссуарий қабристони мавжуд бўлган. Унинг умумий майдони максимал 4 га ни ташкил этган, зардуштийлик урф-одатларига биноан тозаланган суяклар билан жойлаштирилган науснинг топилиши ушбу ёдгорлик аҳолисининг диний урф-одатлари, маросимлари ҳамда дафн тартиблари тўғрисида қимматли маълумотлар олиш имконини берди. Наус билан қабристоннинг жойлашуви Пойкент, Панжикент ҳамда Кофир қалъа қабристонларининг жойлашуви билан тўлиқ мос келади. Бундан кўриниб турибдики, ушбу қабристон ёдгорликлари мисолида зардуштийлик анъаналарини давомийлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, марҳумни дафн қилиш учун оссуарийлардан фойдаланиш Хоразм, Сўғд ва Етгисув ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, энг қадимги оссуарийлар Хоразм ҳудудларидан кўплаб топилган. Яна бир жиҳати шундаки, қадимги Хоразм одам ва ҳайвонларнинг ичи бўш

сополдан ясалган хайкал шакллари кўринишидаги оссуарийлар ишлаб чиқариши билан бошқа худудлардан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Амиров Ш.Ш., Искандерова А.Д. Оссуарный могильник (Археологический объект 5) // Институт истории археологии и этнографии Каракалпакского отделения Академии Наук Республики Узбекистан и Французский институт исследований Центральной Азии (IFEAK) Археология Приаралья Выпуск VIII Ташкент, Издательство “ФАН” Академии наук Республики Узбекистан, 2008 ст. 29
2. Баратов С.Р. Древнейшие этапы развития городской культуры Хорезмского оазиса. Материалы международной конференции: «Ўзбекистон археологияси Мустакиллик йилларида: ютуқлар ва истикболлар». 15-16 сентябр 2016 г. Самарканд. 2016 ст. 53-56.
3. Гудкова Л. Токкала. Тошкент. 1964
4. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т., Ўз Фан нашриёти, 1964.
5. Туребеков М. Раскопки жилого массива №1 средневекового Миздахкана. // История и материальная культура Каракалпакстана. Нукус. 2006.
6. Туребеков М. Раскопки жилого массива гончаров средневекового Миздахкана. //АП. 2003. Вып. VI. Нукус.
7. Хисматуллин А.А., Крюкова В.Ю. Смерть и похоронный обряд в исламе и зороастризме. СПб. Петербургское востоковедение.1997.
8. Ходжаниязов Г., Юсупов Н.Ю., Қдырниязов М.Ш., Туребеков М., Авезова А., Сайпанов Б., Багдасарова Н. “Археологические исследования в некрополе Миздахкан. Вестник Каракалпакского филиала Академии наук УзССР., Нукус. 1989. С. 65-70.
9. Ходжаниязов Г.Х., Юсупов Н., Амиров Ш. Открытие древнего некрополя на возвышенности Крантау. //АИУ. 2000. Самарканд.
10. Ходжаниязов Г., Юсупов Н., Амиров Ш., Даулетназаров Ж.,Калменов М. Новые археологические материалы с возвышенности Крантау. //Вестник ККО 2001. АН РУз. № 3.
11. Ходжайов Т.К. О преднамеренной деформации головы у народов Средней Азии в древности. // Вестник КК ФАН УзССР, № 4, 1966. Ст. 171.
12. Ходжайов Т.К. К антропологии населения Ток-калы (Древний Дарсан). // Антропология и культура Кердера. Ташкент.1973.
13. Гудкова А.В. Ток-кала. Ташкент, 1964.
14. Гудкова А.В., Лившиц В.А. Новые хорезмийские надписи из некрополя Ток -калы и проблема “Хорезмийской эры” // Вестник КК ФАН Уз. № 1. 1967.
15. Гудкова А.В., Ягодин В.Н. Некоторые итоги археологических работ сектора истории Каракалпакского комплексного научно-исследовательского института АН УзССР в 1958 году// Известия АН УзССР, серия общественных наук, №1, 1967.

ЎУК: 295.48

ХОРАЗМ АҲОЛИСИНИНГ ДАФН ТАРТИБЛАРИ ВА ИНШОТЛАРИ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

(Археологик тадқиқотлар манбалари асосида)

Ш.Б. Рахимов, кичик илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива

Аннотация: Ушбу мақолада Хоразм аҳолисининг дафн тартиблари, кўмиш маросимлари ва иншоотларининг ўрганилиш тарихи ўрта асрлар даврига оид айрим қабристон ёдгорликлари (Тўқ қалъа, Қиронтов, Миздахкон)да олиб борилган археологик – этнографик тадқиқот манбалари асосида таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: Хурмузфара, Миздахкан қабристони, Қиронтов, дафн қилиш иншоотлари, остадонлар, Тўқ қалъа қабристони.

Аннотация: В данной статье анализируется история захоронений, погребений и сооружений жителей Хорезма на основе археологических и этнографических исследований некоторых средневековых могильников (Токкала, Крантау, Миздахкон).

Ключевые слова: Хурмузфара, Миздахканский могильник, Крантау, погребальные сооружения, оссуарии, могильник Токкала

Abstract: This article analyzes the history of burials, burials and structures of the residents of Khorezm, as well as sources of archaeological and ethnographic research in some medieval cemeteries (Tokkala, Krantau, Mizdakhkon).

Key words: Hurmuzfara, Mizdakhkan cemetery, Krantau, funeral structures, ossuaries, Tokkala cemetery

Хоразм воҳасида яшовчи халқлар этнографиясининг тарихий ҳамда тарихни баён этиш масалаларини ўрганиш – биринчи навбатда, Ўрта Осиё ушбу минтақасининг этномаданий ўзига хослиги, тарихнинг алоҳида маданий моҳиятга эга эканлиги билан боғлиқдир. Айни шу минтақада кўплаб асрлар мабойнида Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларидан фарқ қиладиган, бетакрор, аксарият ҳолларда, ўзига хос шаклларда кўплаб халқлар ахлоқий – маънавий ва маданий бойликларининг бир-бирига сингиб кетиши билан ифодаланувчи ноёб этник, маданий ва бошқа жараёнлар кечган.

Хоразм воҳаси ва унга ёндош худудларда яшаган ҳамда яшаётган халқларнинг тарихи, археологияси, этнографияси ва диний маданиятини ҳар томонлама тадқиқ этишни мақсад қилиб олган ихтисослашган қатор экспедицияларнинг турли вақтларда ташкил этилганини шу билан изоҳлаш мумкин. С.П.Толстов қарийб 40 йил давомида раҳбарлик қилган Хоразм археология – этнография экспедицияси (ХАЭЭ) Хоразм воҳаси ва унинг маданиятини ўрганишда етакчи илмий тузилма бўлди.

Археологияда “дафн маросими” тушунчаси ўзига хос бир мазмунга эга. Унда “дафн маросими” тушунчаси одамнинг кўмилишидан олдин вафот этган пайтидан бошлаб, дафн маросимидан олдин бажарилган ҳаракатларнинг моддий оқибатлари, урф одат ва маросимларнинг муайян томонларини археологик тадқиқотлар давомида ўрганишдан иборат.

Ўрта асрлар айниқса Ислом маданияти кириб келган Хоразмда кечган тарихий жараёнларни, диний урф одатлар ва тартибларни ёзма манбалар ва археологик ашёлар асосида ўрганиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Л.В.Гудкова 1964 йилда “Тўқ-қалъа” [3:87] номли монографиясини нашрдан чиқарди. Монография Амударё дельтасида жойлашган Тўқ-қалъа шаҳарчасини кўп йиллик археологик тадқиқотлар натижаларига бағишланган.

Ундан кейин Е.Бижанов, М.Мамбетуллаевлар 1968 йилда Тўқ қалъа қабристонида тадқиқот ишларини давом эттириб, натижада бир нечта қабрлар ўрганишди ҳамда унда Тўқ қалъа аҳолисининг қабрлари ва уларнинг тузилиши, қабрлар қурилиши ҳамда диний тартиблари тўғрисида қимматли маълумотлар олишди.

1969 йилда Пилипко Н.В Марв воҳасидаги Хурмузфара аҳолисининг ўрта асрлар қабристонида тадқиқотлар олиб бориб, аҳолининг дафн тартиблари, кўмиш маросимлари ва иншоотларига бағишлаб “Марв воҳасидаги Хурмузфара ўрта асрлар қабристони” [5:242-259] номли мақоласини оммага эълон қилди.

1970 йилларда В.Н.Ягодин ва Т.Ходжайовлар Қадимги Миздахкон қабристонида археологик тадқиқотларни олиб боришиб, IX-XIV асрларга мансуб диний иншоотлар - қабрлар топографиясини, дафн этиш тартиблари ва турлари ҳамда этник тараққиёт жараёнлари, Михдахкон аҳолисининг диний мафкурасини ўрганишган. Бундан ташқари монографияда қадимги Хоразм цивилизациясининг энг муҳим марказларидан бири бўлган Миздахкон қабристонини археологик, антропологик ва этнографик ўрганиш натижалари ташкил этади [17:17].

Миздахкон қабристони ёдгорлигидаги кейинги ишлар 1989 йилда олиб борилган. Унда Хожаниязов Ғ., Юсупов Н.Ю., Қдирниязов М.Ш., Тўрабеков М., Авезова А., Сайпанов Б., Багдасарова Н. [10:65-70] бошчилигидаги бир гуруҳ археологлар Миздахкон қабристонидаги ишларни давом эттириб бир қанча қимматли маълумотларни қўлга киритишган.

Хисматуллин А.А., Крюкова В.Ю. [11:5] ислом ва зардуштийлик дини билан боғлиқ дафн маросимлари устида тадқиқотлар олиб борган бўлса, Е.А. Халиков [12:8] X аср бошлари - XIII асрлар Волга Булгарлари мусулмон қабрлари устида тадқиқотлар олиб борган.

Шу ўринда, Ибн Фадлоннинг бир жойда кўрсатиб ўтишича, фақатгина Итилдагина эмас, балки Булғорда ҳам Хоразмликлардан иборат каттагина жамоа бўлган. Ўша ўринда Ибн Фадлон Булғорларнинг кўмиш маросимларини тасвирлар экан “мусулмон ёки Хоразмлик аёл ўлганда” Булғорияда ўтказиладиган диний маросимлар тўғрисида ҳам гапиради [6:282-283].

IX-XII асрларда Хоразмда ислом маданияти, урф-одатлари, маросимларидан ташқари Зардуштийлик анъаналари ва маросимлари ҳам мавжуд бўлган. Бунга археологик тадқиқотлар давомида қўлга киритилган маълумотлар ва аниқланган мусулмон қабрларидан ташқари Зардуштийлик анъанасига биноан дафн қилиш тартиблари, яъни остодонларни [1:29-32] (Миздахкон [7:25., 8:74., 10:65-70], Қрантов [13:181., 14:92], Тўқ қалъа[2:31., 3:37]) кўплаб топилиши бунинг яққол исботидир.

1958 йилда Қорақалпоғистонлик олимларнинг Нукус якинида Қиронтов ёдгорлигида илк археологик қазишмалар натижасида оссуарий (остадон)лар мозори ва икки хил кабрларнинг топилиши, Хоразм аҳолисининг ўрта асрлар маданияти ва урф одатлари ҳамда маросимларини ўрганишда муҳим янгилик бўлди. Муаллифлар фикрича, дафн маросими, асрлар ва динларнинг ўзгаришига қарамай, Қиронтовда қарийб икки минг йил давомида [15:7] кўмиш маросимларининг ривожланишини кузатиш мумкин.

Яна шу ўринда Қиронтов қабристон ёдгорлигидаги археологик тадқиқотлар натижасида тепаликнинг жанубий қисмида бутунлай ювилиб кетган, катта аҳоли пункти қолдиқлари ҳам аниқланган. Натижада ушбу ёдгорликнинг умумий майдони 21 гектар эканлиги аниқланди. Кулолчиликни таҳлил қилиниши уни учта хронологик гуруҳга ажратишга имкон берди:

- Биринчи гуруҳга, эрамыздан аввалги II-I асрлардаги сополлар;
- Иккинчи гуруҳга, эрамыздан аввалги III-IV асрлардаги сополлар;
- Учинчи гуруҳга, кулолчиликнинг IX-XI асрларга оид индивидуал шаклларнинг мавжудлигини қайд этиб ўтишган.

1983 йилда Қиронтов вилоятида этнографик экспедиция гуруҳлари ҳам иш олиб боришиб, маҳаллий аҳолидан ўрта асрларга оид баъзи архитектура ёдгорликлари ва янги даврнинг маданий дафн ёдгорликлари тўғрисида маълумотлар тўплашди.

2000 йилда Қиронтов ёдгорлигида археологик қазиш ишлари давомида остадонларнинг [15:25] тасодифан топилиши, келажакда бу ёдгорликни тўлиқ ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини тақозо этади.

Дала мавсумида археологик ишлар натижасида олимларимиз ўз олдиларига:

- Қиронтов тоғини бутун ҳудудини батафсил ўрганиш ва унинг илмий тавсифи;
- Ўрганилаётган археологик ёдгорликнинг хронологияси, типологияси, маданий мансублиги ва бу ёки бошқа қисмининг функциялари ҳақида дастлабки маълумотларни олиш учун бир нечта кичик қазишмалар ўтказишни ўз олдиларига мақсад қилиб олишган.

Тадқиқот ишлари 2002 йилда давом эттирилиб, унда олдинги дала мавсумларида Қиронтов тепалигида аниқланган археологик мажмуа кўп қиррали эканлигини ҳисобга олиб, ушбу ишларда турли соҳа мутахассислари ЎзР ФА ҚҚ Тарих, археология ва Этнография институтидан Ғ.Ходжаниязов, Ш.Амиров, М.Калменов, А.Искандарова, Н.Ю.Юсупов, В.Н.Ягодин [15:17] каби археолог олимларимиз, Франциянинг Париж шаҳри Миллий - илмий тадқиқотлар марказидан антрополог Хулио Бендезу Сармиенто ҳамда Лион университети Генетика лабораториясидан Людовик Орландо ҳамда Катрин Энни каби етук генетик мутахассислар жалб қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрлар диний иншоотлар ва маросимларни ўрганиш борасидаги изчил изланишлар натижалари асосида, Франция Марказий Осиё тадқиқотлари институти ҳамда Австралия Аделаид университети антрополог олимларининг ҳам ўрта асрлар даврида ислом ва Зардуштийлик дини анъаналари билан боғлиқ Хоразм аҳолисининг дафн тартиблари, маросимлари, кабрлар қурилишига бўлган қизиқиши ва улар томонидан молиялаштирилган бир қанча лойиҳалар албатта хозирги кунда тадқиқотлар давомийлигини, уни изчил ўрганиш кераклигини англайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Амиров Ш.Ш., Искандерова А.Д. Оссуарный могильник (Археологический объект 5) // Институт истории археологии и этнографии Каракалпакского отделения Академии Наук Республики Узбекистан и Французский институт исследований Центральной Азии (IFEAK) Археология Приаралья Выпуск VIII Ташкент, Издательство “ФАН” Академии наук Республики Узбекистан, 2008 ст.

2. Гудкова А.В. Токкала. АН УзССР. Ташкент. 1964.

3. Гудкова А.В., Лившиц В.А. Новые хорезмийские надписи из некрополя Ток -калы и проблема “Хорезмийской эры”. //Вестник КК ФАН Уз. № 1. 1967.

4. Гудкова А.В., Ягодин В.Н. Некоторые итоги археологических работ сектора истории Каракалпакского комплексного научно-исследовательского института АН УзССР в 1958 году// Известия АН УзССР, серия общественных наук, №1, 1967.

5. Пилипко Н.В. Средневековое кладбище городища Хурмузфара в Мервском оазисе. Труды Южно-Туркменистанской археологической комплексной экспедиции 14. Ашгабад, 1969.

6. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т., ЎзФан нашриёти, 1964.

7. Туребеков М. Раскопки жилого массива гончаров средневекового Миздахкана//АП. 2003. Вып. VI. Нукус.

8. Туребеков М. Раскопки жилого массива №1 средневекового Миздахкана. //История и материальная культура Каракалпакстана. Нукус. 2006.

9. Ходжаниязов Г., Юсупов Н.Ю., Қдырниязов М-Ш., Туребеков М., Авезова А., Сайпанов Б., Багдасарова Н. “Археологические исследования в некрополе Миздахкан//Вестник Каракалпакского филиала Академии наук УзССР., Нукус. 1989.
10. Хисматуллин А.А., Крюкова В.Ю. Смерть и похоронный обряд в исламе и зороастризме. СПб. Петербургское востоковедение.1997
11. Халикова Е.А. Мусульманские могильники Волжной Булгарии X-начала-XIII вв. как исторический источник. Автореферат рукописи диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. МГУ., Москва., 1976
12. Ходжаниязов Г., Юсупов Н., Амиров Ш., Даулетназаров Ж.,Калменов М. Новые археологические материалы с возвышенности Крантау//Вестник ККО 2001., АН РУэ. № 3., Ходжаниязов Г.Х., Юсупов Н. Амиров Ш. Открытие древнего некрополя на возвышенности Крантау//АИУ. Самарканд. 2000.
13. Ходжаниязов Г.Х., Юсупов Н., Амиров Ш. Открытие древнего некрополя на возвышенности Крантау//АИУ. Самарканд. 2000.
14. Ходжаниязов Г и др., Комплекс археологических объектов на возвышенности Крантау // Институт истории археологии и этнографии Каракалпакского отделения Академии Наук Республики Узбекистан и Французский институт исследований Центральной Азии (IFEAK) Археология Приаралья Выпуск VIII Ташкент, Издательство “ФАН” Академии наук Республики Узбекистан, 2008.
15. Ходжайов Т.К. О преднамеренной деформации головы у народов Средней Азии в древности// Вестник КК ФАН УзССР, № 4, 1966.
16. Ходжайов Т.К. К антропологии населения Ток-калы (Древний Дарсан)// Антропология и культура Кердера. Ташкент, 1973.
17. Ягодин В.Н. и Ходжайов Т. Некрополь древнего Миздахкана. Издательство Уз Фан. Ташкент. 1970.

ЎУК 336.2.000.93

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ДАВРИДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ
ТАРИХШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ
(1917-1945 ЙИЛЛАР)**

И.Ғойибназаров, тадқиқотчи, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент

***Аннотация.** Мақолада 1917-1945 йилларда совет ҳокимияти даврида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги зиддиятлар ва солиқ тизимининг аҳволи хусусида тарихий адабиётлар ва манбаларда баён қилинган маълумотлар ҳақида сўз боради.*

***Калим сўзлар:** солиқ тарихи, совет ҳокимияти, тарихишунослик, адабиётлар, қонун ва қарорлар, изланишлар, олим ва мутахассилар, гуруҳ, таҳлил, Туркистон, Ўзбекистон ССР.*

***Аннотация:** В статье описаны историко-литературные источники о конкуренциях в социально-экономической сфере и налоговой системе Узбекистана в советский период 1917-1945 гг.*

***Ключевые слова:** налоговая история, советская власть, историография, литературы, законы и постановления, исследования, ученые и эксперты, группа, анализ, Туркестан, Узбекская ССР.*

***Annotation:** the article describes historical and literary sources about the contradictions in the socio-economic sphere and the tax system of Uzbekistan in the Soviet period 1917-1945.*

***Keywords:** tax history, Soviet power, historiography, literature, laws and decisions, studies, scientists and experts, group, analysis, Turkestan, Uzbek SSR.*

Тарих фани солиқ тизимининг шаклланиш тарихи ва ривожланиш босқичларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб бориш, ушбу масаланинг тарихий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатларини ёритиш масаласини илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда солиқ соҳаси ўзининг узоқ тарихий тараққиёти ва ривожланиш босқичларига эга бўлиб, унда барча тарихий даврлар қатори совет даврига оид солиқ тизими тарихи ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Солиқларнинг шаклланиш тарихи ва ривожланиши гарчанд, анчагина узоқ даврларга бориб тақалсада, ушбу мақола доирасида фақат совет даврида солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва оқибатлари билан боғлиқ адабиётларни илмий таҳлил қилишни лозим топдик. Дарҳақиқат, совет даври солиқ соҳасига оид маълумотлар сиёсий, иқтисодий мавзудаги илмий тадқиқотлар ҳамда адабиётларда муайян тарзда ўз ифодасини топган бўлсада, мазкур мавзу доирасида тарихий нуқтаи назардан қатор ишларни таҳлил қилиш муҳим, албатта. Умуман, бизнингча қайд қилинган мавзуга оид адабиётларни мавжуд анъанавийликдан чекинган ҳолда шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга бўлган ҳолда таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Биринчи гуруҳда бевосита совет даврида солиқ соҳасининг иқтисодий, ижтимоий ва молиявий жиҳатларига

муурожаат этган муаллифларнинг адабиётларини таҳлил этиш ва алоҳида туркумга ажратиш мумкин. Иккинчи гуруҳга бевосита солиқ соҳаси тарихи ва унинг у ёки бу жиҳатларини ўзида акс эттирган ҳамда ушбу масалага ўз тадқиқотлари ҳамда йўналишлари доирасида муурожаат қилган олимлар, мутахассислар ҳамда тадқиқотчиларнинг ишларини киритиш мумкин.

Мавзу тарихшунослигининг биринчи гуруҳи ҳақида фикр юритадиган бўлсак, бевосита ўз камрови ва хронологик даври ҳамда тарихий нуқтаи назардан бизнинг мавзуга яқинроқ ишлар қаторида соҳанинг турли қирраларини камраб олган ишлар қаторида совет даврида ва ундан сўнг фаолият олиб борган хорижий ҳамда маҳаллий олим ва мутахассислардан А.П. Фотченко, Х.Р. Собиров, А.П. Погребенский, Я.И. Лившиц, И.Д. Ковальченко, Л.В. Малов, П.А. Хромов, З. Кастельская, М.Я. Залесский, М.И. Пискотин, В.А. Тур, Е.А. Авдошина, А.А. Шамонов, Д. Бобожонова, Ш.К. Гатауллин, И.А. Алимов ва бошқаларнинг рисолалари, монография ва қўлланмаларини келтириш ўринли [1]. Ушбу адабиётларда совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, тўғрироғи XX аср бошларида ва ундан сўнг мамлакатда ҳокимиятнинг бу борадаги сиёсати, ҳукумат қарорлари ва унга доир амалга оширилган давлат сиёсати, бевосита солиқ тизими ва унинг таркибий тузилиши, уларни ундириб олиш, давлат хазинасига тушириш усуллари каби жиҳатлар ўз аксини топган. Айниқса, муаллифлар А.П. Фотченко, А.П. Погребенский, Я.И. Лившиц, И.Д. Ковальченко, Х.Р. Собиров, И.А. Алимовлар ўз ишларида совет тузумининг молиявий ва солиқ сиёсати, иқтисодиёт ва давлат монополистик капитализмининг солиқ соҳасидаги сиёсатини иқтисодий таҳлиллар асосида ёритадилар. Масалан, Х.Р. Собиров ўз диссертациясида 1918 йилда ташкил топган ТАССР бюджетини белгилашда ҳукуматга солиқлар ва заёмлар чиқариш ҳуқуқларини берилиши, бу тадбирлар янги синфий муносабатлар асосида амалга оширилсада, аҳолидан солиқ олишда синфий ёндашув назарда тутилмаганлиги, бу ҳол маҳаллий тадбиркорлар томонидан кескин танқид қилинишига сабаб бўлганлиги масаласига қатор ўринларда тўхталиб ўтади [2, 98-б.].

А.П. Погребенскийнинг “Государственно-монополистический капитализм в России”, Я.И. Лившицнинг “Монополия в экономике России” каби асарларида нафақат Россияда ўша кезлардаги солиқ соҳасининг иқтисодий оқибатлари таҳлил қилинади, шу билан бирга муаллифлар Россия ва унинг “чекка ўлкалари”, яъни Туркистон ўлкасига ҳам эътибор қаратадилар. Бу шунинг англатадики, ўша даврда Россия империясининг, кейинчалик совет ҳокимиятининг XX аср бошларида иқтисодий ва молиявий сиёсати баробарида, солиқ масаласи ҳам эътибордан четда қолмаган. Уларда советлар «қулоқлар»га қарши кураш, уларни чеклаб қўйиш, сиқиб чиқариш сиёсатини ҳар хил қарор ва қонунлар қабул қилиш орқали оқламоқчи бўлганликлари, аграр соҳадаги қинғирликлар ва зиддиятлар, ўлкада ер-сув ислохотлари, янги иқтисодий сиёсат ва жамоалаштириш даврларида солиқларнинг деструктив қўринишлари баён қилинган [3, 24-б.].

Бунинг яна бир исботи сифатида И.А. Алимов ўзининг “Узбекское дехканство на пути к социализму” асарида ўзбек дехқонларининг социализм қуришдаги иштироки, бу борадаги ютуқ ва муаммолари хусусида ўз фикрларини қайд этар экан, солиқларнинг ортиқча юқининг салбий оқибатлари ҳақидаги мулоҳазалари анчагина салмоқлидир [4, 122-146-бб.].

И.Д. Ковальченко ва Л.В. Маловларнинг “Всероссийский аграрный рынок XVIII-нач XX вв” асарида ўлкада ҳали қулоқларни синф сифатида тугатиш сари йўл тутилмаган бир пайтда совет ҳокимиятининг бой-бадавлат дехқон хўжалиқлари бўйнига катта миқдордаги солиқларни солиш орқали уларни ўз мулкидан маҳрум қилишга интилганликлари давлат монополистик капитализмининг мудҳиш ниғлистик сиёсатининг қўриниши эканлиги қайд этилади [5, 123-б.]. Қайд этилган айрим адабиётларнинг таҳлили шундан далолат бермоқдаки, кўрсатилган муаллифлар асосан муаммонинг иқтисодий жиҳатига эътибор қаратсаларда, тарихий жиҳат эътибордан четда қолган. Шундай бўлсада улар биз тадқиқ этаётган масала учун анчагина публицистик, тавсифий маълумотлар ёзиб қолдирганликларини англаш қийин эмас.

Мавзу тарихшунослигига доир кейинги асарлар қаторида 1940 йилда чоп этилган ва масалани тарихий нуқтаи назардан ёритишимизда муҳим ҳисобланган М.Я. Залесскийнинг “Налоговая политика советского государства в деревне” асари эътиборга молик. Ушбу асар ўша даврда чоп этилган ва ҳам иқтисодий, ҳам тарихий аспектда ёзилганлиги билан характерлидир [6, 56-б.].

Хусусан, муаллиф XX асрнинг 20-30 йиллари солиқ соҳасидаги давлат сиёсатининг экстенсив ҳолати ҳақида ёзар экан, муаллифни совет давлатининг биргина Россиянинг марказий туманлари, Урал, Волгабўйи, Узоқ Шарқ ёки Кавказ билан бирга, октябр давлат тўнтаришидан сўнг Туркистон ўлкасидаги, 1924-25 йиллардаги давлат чегараланишидан сўнг, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигидаги аҳвол, совет ҳокимиятининг экспансия сиёсати ва ўлкада қолхоз кооператив мулкчилик шароитида

бой бадавлат мулк эгаларининг солиқларга муносабати, солиқлар миқдорининг ўсиб бориш динамикаси, уларнинг оқибатлари ва зиддиятлари хусусидаги маълумотлар қизиқтиради.

Иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олим М.И. Пискотин биз қайд этаётган мавзунинг кўпроқ ҳуқуқий жиҳатларини ёритиб ўтади. Олим ўша даврда янгича иқтисодий мезонлар асосида босқичма-босқич совет тузилмаларининг шакллантирилиши, хусусий мулкнинг бекор қилиниши, солиқларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларига эътибор қаратади [7, 45-6.].

Ушбу мавзуга мурожаат этиш Ўзбекистон мустақиллиги йилларида ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихини ҳаққоний ўрганиш имкониятининг яратилганлиги олимлар, яъни илмий жамоатчилик доирасида оз бўлсада муҳокама мавзусига айланганлиги шубҳасиз. Булар қаторида Д. Бобожонова, Ш.К. Гатауллинларнинг изланишларини қайд этиш мумкин. Жумладан, Д.Бобожонова Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тарихига назар ташлар экан, қадимги даврлардан, то бугунги кунларгача босиб ўтилган тарихий йўлда Ўзбекистон тарихида ҳам ҳар бир тузумнинг ижтимоий, қолаверса ўзига хос иқтисодий, молиявий тизими, муаммолари мавжуд бўлганлигини ёритади.

Тарихчи олим А.А. Голованов эса Россия империяси ва совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон деҳқонларининг ижтимоий аҳволи масалаларига кенг миқёсда тўхталар экан, XX аср биринчи ва иккинчи ярмида уларнинг меҳнат фаолиятининг ижтимоий жиҳатларига ҳамда яшаш шароитлари, турмуш тарзининг ўзгариб боришига таъсир этган омилларга тавсиф беради ва солиқ соҳасидаги динамик ўзгаришларни таҳлил қилади [7]. Р. Шамсутдинов XX аср 30 йилларида ўлкада бошланган оммавий жамоалаштириш ва қулоқ хўжаликларини тугатиш кампанияси палласида солиқ тизими ва унинг таркибий тузилиши, уларни ундириб олиш, давлат хазинасига туширишда мавжуд бўлган совет тузуми сиёсати ва унинг оқибатларига тўхталиб, ўша даврнинг тоталитар характерини очиқ берган [8, 60-6.].

Моҳиятан тарихий жиҳатдан ёзилган Н. Обломуродов, Ф.Толиповлар қаламига мансуб фундаментал тадқиқот, яъни “Ўзбекистонда солиқлар тарихи” монографиясидир. Ушбу китобда Ўзбекистон тарихида қадимги даврлардан то бизнинг давргача солиқ тизимининг шаклланиши, ривожланиши, уларнинг турлари, миқдори, солиқлар ва бошқа йиғимларни давлат ва унинг тегишли тузилмалари томонидан йиғиб олиниши, шу билан бир қаторда Ўзбекистон мустақиллиги йилларида солиқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва уни эркинлаштириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотларга оид маълумотлар мужассамлашган [9]. Унда совет даврида солиқ тизимининг характери, ўзгариши, уларнинг ортиб боришига туртки бўлган омиллар ва оқибатлари тўғрисида анчагина таҳлилий маълумотлар мужассамлашган. Энг асосийси биз ўрганган олимлар орасида биринчилардан бўлиб муаллифлар XX асрнинг иккинчи ярмида солиқ тизимининг деструктив кўринишлари хусусида анчагина маълумотлар берадилар.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, илмий адабиётларнинг қисқа таҳлили шундан далолат бермоқдаки, мазкур мавзу тарихий нуқтаи-назардан ҳали ўрганилмаган. Кўрсатилган адабиётларда муаллифлар масаланинг тарихий жиҳати ҳақида керакли маълумотларни ўз тадқиқотлари ва тадқиқот объектларига боғлиқ тарзда бериб ўтган бўлсаларда, муаллифларнинг ишларида совет даври солиқларининг дастлаб Туркистон ўлкаси, сўнгра Ўзбекистон аҳолиси турмуш тарзига таъсири ва оқибатлари ҳали алоҳида илмий тадқиқот мавзуси бўлмаган. Шу боис ушбу мақолада бевосита совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда олиб борган солиқ сиёсати ва унинг оқибатлари тарихшунослиги масаласи таҳлил қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Фотченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX-нач XX вв. - Т., 1993.
2. Собиров Х.Р. Туркистон Совет Социалистик Республикаси давлат бюджети (1918-1924 йй). Иқтисод. Фан. Номз. Дисс. Автореферати. – Т., 1949.
3. Погребенский А.П. Государственно-монополистический капитализм в России. - М., 1959.
4. Алимов И.А. Узбекское дехканство на пути к социализму.-Т., 1974.
5. Ковальченко И.Д., Малов Л.В. Всероссийский аграрный рынок XVIII-нач XX вв. - М., 1974.
6. Залесский М.Я. Налоговая политика советского государства в деревне. -М., “Госфиниздат” 1940.
7. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937. - Т., “Фан”. 1992.
8. Шамсутдинов. Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. - Т., 2001.
9. Обломуродов Н., Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. - Т., 2009.

1917 ЙИЛИ ТУРКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХУДУДИ АҲОЛИСИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРИНИНГ ЯКУНИГА ДОИР

И.К. Фуломов, таянч докторант, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақолада Туркистон ўлкасида 1917 йилда ўтказилган қишлоқ ҳудуди аҳолисини рўйхатга олиш тадбирларининг якуний натижалари қиёсий таҳлил асосида ёритилган. Шунингдек, ўтказилган аҳоли рўйхатининг якуний натижалари бўйича вилоятлар кесимида қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи умумий аҳоли сони келтирилган.

Калим сўзлар: Аҳолини рўйхатга олиш тадбири, аҳолини ҳисобга олиш, аҳоли сони, аҳоли сони ҳисоботи, миграция, эмиграция, аҳоли табиий ўсиши, статистика, доимий аҳоли, аҳоли зичлиги, волост, уезд.

Аннотация. В данной статье на основе сравнительного анализа освещены итоговые результаты проведенных в 1917 году в Туркестанском крае мероприятий по переписи населения сельских территорий. Также по итогам проведенной переписи населения в разрезе областей отмечается общая численность населения, проживающего в сельских районах.

Ключевые слова: регистрация населения, численность населения, национальность, рост населения, статистика, численность постоянного населения, плотность населения, волость, уезд, вопрос о населении.

Abstract. The given article is based on the comparative analysis of the final results of the measures taken for the registration of rural population in Turkestan in 1917. In addition, in terms of areas the total population living in rural areas is given on the final results of the undertaken registration of the population.

Key words: Population registration, population size, nationality, population growth, statistics, permanent population, population density, volost, region, population question.

XIX асрнинг иккинчи ярми ҳамда XX аср бошларида Туркистонда мустанлакачилик сиёсатини олиб борган Россия империяси кейинчалик эса Совет ҳокимияти ўлка ҳудудида саноатни эмас, балки, қишлоқ хўжалиги ривожланишидан манфаатдор бўлди. Буни Туркистон ўлкаси ҳудудий иқтисодиётини режалаштиришдаги мақсадини аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг якуний натижаларидан ҳам билиш мумкин. Шунинг учун ҳам Туркистон ўлкаси аҳолиси бўйича XX асрнинг бошларида тўпланган маълумотларни ўрганиш ҳамда уларни ҳолисона таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Россия империяси ва Совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида оммавий тарзда (1897, 1920, 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда) аҳоли рўйхати тадбирлари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий мақсадларни кўзлаган ҳолда ўтказилди. XIX аср охири ва XX аср бошларида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари барча ҳудудларни кенг қамраб олган ҳолда ўтказилмаган бўлсада, танлаб олинган ҳудудларда ўтказилганлиги ҳам ўша ҳудуд аҳолиси сонини ўрганиш ва таҳлил этишда муҳим ўрин тутди.

1917 йили ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири Туркистон ўлкасининг барча ҳудудларини ўз ичига қамраб олмаган. Асосан қишлоқ хўжалиги аҳолиси рўйхатини шакллантириш билан чекланилган. Айни пайтда мазкур йилги аҳоли рўйхатида бир қатор камчиликлар кузатилади. Мазкур аҳоли рўйхати дастури мукамал ишлаб чиқилмаган, ушбу тадбирга аҳолини рўйхатга олиш пайтида Туркистон ўлкасининг Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятлари тасарруфига кирувчи уезд ва қишлоқлари танлаб олинган.

1917 йили ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг якуний натижалари бўйича Сирдарё вилоятида қишлоқ аҳолиси сони 1339 минг нафарни (Сирдарё вилоятига ҳозирги Чимкент, Туркистон, Сайрам ҳудудлари кирган, ҳозирги Ўзбекистондан фақат Тошкент шаҳри ва уезди кирган) ташкил этган[1]. Фарғона вилояти қишлоқлари аҳолиси сони 1943 минг нафар, Самарқанд вилоятида 632 минг нафар, Каспийорти вилоятида 422 минг нафар, Еттисув вилоятида эса 1387 минг нафар қишлоқ аҳолиси истиқомат қилганлиги мазкур даврга оид манбаларда келтириб ўтилади[2]. Аммо бу келтириб ўтилган рақамлар орқали вилоятларнинг барча қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аҳоли рўйхатга олинган деб бўлмайди. Мазкур даврнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда бугун биз тадқиқ этаётган демографик тарихини ёритиб берувчи манбалар ва кўплаб тадқиқот ишлари мавжудки, уларнинг ҳар бирида турли рақамларни учратамиз. Шу сабабли ҳам мазкур даврга оид аҳоли сони тўғрисида сўз борганда биринчи навбатда мазкур йили ўтказилган аҳоли рўйхати

тадбирларининг якуний натижалари чоп этилган статистик маълумотларни энг ишончли бирламчи манба деб ҳисоблаш мумкин.

1917 йили Туркистон ўлкасининг қишлоқ ҳудудларида аҳолини рўйхатга олиш тадбиридан кўзланган асосий мақсадлардан бири, бу ўлкадаги аҳолининг нафақат сонини аниқлаш, балки ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қандай аҳволда эканлигини билиш бўлган. Ваҳоланки, ўлка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолининг яшаш турмуш тарзи бир ҳил эмасди. Барча мамлакатлардаги бўлгани каби, Туркистон ўлкасида ҳам аҳолининг сони ва миллий таркиби табиий ўсиш ҳамда миграция жараёни таъсирида йиллар давомида ўзгариб борди.

1917 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг якуний натижалари чоп этилган бирламчи статистик манбаларга таянган ҳолда аҳоли сонини ўлкадаги ҳудудлар кесимида кўриб чиқадиган бўлсак, мазкур йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг якунлари бўйича Фарғона вилояти таркибига кирувчи шаҳар ва қишлоқларда аҳолининг асосий қисмини ўзбек, тожик ва қирғиз миллатига мансуб этнослар ташкил қилганлиги ҳамда уларнинг умумий сони эса қарийб 978 381 нафарни ташкил этганлиги келтириб ўтилади[3]. Ушбу рақамларда асосан ўзбек ҳамда тожик ва қирғиз миллатига мансуб аҳоли вакиллари сони келтирилган ҳолос. Маҳаллий бўлмаган, аксинча кўчиб келиб жойлашган миллат вакиллари сони алоҳида рақамларда келтирилади. Мазкур йилги тадбир якунига кўра Фарғона вилоятида ўзбек миллати билан азалдан истиқомат қилиб келган туркманлар сони – 8 288 нафар, қирғизлар – 45 656 нафар, тожиклар – 152 480 нафар деб келтирилади[4]. 1917 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирига танлаб олинган ҳудудларда истиқомат қилувчи кўплаб кўчманчи аҳоли рўйхатга олинмаган. 1917 йили аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг якуний натижаларига кўра водий аҳолиси сонининг умумий таркибида бўлган бошқа миллат вакиллари қуйидагича бўлган: эронийлар – 6 385 нафар, руслар (украин, беларус) – 6 223 нафар, арманлар – 148 нафар, немислар – 14 нафар, татарлар – 56 нафар, бошқа миллат вакиллари сони эса – 782 нафар деб келтирилади[5]. Бизнинг фикримизча нафақат маҳаллий аҳоли вакиллари сони, балки, бошқа миллат вакиллари сони ҳам тахминий ҳисоб-китоблар асосида келтирилган бўлиши мумкин. Сабаби, ушбу аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг якуний натижалари чоп этилган тўпламларда ва бир қатор бошқа илмий адабиётларда ҳам мазкур йилги тадбир самарасиз ва тахминий ҳисоб китобларга асосланган ҳолда ўтказилгани, ушбу тадбирга етарлича тайёргарлик кўрилмагани айтилади.

Қишлоқ хўжалиги аҳолисини рўйхатга олиш тадбирининг якуний натижаларига кўра Туркистон аҳолисининг сони 100 нафардан кам бўлган қишлоқларнинг умумий сони 8% ни ташкил қилган. Фарғона вилоятида йирик қишлоқлар сони кўп бўлиб, аҳоли сони кўплиги жиҳатидан катта қишлоқ Фарғона уездида бўлиб, аҳолиси сони – 1140 нафарни, Ўш уездида – 1106 нафар, Андижон ва Наманган уездларида – 885 нафар ва Қўқон уездида эса – 569 нафарни ташкил этган[6]. Бундан ташқари мазкур йилги тадбирининг якуний натижаларида келтирилишича Фарғона водийсида жами 273 та тожик қишлоқлари борлиги аниқланиб, улар уездлар бўйича қуйидагича тақсимланган: Қўқон 50 та, Андижонда 1 та, Наманганда 34 та, Ўш вилоятида 1 та, Помирда 153 та, Фарғонада эса 34 та[7]. 1917 йили ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири вақтида қишлоқ аҳолиси сонини ҳисоблаш бирлиги сифатида хўжалик олинган. Фарғона водийсининг уездлари бўйича жами 304 520 хўжалик, яъни 86% хўжаликлар рўйхатга олинган. Ўртача ҳолда битта рўйхатга олинган хўжаликка доимий истиқомат қиладиган аҳолининг 4,8% тўғри келган[8].

Ушбу маълумотлар 1917 йилги аҳолининг сони тўғрисидаги ягона илмий маълумотлар эмас албатта. Мисол учун Фарғона водийси уездларида мавжуд тожик қишлоқларида истиқомат қилувчи аҳоли сони тўғрисида аниқ маълумотлар келтирилмаган. Фақатгина аҳолиси кўп сонли тожик қишлоқлари аҳолиси сони тўғрисида маълумотлар учрайди ҳолос. Қирғиз қишлоқлари ҳам шулар жумласидан. Шу каби жиҳатларга асосланиб юқоридаги маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, бизнингча, 1917 йилги статистик маълумотлар ҳам рўйхатга олинган уезд ва қишлоқлар аҳолиси сонига нисбатан тўғри бўлиб, ўлкада мазкур йилги жами қишлоқ ҳудудлари аҳолисининг умумий сонига нисбатан тўғри деб бўлмайди.

1917 йил ва ундан кейинги аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари ўтказилган йилларда ҳам кўриш мумкинки, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ҳамда Фарғона водийсининг аҳолиси ўз этник таркибининг мураккаблиги билан ажралиб турган. Мазкур даврга оид яна бир манбада келтирилишича, 1917 йилда Фарғона водийсида ўзбеклар – 64,8%, қирғизлар – 21,1%, тожиклар – 9,8%, қипчоқлар – 2,5% ни ташкил этган. Мазкур ҳудудда яна 10 дан ортиқ бошқа этник гуруҳларга мансуб бўлган аҳоли вакиллари ҳам истиқомат қилганлиги келтирилади[9]. Бундай турли миллат

вакиллари истиқомат қилувчи ҳудудларга Туркистон ўлкасининг ҳусусан, Самарқанд ва Сирдарё вилояти ҳудудларини ҳам киритиш мумкин.

Мазкур давргача, яъни 1897 йилда ўлкамиз ҳудудида биринчи бор ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларидан то 1917 йилга қадар чорак аср ўтсада, Туркистон ўлкасида истиқомат қилувчи турли миллат вакилларидан иборат бўлган аҳоли сонини статистик томондан тавсифлаш учун 1897 ва 1917 йилларда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг якуний натижаларидан бошқа статистик маълумотлар йўқ эди. Айнан Туркистон ўлкаси аҳолиси сони ва миллий таркиби тўғрисида маълумот берувчи 1897 ва 1917 йиллардаги аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг якуний натижалари тарихчи олимлар томонидан қониқарсиз деб ҳисобланади. Бунинг асосий сабаблари сифатида биринчи навбатда аҳолини рўйхатга олиш ишлари тартибсиз олиб борилгани, ўлкадаги барча ҳудудларни кенг қамраб олган ҳолда аҳоли тўлиқ рўйхатга олинмагани, аҳолининг миллий таркиби тўғрисидаги саволларнинг аҳолини рўйхатга олиш дастурига киритилмаганлиги, тоғли ҳудудларда истиқомат қилувчи ҳамда кўчиб юривчи аҳоли ҳисобга олинмагани каби бир қатор сабаблар мавжудлигини айтиб ўтиш лозим. Шу нуқтаи-назардан ҳам мазкур даврдаги аҳоли сони ва миллий таркиби тўғрисида батафсил маълумот берувчи маълумотлар учрамайди.

1917 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбири натижасига кўра Самарқанд вилояти уездларида истиқомат қилувчи аҳоли сони куйидагича бўлган: Каттақўрғон уездида 135 929 нафар, Самарқанд уездида 280 509 нафар, Жиззах уездида 90 557 нафар, Хўжанд уездида (чўлли ҳудудларни ҳам кўшиб ҳисоблаганда) 124 250 нафарни ташкил этиб, шу йили рўйхатга олинган Самарқанд вилоятнинг уезд ва қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи умумий аҳолиси сони 631 245 нафарни ташкил этганлиги қайд этилади[10]. Бундан ташқари Туркистон ўлкаси ҳудудига кирувчи Каспийорти (Ашхабод, Қизир Арвот, Красноводск шаҳарларида) вилоятида 1917 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбири якунига кўра 50 минга яқин руслар ва арманлар яшаганлиги қайд этилган[11]. 1917 йилда Самарқанд вилояти ҳудудларида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш ишларида шаҳар аҳолисининг умумий сони 410 122 нафар деб келтирилади[12]. Мазкур йилги Самарқанд вилояти аҳолиси сонига нисбатан келтирилган рақамлар бироз тахминийдир. Сабаби, 1917 йили нафақат Самарқанд вилоятида балки, Туркистон ўлкаси ҳудудида шаҳар аҳолиси рўйхатдан ўтказилмаган. Кўплаб майда, яъни аҳолиси кам жуда кўплаб қишлоқлар аҳоли рўйхати тадбирига умуман жалб этилмаган.

Тадқиқ этилаётган даврда Туркистон қишлоқларида умумий ҳисобда 76 минг нафар ёлланиб ишловчи ишчи рўйхатга олинганлиги мавзуга оид илмий адабиётларда келтирилади. Уларнинг кўпчилиги майда ҳусусий дўконларда ва хунармандчилик устахоналарида банд бўлган маҳаллий миллат вакиллари ҳисоланганлар[13]. 1917 йилда қишлоқ ҳудудлари аҳолисини рўйхатга олиш тадбирининг якуний натижалари чоп этилган статистик маълумотлар таҳлиliga кўра ўлкада меҳнатга лаёқатли эркак аҳолининг (18 ёшдан юқори бўлган) 76% турли ҳажмдаги ва кўринишдаги мулкка эгаллик қилганлар, 11,2% аҳоли эса ҳеч қандай мулкка эга бўлмаганлар (ерсиз деҳқонлар – 0,5%ни, завод ишчилари, устахоналар ёлланма ишчилари – 7,4%ни, хизматчилар, толиблар, ногиронлар 3,3%ни) ташкил этган[14]. Мазкур йилги аҳолини рўйхатга олиш дастурига аҳолининг миллати деган саволлар киритилмаган. Рўйхатга олиш тадбирида фақатгина уй (хўжалик) эгасининг миллати кўрсатилган холос. Оила аъзолари ва хизматчиларнинг миллатлари уй эгасининг миллати билан бир хил қилиб ёзилган. Шу сабабли ҳам 1917 йилги қишлоқ аҳолисининг миллий таркиби тўғрисидаги статистик маълумотлар аниқ эмас, лекин хатолик катта бўлмаслиги мумкин.

Тадқиқ этилаётган даврда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг якуний натижалари қайд этилган бирламчи манбалардан ташқари мазкур даврда Туркистон ўлкасининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёти тўғрисида маълумот берувчи бошқа манбаларда ҳам 1917 йилда Туркистон ўлкасидаги аҳоли сони тўғрисидаги маълумотлар жуда кам учрайди. Масалан 1917 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирида Амударё вилоятдан жами 5 та уезд аҳоли рўйхати ўтказиш учун танлаб олинган. Жумладан, булар: Бий-бозор, Сари-бий, Тўрт-қўл, Шайх-Аббос-Валий ва Шўра-хон уездларидир. Мазкур уездлар бўйича жами 10 958 та хўжалик бор деб келтириб ўтилган[15]. Амударё вилоятининг аксарият уездларида эса аҳоли умуман рўйхатга олинмаган. Мазкур йили ўтказилган қишлоқ ҳудудлари аҳолисини рўйхатга олиш бўйича якуний ҳисоботлар 1923 йилда ҳудудлар кесимида чоп этила бошланган бўлиб, фикримизча мазкур тадбирнинг камчиликлари кўплиги ҳамда ушбу тадбир талаб даражасида ўтказилмагани боис Марказий статистика бошқармаси томонидан якуний натижаларни чоп этишга дастлаб руҳсат берилмаган бўлиши мумкин.

1917 йилги қишлоқ ҳудудлари аҳолисини рўйхатга олишнинг якуний статистик натижаларини ҳамда мазкур даврда ўлкадаги аҳоли сони бўйича маълумот берувчи бошқа кўплаб архив маълумотларини таҳлил қилганимизда умумий ҳисобда Туркистон ўлкасининг қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли сони 4 336 792 нафарни ташкил этган, деган тахминий ҳулосага келишимизга асос бўлди.

1917 йилда Туркистон ўлкасида ўтказилган қишлоқ ҳудудларида аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг якуний натижаларини рус аҳолиси сони ҳамда маҳаллий аҳолининг умумий сони келтирилган қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин [16]:

Уездлар номи	Қишлоқ аҳолиси сони		Жами
	Рус аҳолиси	Маҳаллий аҳоли	
Сирдарё вилояти			
Черняевский	22795	310075	332870
Авлиёта	34069	205995	240064
Перовский	1844	118128	119972
Тошкент	9818	308039	317852
Казалинский	-	115221	115221
Гокседно-Степский	8227	45604	53831
Аму-даринский	-	159262	159262
Вилоят бўйича умумий	76748	1262324	1339072
Самарқанд вилояти			
Самарқанд	358	280509	280867
Хўжанд	-	124250	124250
Катта-кўрғон	475	135929	136404
Жиззах	-	90557	90557
Вилоят бўйича умумий	833	631245	632078
Фарғона вилояти			
Андижон	6969	488927	495895
Ўш	13117	245474	258591
Наманган	1098	392813	393911
Қўқон	-	382773	382773
Скобелевский	1168	410942	412111
Вилоят бўйича умумий	22352	1920930	1943282
Каспийорги вилояти			
Ашхобод	1339	100666	102005
Красноводский	316	61540	61856
Тедженский	949	61468	62417
Марв	1235	116228	117453
Манғишлоқ	-	78619	78619
Вилоят бўйича умумий	3839	418521	422360

Ҳулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Туркистон ўлкасида 1917 йилда ўтказилган қишлоқ ҳудудлари аҳолисини рўйхатга олиш тадбирларини тарихий жиҳатдан атрофлича ёритиш, мазкур даврдаги аҳоли сони билан боғлиқ бўлган ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни қиёсий таҳлил этиш, ҳамда бу жараёнга таъсир этувчи омилларни ўрганиш бугунги кунда хали тадқиқ этилмаган масалалардан бири ҳисобланади. Тадқиқот натижалари бугунги кунда аҳолиси тез суръатлар билан ўсиб бораётган Ўзбекистоннинг демографик ҳолатини ҳамда уни режалаштиришдаги келажак йўналишларини белгилашда, аҳолини рўйхатга олишда оилаларнинг демографик таркиби ва фаолиятида келгусида кутилаётган муҳим ўзгаришларни аниқлашда тарихий нуқтаи-назардан илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Материалы всероссийских переписей. Перепись населения в Туркестанской Республике. Выпуск IV. Сельское населения Ферганской области по материалам переписи 1917 г. – Ташкент, ЦСУ Туркеспублики. 1924 г. – С.24.
2. Зарубин И. Население Самаркандской области его численность, этнографический состав и территориальное распределение (по материалам сельско-хозяйственной переписи 1917 года, пополненной другими источниками). – Ленинград, 1926 г. – С.7.
3. Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганк (в конце XIX - начала XX). – Ташкент, 1983 г. – С.48.

4. Материалы сельско-хозяйственной переписи 1917 года. Пополненный другими источниками и этнографической картой. – Самарканд, 1920 г. – С.17.
5. Материалы Всероссийской переписей 1920 г. Перепись населения Туркестанской Республики. Ч. I. Поселенные итоги. – Ташкент, 1923 г. – С.13-14.
6. Рахматиллаев Х. Фаргона водийси аҳолисининг этнодинамикаси. – Тошкент. Янги нашр. 2013 й. 73-бет.
7. Материалы всероссийских переписей. Перепись населения в Туркестанской Республике. Выпуск IV. Сельское населения Ферганской области по материалам переписи 1917 г. – Ташкент, ЦСУ Туркестанской Республики. 1924 г. – С.29.
8. Материалы всероссийских переписей. Перепись населения в Туркестанской Республике. Выпуск IV. Сельское населения Ферганской области по материалам переписи 1917 г. – Ташкент, ЦСУ Туркестанской Республики. 1924 г. – С.41.
9. Халид А. Туркестан в 1917–1922 годах: борьба за власть на окраине России // Трагедия великой державы: национальный вопрос и распад Советского Союза. – Москва, 2005. – С.189–190.
10. Тим Е.С. Опыт изучения естественного движения населения в кишлаках. – Ташкент. 1935. – С.18.
11. Гофоров Ш.С. Россия империясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср боши). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2003 й. 158-бет.
12. Андреев М. Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандской области. – Москва, 1921 г. Туркестанский отдел. – С.125.
13. Вексельман М.И. О численности рабочего класса Средней Азии накануне 1917 года. Общественные науки в Узбекистане. 1985 г. № 9. – С.29.
14. Статистический ежегодник. 1917-1923. Том I. – Самарканд, 1926 г. – С.43.
15. Материалы всероссийских переписей 1920 года. Перепись населения в Туркестанской Республике. Часть I. Поселенные итоги. Выпуск II. Поселенные итоги Аму-Дарьинской области. – Ташкент, ЦСУ Туркестанской Республики. 1923 г. – С.22.
16. ЎЗР МДА. И-25-жамғарма, 1-рўйхат, 182-иш, 16-варақ.

ЎУК: 737

ИСЛОМГАЧА БЎЛГАН ХОРАЗМ ТАНГАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ҚИЛИНИШ ТАРИХИГА ДОИР

Садуллаев Б.П., катта илмий ходим, Хоразм Маъмур академияси, Хива

Аннотация. *Мазкур мақолада Хоразмда ислом дини тарқалгунгача бўлган қадимги давр тангаларининг тадқиқ қилиниши тарихи баён қилинган. Қадимги Хоразм тангаларининг тадқиқ қилиниши 3 босқичга ажратиб кўрсатилади. 1-босқич – XIX асрнинг 2-ярмидан то XX асрнинг 30 йилларигача, яъни Хоразм археология-этнография экспедицияси тадқиқотлари бошлангунгача бўлган давр; 2-босқич – 1937 йилдан 1991 йилгача бўлган давр; 3-босқич – 1991 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган давр. Шунингдек, энг сўнги аҳамиятли тадқиқотлардан нумизмат А.В.Кузнецовнинг “Хоразмишоҳ Савшафаннинг кумуш тангалари” номли каталог мажмуасида ҳукмдор томонидан зарб қилинган тангаларни тизимлаштириши ва таснифлаши ҳамда штемпелларга бағишланган қисқача маълумотлар берилди.*

Калит сўзлар: *қадимги Хоразм нумизматикаси, Кёлер Х.К.Е., Томас Э., Марков А.К., Друэн Э., Говорс Г., Толстов С.П., Массон М.Е., Вайнберг Б.И., Федеров М.Н., Кузнецов А.В., сиёвушилар, афригийлар, тамга, тетрадрахма, идеограмма, Савшафан, штемпел, зарбхона.*

Аннотация. *В данной статье излагается история изучения древних монет Хорезма до распространения ислама. Изучение древнехорезмийских монет разделяется на три этапа. 1-этап – вторая половина XIX – первая треть XX вв, то есть до начала исследования Хорезмской археолого-этнографической экспедиции; 2-этап – период от 1937 до 1991 годов; 3-этап – начиная с 1991 года до нынешних дней. Одним из значимых в последние годы исследованием указывается работа нумизмата А.В.Кузнецова – каталог “Серебряные монеты Хорезмишаха Савшавана”, в котором даётся вкратце сведения о систематизации и классификации монет чеканенных этим правителем, а также о штемпелях которые использовались в чеканке этих монет.*

Ключевые слова: *нумизматика древнего Хорезма, Кёлер Х.К.Е., Томас Э., Марков А.К., Друэн Э., Говорс Г., Толстов С.П., Массон М.Е., Вайнберг Б.И., Федеров М.Н., Кузнецов А.В., сиявушиды, афригиды, тамга, тетрадрахма, идеограмма, Савшафан, штемпел, монетный двор.*

Abstract. *This article sets out the history of the study of the ancient coins of Khorezm before the spread of Islam. The study of ancient Khorezm coins is divided into three stages. 1st stage - the second half of the XIX - the*

first third of the XX centuries, that is, before the study of the Khorezm archaeological and ethnographic expedition; 2-stage - the period from 1937 to 1991; Stage 3 - from 1991 to the present day. One of the significant studies in recent years is the work of the numismatist A.V. Kuznetsov - the catalog "Silver coins of Khorezmshah Savshavan", which briefly gives information about the systematization and classification of coins minted by this ruler, as well as the stamps used to mint these coins.

Key words: numismatics of ancient Khorezm, Köhler H.K.E., Thomas E., Markov A.K., Druen E., Govors G., Tolstov S.P., Masson M.E., Vainberg B.I., Federov M.N., Kuznetsov A.V., siyavushids, afrigids, tamga, tetradrachm, ideogram, Savshafan, stamp, mint.

Ўрта Осиё деҳқончилик маданиятининг энг шимолий таянчи бўлган ўзига хос худуднинг сиёсий ва мураккаб этник тарихига алоқадор энг муҳим лаҳзаларини ёритишга ёрдам берувчи қадимги Хоразм тангаларини ўрганиш ҳар доим ёзма манбаларнинг деярли йўқлиги билан қийинчилик туғдирган. Шу жиҳатдан тангалардаги рамзий маълумотлар баъзан, у ёки бу сиёсий воқеаларни қайта тиклашда катта қизиқиш уйғотади. Гоҳида нумизматик таҳлиллар археологик манбалар билан солиштирилиб текширилади. Бирок, ҳар қандай ҳолатда ҳам ёзма маълумотлар етишмаган пайтда қайта тикланаётган тарихий жараёнларни эҳтиёткорлик билан баён қилиш лозим. Чунки бундай шароитда маълумотлар фақат фараз ва тахминларга асосланади. Нафақат Хоразм, балки Ўрта Осиё ва Қозоғистон худудларидан нумизматик ва археологик янги манбаларнинг тўпланиб бориши ушбу фараз ва тахминларни текшириб кўришга имконият яратади.

Шу жумладан, мазкур муаммоларни ҳал қилишда қадимги Хоразм тангаларининг тадқиқ қилинишини олдинги тадқиқотчилар илмий изланишларининг таҳлили асосида 3 босқичга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

1-босқич – XIX асрнинг 2-ярмидан то XX асрнинг 30 йилларигача, яъни Хоразм археология-этнография экспедицияси тадқиқотлари бошлангунгача бўлган давр;

2-босқич – 1937 йилдан 1991 йилгача бўлган давр;

3-босқич – 1991 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган давр.

С.П.Толстов ва ундан мустақил равишда М.Е.Массон томонидан Хоразмга тегишли дея тасдиқланган тангалар ҳақидаги маълумотлар дастлаб XIX аср ўрталарида пайдо бўлади. Қадимги Хоразм тангаларининг ўрганилиши тарихида бу биринчи босқич сифатида қайд қилинади (5, 9 б.). Бу даврда қадимги шарқ тангалари орасида Хоразм тангалари тадқиқотчилар нигоҳидан ўрин олди ва уларни аниқлаш, таснифлашга дастлабки уринишлар амалга оширилди. Ушбу изланишлар натижасида тўпланган маълумотлар ўз вақтида С.П.Толстов томонидан батафсил таҳлил қилинган (15, 121-125 б.; 16, 173 б.). Биринчи чоп қилинган номаълум подшо тангаси айнан Х.К.Е.Келерга тегишлидир (5, 9 б.). Кейинчалик ушбу гуруҳ тангаларига Э.Томас ҳам эътибор бериб, 1870-1883 йилларда Россиядан В.Тизенгаузен томонидан юборилган 6 тангани чоп қилади ва уларни аниқлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, бу тангалар ҳинд-парфия подшолари томонидан чоп қилинган. 1892 йилда рус нумизмати А.К.Марков Эрмитаж фондидаги 2 та кумуш ва 1 та мис тангани эълон қилади. А.К.Марков уларни Э.Томас эълон қилган тангалар билан таққослаб, унинг фикрларини рад этган ҳолда улар кушонларнинг сўнгги хукмдорлари Турушка сулоласи вакиллари томонидан зарб қилинган деган фикрни илгари суради.

Кейинчалик Э.Друэн ўз тадқиқотларида А.К.Марков ғояларини инкор этиб, юқоридаги тангалар эфталитлар томонидан тахминан 555 йилгача Сўғдда зарб қилинганлигини қайд қилади. Бошқа тадқиқотчилар Кэннингэм ва Рэпсонлар Э.Друэн фикрларини қўллаб-қувватлайдилар, бирок уларнинг даврини янада кейинги давр – VII аср билан белгилайдилар. Г.Говорс эса бу тангалар турклар томонидан эфталитлар салтанати эгаллаб олингандан кейин зарб қилинганлигини таъкидлайди (5, 9-10 б.).

1937 йилда Хоразм археология этнография экспедицияси ўз фаолиятини бошлади. Дастлабки кидирув жараёнидаёқ XIX асрда нумизматлар баҳсига сабаб бўлган кўплаб тангалар топилади. Бу топилмалар 1938 йилдаёқ, С.П.Толстовга юқорида таъкидланган тангалар гуруҳини Хоразмда зарб қилинган деган, дастлабки хулосани беришга асос бўлади.

Шу даврдан қадимги Хоразм тангаларини ўрганишда янги босқич бошланди. 1938 йил охирида С.П.Толстовнинг катта мақоласи чоп қилинди (15, 121-125 б.). Бу мақола қадимги Хоразм тангаларига бағишланган бўлиб, унда биринчи бор ушбу тангаларнинг таснифи ва уларнинг тарихий талқини ишлаб чиқилди. С.П.Толстов тангалардаги ёзувларга алоҳида эътибор қаратиб, улар асосида

қадимги Хоразм алифбосидаги кўплаб белгиларни аниқлаб олди. Кенгайтирилган ва янги маълумотлар асосида ушбу мақола С.П.Толстовнинг “Қадимги Хоразм” монографиясидан ҳам ўрин олди ва Хоразм нумизматикаси бўйича дастлабки йиғма иш сифатида илмий муомалага киритилди (16, 173-195 б.). С.П.Толстов илк маълумотлар асосида тангаларни 2 та гуруҳга ажратади.

1. АА₁α (Сиёвущийлар) гуруҳига кирувчи грек тангаларига таклидан зарб қилинган хоразм ва хиралашган грек ёзувларидан иборат кумуш тангалар – тетрадрахмалар.

2. ВВ₁β (афригийлар) гуруҳига кирувчи фақат хоразм ёзувларидан иборат кумуш тангалар.

С.П.Толстов билан бир вақтда Турушка тангалари деб ном олган тангаларнинг келиб чиқишини Хоразмга алоқадор эканлигини М.Е.Массон ҳам таъкидлайди (9, 57-69 б.).

Шу билан бирга Э.Друэн томонидан “Турон тангалари”нинг бир қисмини ташкил этувчи Хоразмга тегишли деб топилган тангалар, С.П.Толстовнинг қайд этишича, Хоразмда умуман учрамайди.

Шундай қилиб, 1938 йилдан бошлаб Хоразм тангалари аниқ атрибуцияга эга бўлди. С.П.Толстовнинг Хоразм тангаларига оид кейинги ишлари янги маълумотлар асосида давом эттирилади. Мазкур тадқиқотлар қушон хронологияси билан боғлиқ масалаларни қамраб олади (5, 11 б.).

Қадимги Хоразм тангаларига ўзининг бир қатор мақолаларида В.М.Массон ҳам эътибор қаратади (10, 167-196 б; 11, 76-84 б.).

1962 йилда Б.И.Вайнбергнинг Хоразм нумизматикасига доир илк мақоласи чоп қилинади (2, 125-132 б.). Унинг кейинги тадқиқотлари Хоразм нумизматикасининг алоҳида муаммоларига бағишланади (3; 4; 5, 11 б.). Б.И.Вайнбергнинг мазкур тадқиқотлари кейинчалик 1977 йилда чоп қилинган “Хоразмнинг қадимги тангалари” монографияси учун асос бўлади. Мазкур монография ҳозирги кунга қадар қадимги Хоразм нумизматикасини тўлиқ тавсифлаб берувчи каталог сифатида катта аҳамият касб этувчи илмий асар ҳисобланади. Ушбу асарни яратишда ХХ асрнинг 30 йилларигача чоп қилинган мақолалар, Хоразм экспедицияси тадқиқотларида қўлга киритилган манбалар, собиқ иттифоқ ҳудудидаги музей коллекциялари ва хусусий коллекционерлар жамланмаларидан фойдаланилган. Б.И.Вайнберг уларни сўнгги маълумотлар асосида таснифлашга эътибор берар экан, кумуш тангаларни кирилл алифбосининг биринчи ҳарфлари билан кетма-кетликда 4 та гуруҳга ажратади (5, 48-б.).

1. А – фақат хиралашган грек ёзувларидан иборат тангалар.

2. Б – танганинг юқори қисмида хиралашган грек ёзувлари билан бирга унинг пастида хоразм ёзувларидан иборат тангалар. Хоразм ёзувлари қатъий тартибда берилган. Шоҳнинг исми + унвони (MLK' идеограммаси билан).

3. В – фақат хоразм ёзувларидан иборат тангалар. Хоразм ёзувлари юқоридаги тартибда берилган. Шоҳнинг исми + унвони (MLK' идеограммаси билан).

4. Г – хоразм ёзувларидан иборат тангалар. Хоразм ёзувлари тартиби ўзгаради. Олдин унвон (MR'Y MLK' идеограммаси билан), кейин шоҳнинг исми.

Б.И.Вайнберг тангаларни таснифлашда кумуш тангаларга нисбатан рим рақамларини (AI, AII, BI, BII), мис тангаларга нисбатан араб рақамларини қўллади (A1, B10, Г11). Тангалардаги тож турларини 10 та (K I, K II), тамгаларни 14 та (T 5, T 7), суворий тасвирларини 17 та турини ажратиб кўрсатади. Шунингдек тангалардаги ёзувларнинг, тамгаларнинг жойлашиш тартибини, шоҳ тасвири билан боғлиқ муҳим элементларни ҳамда танганинг метрологияси ва зарб қилиш техникасини таърифлаб беради. Мазкур тадқиқот қадимги Хоразм тарихининг баъзи масалаларини нумизматик манбалар асосида кенг ёритиб беришга хизмат қилди. Шу жумладан, қадимги хоразмшоҳлар сулолаларининг келиб чиқиши, Хоразм эраси, исломгача бўлган ҳукмдорларнинг унвонлари ва Хоразмнинг жанубий ҳудудлар билан ўзаро алоқаларини ўрганишда муҳим манбага айланди.

Б.И.Вайнбергнинг навбатдаги тадқиқотлари Хоразм экспедициясининг кейинги фаолияти билан боғлиқ бўлиб, асосан олдинги ишлаб чиқилган каталогни янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилган (6, 47-48 б; 7, 123-136 б.).

Қадимги Хоразм билан боғлиқ кейинги изланишлар мустақиллик даврига (3 босқич) тўғри келади. Б.И.Вайнбергнинг монографияси чоп қилингандан сўнг ўтган 40 йилга яқин вақт давомида яқка ҳолда ёхуд хазиначилар тарзида топилган қадимги хоразм тангаларининг миқдори ортиб борди. Бу топилмаларнинг аксарияти турли илмий мақолаларда акс этди (12, 95-96 б; 13, 36-39 б; 14, 110-112 б.). Шунингдек, қадимги Хоразмда сиёсий-ижтимоий ва савдо-пул муносабатларига доир турли

масалаларни ёритувчи илмий тадқиқотлар ҳам амалга оширилган (1, 29-52 б.; 17, 86-89 б.). Бу борада кейинги йилларда россиялик нумизмат-олим М.Н.Фёдоровнинг изланишлари ҳам Хоразмнинг исломгача бўлган товар-пул муносабатлари тарихини ўрганишда муҳим маълумотларни беради (19, 163-175 б.; 18, 13-22 б.; 20, 123-129 б.; 21, 347-354 б.; 22, 446-451 б.).

Ҳозирги кунда энг сўнгги аҳамиятли тадқиқотлардан бири россиялик нумизмат А.В.Кузнецовга тегишлидир (8). Унинг “Хоразмшоҳ Савшафanning кумуш тангалари” номли каталог мажмуаси айнан мазкур ҳукмдор томонидан зарб қилинган тангаларни тизимлаштириш ва таснифлашга бағишланган. А.В.Кузнецов айти пайтда мавжуд бўлган Савшафanning кумуш тангаларини таҳлил қилган ҳолда уларни зарб қилишда қўлланилган штемпеллар бўйича ҳам каталог ишлаб чиқишга муваффақ бўлган. Мазкур каталогни ишлаб чиқиш жараёнида у хоразмшоҳ Савшафан тангаларининг олд томонига қўлланилган 234 та ва орқа томонини зарб қилишда ишлатилган 754 та штемпелни аниқлашга эришган. Ушбу тадқиқотлар асосида подшо Савшафан томонидан Хоразмда амалга оширилган кумуш тангаларнинг эмиссияси босқичларини тасвираб бериш имконияти юзага келган. Шундай босқичлардан бири подшо томонидан ўтказилган кумуш тангаларнинг оғирлигини камайтириб боришга доир пул ислохотидир. Тадқиқотчи штемпеллар таҳлили асосида, мазкур пул ислохоти даврида Хоразмда камида 2 та жойда зарбхона фаолият юритган, - деган хулосага келади (8, 239-б.).

Кейинги йилларда қўлга киритилаётган янги маълумотлар, албатта Хоразм нумизматикаси ривожини учун сезиларли даражада самарали тадқиқотларни амалга ошириш учун улкан имкониятларни тақдим этади. Мазкур йўналиш ҳали ривожланишда давом этмоқда. Бу борада қадимги Хоразм тангаларини ўрганиш тарихида муҳим ва қизиқарли бўлган кашфиётларнинг бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҲЙҲАТИ:

1. Бирюков Д.В. “От Артава” до “Африга” или становление традиционного облика древнехорезмийской монеты. // Нумизматика Центральной Азии. Вып.2. Т., 1997.
2. Вайнберг Б.И. Ранняя хорезмийская монета из собр.Самаркандского музея и некоторые вопросы истории докушанской хорезмийской чеканки, - ВДИ, 1962, №1.
3. Вайнберг Б.И. Эфталитская династия Чаганиана и Хорезм. – Нум. сб, ГИМ, вып.III, ч.IV, М, 1971.
4. Вайнберг Б.И. Титулы правителей домусульманского Хорезма. – ЭВ, XXI 1972.
5. Вайнберг Б.И. Монеты древнего Хорезма. М, 1977.
6. Вайнберг Б.И. Первые выпуски медных монет в древнем Хорезме// Этнография и археология Средней Азии. М., 1979.
7. Городище Топрак-кала. ТХАЭЭ, т.XII, М.,1981.
8. Кузнецов А.В. Серебряные монеты хорезмшаха Савшафана. М., 2014.
9. Массон М.Е. К проблеме открытия алфавита древнего Хорезма, - СОНАТ, 1938, №6.
10. Массон В.М. Редкая среднеазиатская монета из собрания Гос.эрмитажа, - ВДИ, 1953, №2.
11. Массон В.М. Хорезм и кушаны. ЭВ. XVII, 1966.
12. Мусакаева А.А. Клад хорезмийских монет царя Шаушафана. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1997, 7-9 сонлар.
13. Садуллаев Б.П. Серебряная монета царя Артава из Кат-калы (Шаватской).// Нумизматика Центральной Азии. Вып.7. Т., 2004.
14. Садуллаев Б.П. Шовот (чап кирғоқ) Кат-қалъасидан топилган мис танганинг таҳлилига доир маълумотлар. // ЎзР ФА Археология институти “Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида” мавзусидаги Ёш олимларнинг Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Самарканд, 2016 йил, 28-29 апрель.
15. Толстов С.П. Монеты шахов древнего Хорезма и древнехорезмийский алфавит. ВДИ, 1938, №4 (5).
16. Толстов С.П. Древний Хорезм, М., 1948.
17. Хорезм в истории государственности Узбекистана. Т., 2013.
18. Fedorov M. Money circulation of Khwarezm in the Ancient Period // Oriental Numismatic Society Newsletter. 182. 2005.
19. Fedorov M. Notes on the numismatics of Ancient Khwarezm // Revue Numismatique. 161. 2005.
20. Fedorov M. First reported Find of an Early Mediaeval Khwarezmian Drachm in the Kyrgyz Republik // American Journal of Numismatics. Second Series. 18. 2006.
21. Fedorov M. The Ancient Kings of Khwarezm Chronology and Succession // Archäologische Mitteilungen aus Iran und Turan. 38. 2006.
22. Fedorov M.N., Kuznetsov A.V. A hoard of early mediaval Khwarezmian drachms from the Kuiuk-kala hill fort // Sentral Asiatic Journal. 54. 2008.

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ
ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР**

*Сотиболдиев Ф.О., катта ўқитувчи, Наманган муҳандислик – қурилиш институти,
Наманган*

Аннотация. Ушбу мақолада Россия Федерацияси вакилларининг Фарғона вилояти, хусусан, Фарғона, Андижон, Наманган, Марғилон, Қўқон, Ўш ва Хўжанд шаҳарларидаги ваколатхоналарда ўз фаолиятларини амалга оширганликлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: очлик, Фарғона водийси, Туркистон автономияси, қурғоқчилик, Наманган уезди, озиқ-овқат, эвакуация, ваколатхона.

Аннотация. В данной статье указано, что представители Российской Федерации осуществляют свою деятельность в представительствах Ферганской области, в частности в городах Фергана, Андижан, Наманган, Маргилан, Коканд, Ош и Худжанд.

Ключевые слова: голод, Ферганская долина, Туркестанская автономия, засуха, Наманганский уездный город, еда, эвакуация, представительство.

Abstract. In this article it is specified that representatives of the Russian Federation carry out the activity in representations of the Fergana region, in particular in the cities of Fergana, Andijan, Namangan, Margilan, Kokand, Osh and Khujand.

Key words: famine, Fergana valley, Turkestan autonomy, drought, Namangan uezd, food, evacuation, representation.

Россияда большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши ва шу билан бирга давлат аппаратида малакали кадрларга бўлган ишончсизлик мамлакат тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Бундан ташқари большевикларнинг мамлакатда юритган сиёсати, саноат корхоналари, ҳунармандчилик устахоналарини давлат тасарруфига ўтказилиши, хусусий мулкчиликка барҳам берилиши, тадбиркорлик фаолиятига чек қўйилиши мамлакат иқтисодиётида турғунлик ҳолатларини келтириб чиқарди. Россиядаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий воқеалар тўлалигича Совет Россиясининг “ажралмас бир қисми сифатида қаралган” Туркистонга кўчиб ўтди. Ўлкада большевиклар ҳокимиятни мустаҳкамлашда жуда кўплаб хатоликларга йўл қўйишди. Улар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий характердаги масалаларни мустақил равишда ҳал қилишди. Чунки, сиёсий курашда кўп миллатли Туркистон туб аҳолиси инқилобий тажрибага эга эмас деб ҳисоблашди. Уларнинг мақсади, иложи борича, давлат ҳокимияти органларига туб аҳоли вакиллари иштирокини чеклаш эди. Туркистонда 1917 йил охиридан бошлаб 1918 йил баҳоригача 330 дан ортиқ саноат корхонаси, кўплаб ҳунармандчилик устахоналари, банклар, темир йўл транспорти давлат тасарруфига ўтказилиши оқибатида ишлаб чиқариш деярли тўхтади. Советлар даврига қадар ўлка саноат ялпи маҳсулотларининг 80 фоизидан кўпроқ қисмини шу соҳалар берган эди. Тадбиркорлик билан шуғулланган жамиятлар тарқатиб юборилди. Ўлкадаги мавжуд бозор муносабатлари рад этилди. 1918 йил 21 январдан бошлаб ўлкада ғалла билан эркин савдо қилиш тақиқланди. Хусусий мулк эгалари фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилди. Бу эса ўз навбатида Туркистон ўлкасида иқтисодий инқирозни келтириб чиқарди. Бунинг натижасида ўлкада очарчилик бошланди. Бу кулфатнинг кўлами ва оч аҳолининг даҳшатли аҳолини ҳуқумат аъзоларидан ҳаммаси ҳам тушунавермади [2;7-б].

Очарчилик ҳукм сурган Россия Федерацияси субъектларидан баъзилари Қозон, Самара, Саратов, Симбирск, Уфа каби шаҳарларнинг оч қолган аҳолиси Туркистонга, жумладан, Фарғона водийсига эвакуация қилинди. Ҳолбуки, Фарғона водийсининг ўзида иқтисодий вазият танг аҳволда бўла туриб, Россиядан очлар эвакуацияси бошланиб бу вазиятни янада мураккаблаштирди. Очарчилик муносабати билан Бошқирдистон, Татаристон республикалари, Самара, Симбирск ва бошқа губернияларнинг Туркистонда фаолият олиб бораётган ваколатхоналари, матлубот жамиятлари бу борада фаоллик кўрсатдилар. Россия Федерациясининг Туркистондаги ваколатхоналари, матлубот жамиятлари ўз ҳамюртларини Туркистонга кўчиришга, ўз юртларидаги очларни таъминлаш йўлида турли хайрия тадбирлари ўтказиб, озиқ-овқат маҳсулотларини вилоят, уездлардан жўнатиш ишлари билан ҳам шуғулланганлар. Бундан ташқари Волгабўйи ва Уралолди ҳудудларидан бир қатор кадрлар ўлкага, сафарбар қилинган. Бунда ҳам ваколатхоналар фаоллик қилганлар. Бундан мақсад очарчиликдан қутулиш йўлини излаш эди. 1921-1923 йиллардаги

“сафарбарликларнинг” деярли кўп қисми очарчилик азобидан халос бўлиш ва ўлкадан паноҳ топишга қаратилган эди. Масалан, И.Х.Кадралиев Симбирск губерниясидан сафарбар қилинган бўлиб, 1921 йил июлдан 1922 йил мартгача Қўқонда, 1923 май ойида Марғилонда масъул лавозимда ишлаган. Татаристон Республикаси Бугульма кантонидан Сафар Галиев ўзининг 12 кишидан иборат оиласини 1921 йил 1 июлида Андижонга жойлаб, ўзи Қозонга қайтиб боришга рухсат олган [1; 65-6].

Россия Федерацияси ваколатхоналари Тошкентда жойлашган бўлсада, улар ўз фаолият доираларини Фарғона, Андижон, Наманган, Марғилон, Қўқон, Ўш, Хўжанд шаҳарларида ҳам олиб боришган. Ушбу ваколатхона вакиллари ўз навбатида Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси (ТуркМИК) қошидаги Очларга ёрдам кўрсатиш Марказий Комиссияси (ОЁ МК) билан ҳамкорлик ишларини амалга оширган. Шу ўринда ТуркМИК қошидаги ОЁ МКнинг Фарғона вилоятидаги ОЁ комиссияси фаолияти эътиборга лойиқ. Ушбу комиссия 1921 йил 26 июлда ўз фаолиятини Криворучкин раҳбарлигида бошлаган эди. Фарғона вилоят ОЁ комиссияси ҳайит муносабати билан 1921 йил 14 августда масжидларда, аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда Татаристон, Бошқирдистон ва бошқа ҳудудларда очарчилик муносабати билан аёллар, болалар, кексалар оммавий ҳалок бўлаётгани тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бордилар. 18 августда Фарғонадаги Александр боғида озик-овқат хайрияси учун уч кунлик сайл ўтказилган.

1921 йил августда Туркистон ўлкасида Бошқирдистоннинг ваколатхонаси очилди. 1921 йил сентябр ойининг охирида Бошқирдистон мухтор Республикасининг ваколатли вакиллари Тошкентга келади. Ваколатли вакиллар мандати Туркистон раҳбарияти томонидан норозилик билан кутиб олинди. Чунки уларсиз ҳам Туркистонда Россия Федерацияси марказий губерниялари ва республикаларидан ташриф буюрган ваколатли вакиллар етарли эди. Туркистон раҳбарияти Бошқирдистон МИКнинг Туркистондаги ваколатхонасини расман бириктирилишига қарши бўлишига қарамасдан, ваколатхона ходимларини фаолиятига тўсқинлик қилишмаган. Чунки, тили ва дини муштарак, урф-одатлари яқин туркий халқларга хос қардошлик ҳисси юқори бўлган. Шу билан бирга ўлкада татар, бошқирларга нисбатан зарур кадр сифатида муносабатда бўлишган. Бундан сабаб, инқилобдан олдинги даврда крим-татар фарзанди Исмоил Гаспралини Туркистонга келиши, жаҳид мактабларини очиши ва шу билан биргаликда кейинги даврда ўлкада етук мутахассисларни етишиб чиққанлигини изоҳлаш мумкин.

Бундан ташқари, Бошқирдистон республикаси раҳбарияти Туркистон раҳбариятига ёрдам бериш ҳақида мурожаат билан чиқишган. Жумладан, 1921 йил декабрида Бошқирдистон раҳбарияти Туркистон раҳбариятига мурожаат билан чиқишган. Бошқирдистон МИК раиси М.Л.Муртазин Туркистон раҳбариятига куйидаги мазмунда мурожаат юборган эди: “Волгабўйи, Ўрта ва Жанубий Урал ҳудудларида рўй берган курғоқчилик натижасида очарчилик юз берди, бу эса Бошқирдистон аҳолисини ўлимга маҳкум этмоқда. Саноатни ишдан чиқиши кулфатни чуқурлаштирмоқда. Очарчилик балосининг ҳамроҳи бўлган юқумли касалликлар, айниқса вабо Бошқирдистон аҳолисини ўз домига тортмоқда... Бу ҳолат Бошқирдистонда даволаш муассасалари ҳамда тиббий ходимларни етишмаслиги билан аҳволни мушкуллаштирмоқда. Бошқирдистон ва Россиянинг бошқа губернияларида яқин келажакда иқтисодий аҳвол тубдан ўзгармаслигини инобатга олган ҳолда сизлардан қардошларча ёрдам сўраймиз. Чунки, Туркистонни бизга нисбатан озик-овқат заҳираси ва иқтисодий аҳоли яхши ҳолатда. Бизни илтимосимизни кечиктирмай бажаришга киришасиз деб ўйлаймиз. Ҳимояга муҳтож Бошқирдистон халқи Туркистондан ёрдам кутади.” Шу сабабдан Фарғона вилояти Очларга ёрдам кўрсатиш (ОЁ) комиссияси 1921 йил октябр ойида Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келатган очларга ғамхўрлик тадбирларини амалга ошириш тўғрисида махсус курултой ўтказди [1;95-6]. Наманган уезд-шаҳар ОЁ комиссияси ўзининг фаолиятини 1921 йил август ойининг бошларида бошлаган. 1921 йил 18 октябрга қадар очларга ёрдам уюштириш тадбирлари натижасида Наманган шаҳар аҳолисидан 10 миллион рубль, 140 пуд буғдой ва ун, 9 пуд асал, 19 пуд туз, 114 бўлак совун, 11та чопон ва бошқа нарсалар очларга ёрдам тариқасида йиғиб олинган.[3; 56-в] Андижон уезд-шаҳар комиссияси маълумотига кўра, 1921 йил сентябрдан ноябргача 8 миллион 526 минг 233 рубль хайрия тариқасида йиғилган. Марғилон уезд-шаҳар ОЁ комиссияси 1922 йил бошларига қадар 31 145 678 рубль хайрия қилинган. Хўжанд уезди ОЁ комиссияси 20 миллион рубль ва 1200 пуд озик-овқат маҳсулоти етказиб берган. Юқорида баён этилган жараёнлар Бошқирдистон, Татаристон, Самара, Оренбург, Симбирск ваколатхоналари матлубот жамиятлари бевосита иштирокида амалга оширилган. Ваколатхоналар саъй ҳаракати билан эвакуация қилинган очларга шароитлар яратилган. Масалан, Қўқонда очлар учун пойафзал, Наманганда “Болалар уйлари”, Фарғонада “Овқатлантириш пунктлари” ва интернатлар ташкил қилинган.

Бундан ташқари Россия Федерацияси Туркистон Комфирқасини назорат қилиш учун бир қатор ишларни амалга оширган. 1921 йил 29 июнда Россия коммунистик партияси бюроси(РКП(б))нинг “Туркистонда ҳокимиятни ташкил этиш тўғрисида” деган қарорда Туркистонда Бутун Россия Марказий Ижроия Қўмитаси РСФСР Халқ Комиссарлари Шўроси ва РКП(б) МКнинг доимий ваколатхонаси (амалда назоратчиси) бўлиш зарурлиги кўрсатилган [4;132-б].

Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, ўлкага Марказдан келган барча ташкилот ҳамда ваколатхоналар ўз манфаатлари йўлида иш олиб боришган. Айнан 1917-1924 йиллар оралиғида Туркистон ўлкаси хусусан, Фарғона водийсига Россия Федерация субъектлари ваколатхоналарининг кириб келиши аввало ўлканинг амалий ёрдамига таяниш билан боғлиқ бўлган, чунки юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, большевикларнинг жойларда “Ҳарбий коммунизм” сиёсатини қўллаши мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини ўтказган эди. Юқорида келтириб ўтилган фактларнинг барчаси Туркистон ва Фарғона водийсида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш муаммоларига мисол бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон халқларининг, хусусан, Фарғона ўлкаси аҳолисининг оғир бир шароитда марказнинг озиқ-овқат билан боғлиқ адолатсизлигига чидаши билан бирга, бошқа халқларга кўрсатган беғараз амалий ёрдамнинг ўзи бир жасорат ҳисобланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. Т, “Университет” 2005. Б-65, Б-95.
2. Семенюта В. Очарчилик. Фан ва турмуш журнали. 1991 йил 2-сон. Б-7
3. Ўзбекистон МДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 927-иш, 56-варақ,
4. Шамсутдинов Р, Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. (Учинчи китоб) Андижон “Андижон аукцион матбаа” очик акциядорлик жамияти. 2004 йил , Б-121.

ЎУК 930.26(575.1)

Қўрғонтепа ёдгорлиги тўғрисида янги маълумотлар

С.С. Суюнов, т.ф.н., к.и.х., ЎзР ФА Археология институти, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақола археологик тадқиқотлар натижаларига кўра олинган стратиграфик маълумотлар асосида Қўрғонтепа археологик ёдгорлигининг даврлаштирилиши ва санасига бағишланган. Тадқиқотлар Қўрғонтепа ёдгорлигида илк, ривожланган ва сўнгги ўрта асрларга оид 6 та қурилиш босқичлари мавжудлигини тасдиқлайди.

Калит сўзлар: Қўрғонтепа, Янгиқўрғон, Беклитепа, Хўжаилгор, Жовлитепа, Кўмакайтепа, лентасимон девор, қамиш, охак бўлағи, Кеш, КАТЭ, сопол буюмлар.

Аннотация. Данная статья посвящается хронологии и датировке археологического памятника Кургантепа. После проведенных археологических исследований и полученных стратиграфических данных, можно сделать вывод о том, что Кургантепа – это остатки крепости имеющих шесть строительных периодов, эпохи раннего, развитого и позднего средневековья.

Ключевые слова: Кургантепе, Янгикурган, Беклитепе, Хужаилгор, Жовлитепе, Кумакайтепе, ленточная стена, камыш, фрагмент извести, Кеш, КАТЭ, керамические изделия.

Abstract. This article is devoted to the chronology and dating of the archaeological monument Kurgantepe. After the conducted archaeological research and the obtained stratigraphic data, it can be concluded that Kurgantepe is remains of fortress having six construction periods - the epoch of the early, developed and late Middle Ages.

Key words: Kurgantepe, Yangikurgan, Beklitepe, Khujailgor, Zhovlitepe, Kumakaitepe, tape wall, reed, lime fragment, Kesh, KATE, ceramic products.

Қўрғонтепа ёдгорлиги Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги Янгиқўрғон қишлоғининг шимолий қисмида, Янгиқўрғон сув омборининг жанубий чеккасида жойлашган (1- расм).

Ёдгорлик тўртбурчак кўринишга эга бўлиб, унинг барча томонлари сув омборининг таъсирида деярли бузилган. Шу сабабли, тепаликнинг дастлабки кўриниши бизга номаълум. Майдони 100х90 метрга, баландлиги 9 метрга тенг (2 -расм).

Ёдгорликнинг деярли барча ён томонлари тик бўлиб, шарқий қисми бир оз баланд, устки сатҳи ўтган асрнинг 80- йилларида экин экиш учун текисланган (3- расм).

Яккабоғ тумани худудида кенг қамровли археологик тадқиқотлар, сақланиб қолган ёдгорликлар мажмуасини қилиш ишлари 1955-1988 йиллар давомида Тошкент Давлат университети (ҳозирги

Ўзбекистон Миллий университети) Ўрта Осиё археологияси кафедраси, Кеш археологик – топографик экспедицияси (КАТЭ) ходимлари томонидан амалга оширилган. Улар туман ҳудудида жойлашган ёдгорликларни рўйхатга олиш билан бирга Қўрғонтепа ёдгорлиги тўғрисида ҳам маълумотлар тўплашган. Топилмалар асосида ёдгорлик VIII-XII, XVI-XVIII асрлар билан даврлаган (Кабанов, 1955, с. 96-97).

Воҳада дастлабки амалий изланишлар археолог С.К. Кабанов томонидан олиб борилган. Воҳадаги бир неча ёдгорликлар билан бирга Чимқўрғон сув омбори атрофида жойлашган кўплаб ёдгорликлар билан бирга Қўрғонтепа ёдгорлиги тўғрисида ҳам маълумотлар қайд қилинган (Кабанов, 1977. с. 99-108).

1970-1971 йилларда археологик тадқиқотлар қадимшунос З.И. Усмонова томонидан давом эттирилиб, Чимқўрғон сув омбори ҳудудида милoddан аввалги I минг йилликнинг бошлари ва ўрталарига оид қадимги манзилгоҳ қолдиқлари ва сопол идишлар борлиги аниқланган. 1976-1977 йилларда қадимшунослар З.И. Усмонова ва А.С. Сағдуллаевлар томонидан воҳанинг Гулдарё эски ўзанида жойлашган 14 та ёдгорлик қайд қилинган. Бу ёдгорликлар умумий майдони 5 гектарга яқин бўлган мустақкам қалъа кўринишидаги Пармонқултепа ёдгорлиги атрофида жамланганлиги қайд қилинган (Усмонова, Сағдуллаев, 1981. с. 13-14).

1978 йилда археолог Г.Я. Дресвянская томонидан Ҳисор тоғ тизмасидан бошланадиган Тирнасой сув манбаи атрофида жойлашган бир неча ёдгорликлар қайд қилинган. Тошбақатепа, Чечактепа, Узунтепа, Аҳмадтепа ёдгорликлари шулар жумласидандир (Дресвянская, 1980. с. 23-24).




1-расм. Қўрғонтепа ёдгорлигининг аэрофотосурати

1985-1986 йилларда эса ЎзР ФА Археология институти илмий ходимлари А.А. Раимқулов ва М.Х. Исомиддиновлар томонидан Ҳисор тоғлари этакларида, Тирнасой дарёси кичик водийсида жойлашган Тўртқўлттепа ёдгорлигида археологик қазув-тадқиқот ишлари олиб борилган. Натижада Тўртқўлттепа ёдгорлигининг куйи қатламларидан сўнгги бронза - илк темир даврига оид геометрик нақшлар билан безатилган сопол идиш парчалари топилган. Ёдгорликнинг юқори қатламларида эса илк ўрта асрларга оид қишлоқнинг ярми очиб ўрганилган (Раимқулов, Исомиддинов, 1990. с. 34-36).

Ҳозирги Янгиобод қишлоғи ҳудудида жойлашган Чечактепа ёдгорлигида Г.Я. Дресвянская раҳбарлигида олиб борилган археологик қазишма ишлари натижасида эса VII-VIII асрларда фаолият

кўрсатган қаср харобалари деярли тўлалигича очиб ўрганилган. Қаср харобаларида кенг яшаш хонаси – меҳмонхона, унга туташ бўлган, ниҳоятда ўзига хос тарихга эга бўлган саждагоҳ ва яна бир нечта хўжалик хоналари очиб ўрганилган. Шу билан бирга ушбу ёдгорликда Кеш воҳаси худудида биринчи марта маҳобатли деворий суратларнинг қолдиқлари топилган (Дресвянская, 1985. с. 26-26).



2-расм. Кўргонтёпа ёдгорлигининг топоплани

С.Б. Лунина бошлиқ археология гуруҳи томонидан Тезоб қишлоғи яқинидаги ўрта асрлар қишлоғи харобалари бўлган Киндиклитепада бир неча йил давомида археологик тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу тадқиқотлар натижасида илк ўрта асрларда шаҳар типидagi қишлоқларнинг ички тузилиши, топографияси ва ижтимоий иқтисодий ҳаёти ҳақида муҳим маълумотлар қўлга киритилган (Лунина, 1986. с. 29-30).

Узоқ йиллик танаффусдан сўнг 2011 йилда ЎзР ФА археология институтининг Кеш археологик экспедицияси томонидан Яққабоб туманининг археологик ёдгорликлар каталогини яратиш мақсадида изланишлар олиб борилган. Ёдгорликдан олинган қуллоқлик ашёвий топилмалар V-VIII, X-XII, XVI-XVIII асрларга оид эканлиги аниқланган (Раимқулов, Суёнов, Саидов, Ражабов, 2011 с. 117).

Шундан сўнг 2014 йилда ЎзР ФА археология институти илмий ходимлари томонидан Кўргонтёпа ёдгорлигида қазув-тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқотлардан кўзланган асосий мақсад, ёдгорликнинг даврий санаси ва унинг ривожланиш босқичлари тарихини ўрганишдан иборат эди. Ушбу муаммоларни ёритиш мақсадида дастлаб ёдгорликнинг шимолий қисми (1-Объект) да стратиграфик қазув-тадқиқот ишлари амалга оширилди.

1-Объект ёдгорликнинг шимолий чекка қисмида жойлашган бўлиб, қазуш ишлари стратиграфик кўринишда амалга оширилди. Стратиграфик қазушма олиб бориш белгиланган жой (4-расм).

Қазув тадқиқотлари дастлаб 5x1 метр ўлчамда бошланди, кейинчалик эса 5x3,5 метргача кенгайтирилди. Қазув ишлари жараёнида 37 та маданий қатлам аниқланиб, уларнинг қалинлиги 9 метрга етгани кузатилди (5-расм).

Ер ости сувларининг яқин бўлганлиги сабаб 1-Объектда қазушма ишларини давом эттириш имкони бўлмади. Очиб ўрганилган маданий қатламларнинг тавсифини пастдан юқорига қараб беришни маъқул деб топдик.

37 қатлам. Қатлам ўртгача зичликда тўқ жигаранг кўринишда бўлиб, таркибида кам миқдорда оҳак бўлақлари, олов ва қул қолдиқлари кузатилди. Қатламдан кам миқдорда рангсиз сопол бўлақлари йиғиб олинди.

36 қатлам. Қатлам ўртгача зичликда оч қулранг кўринишда бўлиб, таркибида олов, оҳак, қул ҳамда темир қолдиқлари қайд этилди.

35 қатлам. Тўқ қулранг кўринишда бўлиб, таркибий жиҳатдан 36- қатламга яқин. Фақат қатламдан рангсиз сопол ва хом ғишт бўлақлари олинди.

34 қатлам. Қатлам оч жигарранг кўринишда, ўртача зичликда бўлиб, таркибида рангсиз сопол, хом ғишт, пахса бўлақлари, қамиш ва темир қолдиқлари кузатилди.

33 қатлам. Қатлам ўртача зичликда, оч кулранг кўринишда бўлиб, таркибида кам миқдорда оҳак, олов кул қолдиқлари ва кам миқдорда рангсиз сопол бўлақлари қайд этилди.

32 қатлам. Қатлам ўртача зичликда, кулранг кўринишда бўлиб, таркибида оҳак бўлақлари, олов ва кул қолдиқлари кузатилди. Қатламдан кам миқдорда рангсиз сопол, хом ғишт бўлақлари йиғиб олинди.

31 қатлам. Қатлам ўртача зичликда, кўнғир кўринишда бўлиб, таркибида темир бўлақлари, оҳак, қамиш қолдиқлари, рангсиз сопол бўлақлари ва кўп миқдорда кул қолдиқлари (31А) мавжудлиги аниқланди.

Қатламнинг остида (**1 қурилиш даври**) қолдиқлари, устида эса (**2 қурилиш даври**) га оид пол жойлашган. Полларнинг қалинлиги 2-3 см бўлиб, сомонли лой билан қилинган.

30 қатлам. Қатлам ўртача зичликда, оч кулранг кўринишда бўлиб, таркибида темир, оҳак, қамиш, кул қолдиқлари ва рангсиз сопол бўлақлари борлиги аниқланди.

29 қатлам Ушбу қатлам (50x51x9), (40x41x10см) қалинликдаги қизғиш кўринишдаги хом ғиштлар ва лентасимон пахсадан иборат. 29 қатлам қирқимнинг ғарбий томонида жойлашган (6 - расм).

28 қатлам 29 ва 30 қатламлар устида жойлашган бўлиб, таркибида кул ва қизғиш кўринишдаги хом ғишт бўлақлари борлиги аниқланди. Қатлам кулранг кўринишда ўртача зичликда бўлиб, унинг устидан қалин сомонли лой пол қилинган (**3 қурилиш даври**). Ундан ташқари қизғиш кўринишдаги хом ғиштлардан (36x37x6см) терилган девор қолдиқлари (**27, 27 А**) кузатилди.

26, 27, 27А қатламлар тепасида яхши сақланган, қалинлиги 5-6 см сомонли лой билан қилинган пол борлиги аниқланди (**4 қурилиш даври**). Полда иккита ер ўчоқ қайд этилди. Уларнинг диаметри икки хил бўлиб, бири 60 см га, иккинчиси 70 см га тенг, ўчоқнинг чуқурлиги 30 см га тенг. Ўчоқлар ичида кул аралаш тупроқ борлиги қайд қилинди (7- расм).

27, 27А қатламлар (50x51x9см), (40x41x10см) қалинликдаги қизғиш кўринишдаги хом ғиштлар, лентасимон пахса девор қолдиқларидан иборат.

26 қатлам деворлар ўртасидаги қатлам бўлиб, қизғиш рангда, ўртача зичликда жойлашган. Орасида сопол бўлақлари, кул ва оҳак қолдиқлари аниқланди.



3- расм. Кўрғонтепа ёдгорлигининг жануб томондан кўриниши



4 - расм. Объект I, стратиграфик қирқимнинг жойлашган ўрни

25 қатлам қизғиш кўринишдаги ўртача зичликдаги қатлам бўлиб, оралиғида кулранг ва қизғиш кўринишдаги хом ғишт бўлақлари (40x41x7 см), ҳайвон суяқлари қайд этилди.

24 қатлам оч кулранг кўринишда, ўртача зичликда бўлиб, таркибида ҳайвон суяқлари, хом ғишт бўлақлари ва сопол қолдиқлари қайд қилинди. Қатламнинг юқори қисмида 5-10 см қалинликда кул қолдиқлари топилган.

23, 23 А қатламлар тўқ кулранг кўринишдаги қатлам бўлиб, у кул аралаш тупроқдан иборат. Таркибида шунингдек оҳак қолдиқлари, хом ғишт бўлақлари борлиги аниқланди.

22 қатлам ўртача зичликда бўлиб, таркибида куйган ёғоч қолдиқлари, оҳак бўлақлари, ҳайвон суяқлари учрайди.


21 қатлам қизғиш кўринишда бўлиб, унда оҳак бўлақлари, ҳайвон суяқлари учрайди.

20, 20 А қатламлар оч кулранг кўринишда ўртача зичликда бўлиб, уларда оҳак бўлаклари, ҳайвон суяклари учрайди.

19-8 қатламлар бу қатламлар 30-70 см қалинликда бўлиб, таркибий жиҳатдан бир-бирига яқин, яъни қатламлар таркибида оҳак бўлаклари, ҳайвон суяклари, кул қолдиқлари, хом ғишт, пахса, сопол бўлаклари борлиги аниқланди. Қатламлар ранги билан бир-биридан фарқ қилади. Шу билан бирга 19 қатламдан бошлаб рангли сопол бўлаклари учрайди.

Қирқимнинг шарқий томонида тепадан кесиб тушилган бир неча ўралар қайд этилиб, (**10, 10А, 8, 8А, 8Б,**) уларнинг ичида асосан кул ва оҳак бўлаклари бор.

7 -қатлам кулранг кўринишда ўртача зичликда бўлиб, қатлам орасида оҳак бўлаклари, ҳайвон суяклари, кул қолдиқлари, хом ғишт ва сопол бўлаклари кузатилди.



5 – расм. Қўргонтепа. Стратиграфик қирқим кўриниши

6, 5 қатламлар оч кулранг кўринишдаги қаттиқ қатлам бўлиб, пахса ва хом ғишт бўлақларидан иборат. Ушбу қатламларда девор қолдиғи сақланган бўлиб, унинг ғарбий томонида **2** ва **3** қатламлар оралиғида яхши сақланган пол (**5 қурилиш даврига оид**) борлиги аниқланди.

4А, 4, 3 қатламлар кул аралаш тупроқдан иборат ўралардир.

2-қатлам 15 см қалинликда бўлиб, унинг юза қисмида ёмон сақланган пол борлиги қайд қилинди. У 6 қурилиш даврига оиддир (8-расм).



6 –расм. Лентасимон девор қолдиқлари



7 –расм. Хонанинг пол сатҳидан пастда жойлашган ер ўчоқлар

1- қатлам оч кулранг кўринишда бўлиб, таркибида турли даврларга оид рангли ва рангсиз сопол бўлақлари, хом ва пишиқ ғишт қолдиқлари кузатилди.

Кўрғонтепа ёдгорлигида олиб борилган стратиграфик қазишма ишлари давомида сўнгги маданий қатламларига тушиш имкони бўлмади. Чунки бундай бўлишига сабаб сув ер юзасига яқин бўлганлигидир. Шунга қарамасдан ёдгорликнинг даврий ривожланиш босқичлари тўғрисида маълумот олишга эришилди.

Олиб борилган қазув-тадқиқотлар натижасига кўра ёдгорликнинг юқори қисмидаги маданий қатламларнинг сақланиши яхши эмас. Пастки маданий қатламларда эса баландлиги 1,5-2,0 м гача бўлган пахса девор қолдиқлари борлиги аниқланди. Ёдгорлик бир неча қурилиш горизонтларидан иборат бўлиб, қазув ишлари давомида қуйидаги маданий қатламларни аниқлашга муваффақ бўлинди.



8 –расм. Стратиграфик қазишманинг сўнгги қурилиш даври поли

Юқорида олиб борилган тадқиқотлар асосида Кўрғонтепанинг даврий ривожланиш босқичлари тарихи тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Биринчи -қалинлиги 30см атрофида бўлган чим қатлам борлиги аниқланди.

Иккинчи -хонанинг пастки қисмида унча текис бўлмаган пол борлиги аниқланди. Ушбу қатлам оралиғидаги сопол буюмлар 6- қурилиш даврига оид бўлиб, тахминан XVII-XVIII асрлар билан даврланади.

Учинчи -3, 4, 5, 6 қатламлар ораси жуда қаттиқ бўлиб, пастида пол борлиги кузатилди. Бундан ташқари полга кўмилган бутун кўза топилди. У 5-қурилиш даврига оид бўлиб, тахминан XIV-XVI асрлар билан даврланади.

Тўртинчи 8 – 25 қатламлар оралиғи, таркибий жиҳатидан бир-бирига яқин бўлиб, уларнинг ўртасида маданий қатлам борлиги кузатилган эмас. Шу сабабли ҳам қурилиш даври ва даврий санаси тўғрисида бирор нарса дейиш қийин.

Бешинчи 26- қатлам оралиғида девор қолдиқлари сақланган бўлиб, 27,27а кўринишда белгилаб олинди. Унда лентасимон девор ва хом ғишлар 4-6 қатор терилган ҳолда сақланган. Бу қатламлар пастида 5-6 см қалинликдаги сомонли лой билан сувалган қизғиш рангдаги пол борлиги аниқланди. Полнинг юзасида иккита ер ўчоқ қайд қилинди. Демак ундаги рангсиз ва сирли сополлар 4-қурилиш даврига оид бўлиб, тахминан IX-XII асрларга оид эканлиги аниқланди.

Олтинчи -29,30 қатламлар устида 28-қатлам жойлашган бўлиб, унда 3-қурилиш даврига оид топилмалар ва пол, 31а қатлам устида эса 2- қурилиш даврига оид топилмалар ва пол, уларнинг остида эса 1-қурилиш даврига оид топилмалар ва пол борлиги аниқланди. Қайд қилинган поллар ва топилмаларнинг қурилиш давлари бир-бирига яқиндир. Бу учала қурилиш даврига оид топилмалар асосан рангсиз сополлар бўлиб, улар тахминан V-VIII асрлар билан даврланади.

Демак Кўрғонтепа ёдгорлигида олиб борилган стратиграфик кўринишдаги қазув-тадқиқотлари натижаси воҳанинг ривожланиш босқичлари тарихи тўғрисида янада аниқроқ тасаввурга эга бўлиш иконини беради. Чунки воҳада бундан ташқари бир неча ёдгорликларда тадқиқотлар давомида ушбу давр босқичлари кузатилди. Улар, Кўмакайтепа (I-II, V-VI, IX-XII, XIV-XVII асрлар), Беклитепа (IV-VI, IX-XII, XIV-XVII асрлар), Овозбергантипа (IV-VI X-XII XVI-XVIII асрлар), Хўжайлғор (IV-VI, IX-XII, XIV-XVI асрлар), Оқтошотатепа (IV-VI X-XII XIV-XV асрлар), Жовлитепа (I-II, V-VII, IX-XII, XV-XII асрлар) ёдгорликларидир.

Хулоса қилиб айтганда Кўрғонтепа ёдгорлигидан олинган маълумотлар, ундаги ривожланиш жараёнларини воҳа худудида жойлашган бошқа ёдгорликларда ҳам кузатиш мумкинлиги аниқланди. Бу эса воҳада антик, ўрта ва сўнгги ўрта асрларда ривожланиш жараёнлари бир вақтда бўлганлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дресвянская Г.Я. Средневековые памятники в западной части Яккабагского района // История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековье. Ташкент, 1980.
2. Кабанов С. К. Археологические разведки в верхней части долины Кашкадарьи. Тр. Института истории и археологии, вып- 7, 1955.
3. Кабанов С. К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв). Ташкент, 1977.
4. Лунина С. Б. Сарыктепе – древний город долины Кашкадарьи // Архитектура и строительство Узбекистана. Ташкент, 1986. №12.
5. Раимкулов А. А., Суёнов С. С., Саидов М. М., Ражабов А. Ю. Ўзбекистон археологик ёдгорликлар каталоги // 5-том Қашқадарё вилояти 1-қисм, Самарқанд, 2012.
6. Усманова З. И. Сагдуллаев А. С. К изучению памятников Яккабагского района // Сборник научных трудов ТГУ №582, Ташкент, 1981.
7. Раимкулов А., Исомиддинов М. Турткультепа –новый памятник финальной бронзы в южном Согде сб. «Археологические работы на новостройках Узбекистана». Т., 1990.

УЎТ: 323+573.4

УСТРУШОНА ҲУДУДИДА ЎРГАНИЛГАН ОСТАДОН (ХУМЛИ) ҚАБРЛАР

Ф.Э. Тошбоев, Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Жиззах давлат педагогика институти, Жиззах

О.У. Мамиров, кичик илмий ходим, ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада Уструшона ўлкаси ахалисининг илк ўрта асрлардаги дафн этиши удумларидан бири хумли қабрларнинг хусусиятлари ўрганилган. Ушбу хумли қабрлар шимолий-ғарбий Уструшона худудидан (хозирги Жиззах ва Сирдарё вилоятлари) топиб ўрганилган. Зардуштийлик удумларига ўхшаши бўлган ушбу дафн удумлари Уструшона ахалисининг эътиқоди ва маънавий маданияти юзасидан баъзи хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Калим сўзлар: Уструшона, зардуштийлик, хумли қабрлар, дафн удумлари, остадон, Авесто, хилхона.

Аннотация. В статье изучена характеры одного типа погребального обряда, хумного захоронения в периоде раннего средневекового населения Уструшаны. Эти хумные оссуарии найдены и изучены на территориях северо-западного Уструшаны (современное Джизакской и Сирдарьинской области). Особенности этих захоронений считается похожими на зороастрийские погребальные обряды. Это дает возможность понимать духовную и религиозную культуру населения Уструшаны в том периоде.

Ключевые слова: Уструшана, зороастризм, хумное захоронение, погребальные обряды, оссуарий, Авеста, склеп.

Abstract. The article examines the characters of a type of burial rite, to belonging early medieval population of Ustrushana. These humor ossuaries were found and studied in the territories of northwestern Ustrushana (modern Jizzakh and Sirdarya region). The features of these burials are considered similar to the Zoroastrian burial rites. They help to understand the spiritual and religious culture of the population of Ustrushana of that period.

Key words: Ustrushana, Zoroastrian, got rid of grave's, ossuary, Avesta, caged.

Уструшонада шу пайтгача вафот этганларни дафн этишнинг тупрок (қабрга)қа қўйиш билан биргаликда остадонларда дафн этиш ва ер усти қабр иншоотлари ўрганилган. Ўрта Осиёнинг бошқа худудларидан фарқли тарзда Уструшонада зардуштийлик билан боғлиқ дафн удумларида мархум суякларини махсус суякдон-остадонлар ўрнида фойдаланилган хумларга дафн этиш кенг тарқалган.

Жиззах тумани Ёйилма –Уяс қишлоғи марказида № 59 таянч мактаби шарқида ер горизонтдан 1-2 метр баландликда, майдони 60 х 30 м ўлчамдаги тепалик мавжуд. Шу тепаликнинг шарқий ёнбағридан фуқаро Мусаев Комил ҳовлисининг ғарбий (тепаликка туташ) чеккасида, ичида одам суяклари бор хум топилган. Уларнинг таъкидлашича, бу тепаликдан шу пайтгача ҳам ичида одам суяги бор қўплаб хум (остадон)лар топилган. Бирок, улардан биронтаси ўрганилмаган ва йўқотиб юборилган[1]. Ушбу тепалик эса жойлашувига кўра қачонлардир зардуштийларнинг ибодатхонаси ўрни бўлган ёки махсус кўтарилган наус – хумли қабрлар қўйиладиган қабристон бўлган. Бу фикрни шу тепалик ва унинг ёнбағридан топилган ўнлаб хумли қабрлар тасдиқлайди.

Хабари берилган идиш аслида остадон эмас, балки асосий хусусияти ва ўтаган вазифаси билан остадон билан бир хил вазифани ўтаган хум (хумли қабр) эди. Ушбу хум бутун ҳолатда бўлиб, лойига майда қум ва дресва қўшиб, қалин деворли қилиб ясалган ва яхши пиширилган. Идишнинг бўйи 63 см., оғиз гардиши сиртга қайрилган. Хумнинг бўғзидан икки чизиқли бўртма ва унинг пастидан икки қатор тўлқинсимон чизиқ тортилган. Идиш ички томонида айлана шаклидаги 2 х 2 см. ўлчамли муҳр мавжуд. Муҳр уч қаторли айлана чуқурчадан иборат.

Хумнинг оғзи қалин деворли хум бўлаги билан ёпилган. Қопқоқ тагида коса бўлаклари ва иккита бош чанок (бири катта ёшли кишига, иккинчиси ёш болага тегишли) мавжуд. Идишга одам суяклари анатомик тартиб билан тахланган, яъни, юқорида бош суяклар, бошқа аъзолар ва идиш тубида оёқ суяклар. Катта ёшдаги киши ва боланинг суяклари ёнма-ён тахланган. Тупроққа аралашган ҳолдаги суяк қолдиқлари кўзгалмаган ва яхши сақланган. Ушбу хум топилган жой атрофида қўплаб сопол бўлақлар – хум парчалари ҳам қайд қилинди.

Жиззах шаҳар, Дўстлик маҳалласи Х.Мансуров кўчасида яшовчи Саидахмедов Дониёрнинг ҳовлисидан топилган, ичида одам суяклари бор хум идиш ўрганилди. Ҳовли Қалиятепа шаҳар ёдгорлигининг работларига туташ маҳаллаларда Қалиятепадан тахминан 200 м. ғарбда жойлашган. Топилма ҳовлининг марказий қисмида 1 м. чуқурликдаги лой хандакдан чиққан. Идиш атрофи томон кенгайтирилиб қазиб олинди. Хум қалин деворли қилиб, майда қум ва дресва қўшиб ясалган. Оловда яхши пиширилган. Унинг сиртига қизил оҳра билан ишлов берилган. Шу пайтгача у жойидан кўзғатилган ва майдаланган, ичидаги одам суяклари эса майдаланиб тупроққа аралашган. Шундай бўлсада унинг бир томонлама девори тикланиб ўлчамлари тахминан олинди. Идиш бўйи 56 см., гардиши сиртга қайрилган. Таги текис айлана кўринишда. Хум ичидаги суяклар (сон, қовурға ва биллак суяги қолдиқлари) унинг ичига катта ёшли киши суяклари дафн этилганлигидан дарак беради. Жасаднинг бош суяги сақланмаган[2]. Ушбу ҳовлидаги иккинчи идиш юқоридаги хумнинг шимолий томонида бўлган. Кўзғалиш натижасида унинг бўлаклари биринчи идишга аралашиб қолган. Унинг шаклини тиклаш имкони бўлмади. Хум остадонлар XX асрнинг 60-80 йилларидаги қурилишлар оқибатида кўзғатилган. Ушбу идишлар топилган жой атрофидан яна қўплаб шунга ўхшаш сопол

бўлаклари қайд қилинди. Демак, бу тепалик ҳам қадимда зардуштий жамоаларнинг махсус қабристонидан бўлган.

Бу каби хумли қабрлар воҳада шу пайтгача ҳам кўплаб ўрганилган. Шунга ўхшаш хум остодонлар археолог М.Х. Пардаев томонидан Жиззах шаҳридаги Сўлокли, Қалия маҳаллалари, Жиззах ва Ғаллаорол тумани ҳудудларида ҳам ўрганилган бўлиб, уларнинг баъзилари Жиззах ўлкашунослик музейида сақланмоқда. А.А.Грицина томонидан Зоминсув, Пишағарсой бўйлари, Зомин санаторийси яқинида, Бирлашган ва Қўштепа қишлоқларидан хумли қабрлар топиб ўрганилган [3]. Қизилсой қишлоғидан ҳам хум –остодон топилган бўлиб, у VI-VII асрларга тегишли. Хумнинг ичидан жуда майдаланиб кетган одам суяклари ва бронзадан ясалган бир нечта буюм ва бир дона танга топилган [4]. Бундай хумли қабрлар Ўратепа яқинидаги Шахристон (Қарапчи қишлоғи)да ҳам ўрганилган [5].

1991 йил Жиззах шаҳрининг шарқий қисмида жойланган Комил-боботепа қалъаси марказий иморатини очиш пайтида 3 та хум-остодон қайд этилди. Бир қатор қилиб терилган бу хумлар махсус ясалган сунъий равишда шиббаланган текис ер сатҳи устида жойлашган. Ўртада жойлашган катта хумнинг оғзи ўртаси чуқур айлана қопқоқ билан беркитилган. Қопқоқ бир қарашда тўнқариб қўйилган чуқур товоқни эслатади. Ўртанча хумнинг оғзи очиқ, сўнгги хум эса юпка, дисксимон тош билан беркитилган. Хумларнинг бўйи ўз ўлчамларига мувофиқ 72-50-46 см, гардиш айланаси диаметри 30-21-20 см га тенг [6].

Уструшонадан топилган хумли қабрларда турлича дафн одатлари қайд қилинган. Жумладан, Нуртепа шаҳарчаси атрофидан бир нечта ичида одам суяклари бор хумлар қайд қилинган. Уларда ўзига хос дафн маросимлар кузатилиб, жасад суяклари хумга солишдан олдин ёқилган. Куркат яқинидаги қабрларда идишга ит бош суягини солиб дафн этиш кузатилади. Хонтепа (Сирдарё вилояти Ховос туманида) ёдгорлиги атрофидан эса, аввал куёшда қуритилиб, ундан кейин хумга дафн қилинган ит суяклари топилган[6]. Идишга ит бош суягини солиб дафн этиш Уструшона ҳудудидаги Ширинсой ва Куркат яқинидаги қабрларда ҳам топилган. Буни “Авесто”даги “одам ва итнинг мақоми вафотидан кейин тенглаштирилиши” тўғрисидаги аҳком билан изоҳлаш мумкин[7].

Шу пайтгача, остодонлар Чоч, Суғд, Хоразм ва Еттисув ҳудудларида кўп учрашига асосланиб, “бу минтақаларда остодонларга дафн этиш кенг ёйилган, Уструшона ва Фарғонанинг қадим аҳолиси учун эса, остодонларга эмас, хумларга дафн этиш одат бўлган”[8], деган фикрлар мавжуд эди. Бироқ, археолог А.А.Грицина томонидан Зомин тумани Қизилсой қишлоғидан бир дона, М.Х. Пардаев, Ж.И. Ғофуровлар томонидан Ғаллаорол тумани Тепа Мулкуш қишлоғида бир жойга жамланган Ўзбекистон ҳудудида кенг ёйилган, аммо Уструшона ҳудудида кам учрайдиган, қутисимон қуббали шаклда ясалган, VI-VIII асрларга оид ўндан ортиқ остодонлар тўпламининг ўрганилиши[9] бу каби қарашларга эҳтиёж қолдирмапти. Ғаллаорол ва Зомин остодонларининг ясалишида умумий ўхшашлик бўлиб, улар обдон пишитилган сариқ тупроқ лойдан “тасмасимон” усулда яъни, эни 8-10 см бўлган, узун лента тасмаларни устма-уст қўйиб бир-бирига бириктиришдан ҳосил бўлган қуббали идиш мисолида ясалган. Остодонларнинг сиртига жигарранг ангоб берилиб, турли хилдаги нақшлар билан безалган. Тепа Мулкуш ва Қизилсой зардуштийлар қабристонидан топилган “саркофаг нусха” остодон Уструшона қадим аҳолиси дафн маросимларига тегишли нодир нусхалар ҳисобланади. Юқоридаги маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, Уструшона аҳолиси дафн одатларида хумлар билан биргаликда остодонларга дафн этиш ҳам мавжуд бўлган. Улар Суғд остодонларига ўхшаш бўлиб, қадимчилари VI асрга мансуб ва Суғд таъсирида кириб келган.

Уструшонада зардуштийлик билан боғлиқ остодон ва унинг хумли қабрлари билан биргаликда, сулолавий даҳма ва сағаналарга дафн этиш одатлари ҳам мавжуд бўлган. А.К. Мирбобоев томонидан Уструшонанинг Тожикистон қисмида (Хўжанд вилояти Нов тумани) III-VII асрларга оид Куркат даҳмалари ўрганилган. Улар сунъий ғор шаклида бўлиб икки хил тузилишга эга. Биринчиси алоҳида қисмларга бўлинмаган, иккинчиси эса кириш йўлаги ва даҳма хонаси алоҳида. Бу даҳмаларнинг ҳар бирида 58, 172, 182 тагача қишлоқнинг суяклари ва овалсимон шаклидаги остодонлар топилган. Ушбу муаллиф томонидан Исфара тумани Чорку қишлоғи жануби-ғарбида жойлашган Лангари Хожиён қабристонидан ҳам милодий IV–VI асрларга оид 19 та сағана ўрганилган[10]. Юқорида санаб ўтилган дафн одатлари, шубҳасиз, зардуштийлик билан боғлиқ тасаввурлар таъсирида пайдо бўлган. Маълумки, зардуштийлик таълимотида тўрт унсур; ер (тупроқ), сув, олов ва ҳаво муқаддас ҳисобланади. Зардуштийлар тасаввурчи, вафот этган киши танасини ёвузлик эгаллаган бўлиб, уни тупроққа қўйиш мумкин эмас. Шунинг учун аввало марҳум суяклари этидан тозаланган, кейин эса, суяклар офтобда қуритилиб махсус идишларга солиниб, махсус хилхоналарга дафн этилган.

Зардуштийлик аҳкомлари бўйича вафот этган кишини дафн этиш икки босқичдан иборат бўлган. Биринчиси, вафот этган кишининг суягини (махсус кишилар, ит ёки қузғунлар воситасида) этдан тозалаш - бу дастлабки кузатиш. Иккинчиси, ёвузликлардан фориг бўлган (этдан тозаланган ва қуритилган) марҳум суякларини кейинги яшаши учун махсус идиш (остадон) ларга солиб дафн этиш. Илк зардуштийлик билан боғлиқ, жасадни хумга солиб кўмиш одати, бронза даврида Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларида кўплаб ўрганилган[11]. Бунда марҳум суяклари махсус идишга солинади ва одатда оилавий даҳма-наусларга элтиб қўйилади. Ёки махсус хона ёки тепаликларга суякни ўзини дафн этиш (наус) ҳам кўп учрайди.

Уструшолада остадон ва хумларни якка тарзда унча чуқур бўлмаган тупроқ қатламига қўйиш кўп кузатилади.

Хумларга дафн этиш ҳолати Уструшо ҳудудларида ва Ўрта Осиёнинг бир қанча минтақаларида эрамизгача V-IV асрларда, Аҳамонийлар империяси таркибига Хоразм ва бошқа ҳудудлар бўйсундирилган пайтда ёйилган. Лекин бу одат эронликлардан қабул қилинмаган. Чунки остадонларга дафн этиш фақат Ўрта Осиёликлар учун хос.

Остадонлар қарийб 150 йил мобайнида ўрганилиши ва кўплаб археологик топилмалар мавжудлигига қарамай унинг ўткир мунозараларга сабаб бўладиган томони кўп. Булар остадонларнинг Ўрта Осиёнинг турли минтақаларига кириб келиш вақти ва ёйилиш йўллари, қайси этник қатлам билан боғлиқлиги, дафн этиш негизи, остадонларнинг шакл ўзгаришларидаги босқичлари, турли хил шаклларнинг таҳлили, унинг ташқи томондан безалиши ва остадон вазифасини ўтаган идишлар ҳақидаги саволлардир.

Маълумки, зардуштийликда оламнинг тўрт ер усти унсури - сув, олов, ер, ҳаво муқаддаслаштирилган, ғоят улуғланган ва уларнинг пок бўлишига каттиқ амал қилинган. Мана шу тарзда дафн маросими орқали муқаддас тўрт унсур, ер усти дунёсининг асосий омили – сув, олов, ер, ҳавонинг булғаниши, «ҳаром» қилинишининг олди олинган.

Шундай қилиб, ёзма манбаларда таъкидланишича араблар Уструшонани босиб олган пайтда аҳоли зардуштийликнинг алоҳида бир кўринишига эътиқод қилган. Хумли қабрлар Уструшолада Суғд билан алоқалар натижасида оммалашган. Ўз навбатида чорвадор аҳолининг деҳқончилик воҳалари билан маданий алоқалари натижасида зардуштийлик анъаналари дашт минтақаларига ҳам ёйилган. Деҳқон ва чорвадор аҳоли ўртасида диний эътиқод борасида фарқлар мавжуд бўлсада, қайсидир маънода улар бир-бирини тўлдирган. Масалан, зардуштийликка хос тушунчалар деҳқон аҳоли таъсирида чорвадорлар орасида ёйилган бўлса, шомонийлик ва тотемистик қарашлар чорвадорлар таъсирида ўтроқ воҳаларда оммалашган. Демак, воҳа аҳолисининг қадимги даврдаги қабр тузилишлари турлича бўлиб уларда хумли қабрлар мавжудлиги илк ўрта асрлардан араблар босқини ва ундан кейинги (қорахонийлар ва мўғуллар) даврларгача давом этган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Тошбоев Ф.Э. Уструшо қадимги халқларининг хумларга дафн этиш одатлари ҳақида // Жиззах давлат педагогика институти Ахборотномаси, №1, Жиззах: 2013. – Б. 64-65.
2. Тошбоев Ф.Э. Уструшо қадимги халқларининг хумларга дафн этиш одатлари ҳақида... – Б. 65.
3. Грицина А.А. О погребениях в хумах в Зааминском тумане // ИМКУ № 30. Самарканд, 1999. С.223-225.
4. Қадимий Зомин (тарих, археология, нумизматика, этнография). Тошкент, 2018.– Б. 137.
5. Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане в 1950г. // ИА вып. 37, М., Л, 1953, 202-203 с.
6. Пардаев М.Х. Зардуштийлик ва унинг илк ислом давридаги айрим кўринишлари. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар 5-6-7-8-1995. Т. 1995. Б 36.
7. Отчёт об археологическом изучении памятников истории материальной культуры в зоне орошения и освоения земель Кизилинского массива за 1985-1987гг... – Л.27.
8. Абдолниёзов Б., Исҳоқов М. Авеста ва қадимги чорвачилик... – Б. 75.
9. Грицина А.А. О погребениях в хумах в Зааминском тумане...– С.224.
10. Пардаев М.Х., Фофуров Ж.И. Ғарбий Уструшолада зардуштий қавмлар излари // O'ZBEKISTON ARXEOLGIYASI № 2. – Т.: Фан, 2011. –Б. 85-88.
11. Мирбобоев А.К. Раскопки Куркатских склепов. // АРТ XV 1975, Душанбе, 1980. С. 295-303.
12. Богомолов Г.И. К изучению оссуарного обряда Чача // ИМКУ. № 35. Тошкент, 2006. –С. 183.

БУХОРО САРБОЗЛАРИ

Ю. Шукуруллаев, доцент, Бухоро муҳандислик-технология институти, Бухоро

Аннотация. Мангит ҳукмрони Амир Ҳайдар даврида (1800-1826) мунтазам армия ташкил этилди. Қўшин тузишида уруғ-қабилачилик анъаналари етакчилик қилиб келган. Қўшиннинг асосий таркибини сарбозлар ташкил этган. Сарбозлар 2 гуруҳга бўлинган: 1. Шанбеги сарбозлар - бу гуруҳ сарбозлари ҳафтанинг шанба ва якшанба, душанба кунлари ҳарбий машғулотларга қатнашган. 2. Сешанбеги сарбозлар- бу гуруҳ сарбозлар сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлари ҳарбий машғулотларга қатнашган.

Сарбозликка қабул қилинаётган пайтда унга бир кишидан 3 кишигача кафил бўлган. Сарбозларнинг хизмат ёши (умрбод), қўшин сафига қабул қилиш, сарбозларга нисбатан тан жазосининг қўлланиши ва бошқа ўрта асрчилик қоидалари сақлаб қолинган.

Таянч сўзлар: сарбоз, шанбеги ва сешанбеги, байдоқ, ҳарбий мундир (кулуча), “ёпиқ” бош кийими - “қўлончин”, “думбалapurлар”, лашкар, қўшин, амирлик, мангитлар

Аннотация. Во времена правления Мангита Эмира Хайдара была создана регулярная армия. В создании армии ведущую роль играли родоплеменные традиции. Основную часть армии составляли сарбазы. Сарбазы делились на две группы. Сарбазы Шанбеги - сарбазы этой группы участвовали в военных учениях в субботу, воскресенье и понедельник. Сарбазы Сешанбеги - сарбазы этой группы участвовали в военных учениях во вторник, среду и четверг. При принятии в сарбазы, гарантом выступали от одного до трех человек. Срок службы сарбазов (пожизненный), прием в армию, наказание солдат и другие средневековые правила были сохранены.

Ключевые слова: сарбаз, шанбеги и сешанбеги, байдак, военный мундир (кулуча), “закртыый” головной убор - “кулончин”, “думбалapurы”, войско, армия, эмират, мангиты.

Annotation: Under the rule of Mangit Emir Haidar, a regular army was created in (1800-1826). The tribal traditions played a leading role in creating the army. The main part of the army was sarcophaguses. Sarcophaguses are divided into 2 groups. 1. The sarcophaguses of shanbegi-these group of sarcophaguses attended military exercises on Saturday and Sunday, Monday. 2. The sarcophaguses of seshanbegi-these group of sarcophaguses attended military exercises on Thursday, during the admitting on the sarcophaguses he was given pledge one person up to three people. The years of service of the soldiers, the life time commitment and punishment of the perpetrators to the army, admit to the line of the army and preserved some medieval rules.

Key words: sarcophagus, shanbegi, seshanbegi, pedestrian, military mun(kulucha), “covered” hat – “kulonchin”, “dumbalapurlar”, army, troops, emirate, mangits

Мангитлар сулоласи ҳокимият тепасига келган дастлабки йилларда амирлик ўзининг мунтазам қўшинига эга эмас эди. Амирликда мавжуд бўлган оз сонли ҳарбийларнинг асосий вазифаси амир ва унинг аъёнларини кўриқлаш ҳамда шаҳар осойишталигини таъминлаш ишларидан иборат бўлган.

Уруш вақтларида амир буйруғи билан халқ лашкарлари тўпланиб ҳарбий ҳаракатларга жалб этилган. Бухоро амирлигида қўшиннинг асосини сарбозлар ташкил этган. Таъкидлаш жоизки, сарбозликка қабул қилинаётган юқорида айтиб ўтилган уруғ-аймоқлардан қайси бирига тегишлилигига қараб мазкур гуруҳагина қабул қилиниб, улар аралаштириб юборилмаган. Бундай уруғларга қараб қўшин тузиш ўша даврда ҳукм сурган Хива ва Қўқон хонликларида ҳам мавжуд эди [1]. Демак, XIX асрнинг бошларига қадар хонликларда қўшин тузишида уруғ – қабилачилик анъаналари етакчилик қилиб келган.

Мангитлар сулоласи ҳукмронлигида Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даврига (1800-1826) келиб, дастлабки туб ўзгаришлар рўй бериб, яъни маълум маънода мунтазам армия ташкил этилди дейишга асос бор [2]. Бирок, баъзи тарихчилар бу фикрга тўла қўшилмайдилар. Тадқиқотчи, Б.Исмоилова Бухоро амирлигида армия ва ҳарбий ишларни ташкиллаштиришни икки босқичга бўлади ва I босқични XIX аср бошларидан XIX асрнинг 30 – йилларигача, яъни Амир Ҳайдар даврида ҳисоблаб, бу даврни шу соҳага дастлабки асос қўйилганлиги, тўла мунтазам армияни ташкил этилганлигини эса, II босқичда Амир Насруллоҳон даврига (1827–1860 йй) тўғри келиб то 1837 йилда охирига етказди, дейди [3].

Таъкидлаш жоизки, Насруллоҳон мангит амирлари ичида биринчи бор пиёда сарбозлар таркибидан тўпчилардан иборат доимий ҳарбий бўлинмага асос солди. Амирликда тўплар бундан ҳам олдин бўлишига қарамасдан улардан алоҳида гуруҳ, Ўғлон ва Талипоч дарвозалари олдида тўпчиларнинг казармалари барпо этилганлиги айтиб ўтадилар [4]. Амир Музаффархон давридан бошлаб сарбозлар икки гуруҳга бўлинган:

1. Шанбеги сарбозлар - бу гуруҳ сарбозлари ҳафтанинг шанба ва якшанба, душанба кунлари ҳарбий машғулотларга қатнашган.

2. Сешанбеги сарбозлар - бу гуруҳ сарбозлар сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлари ҳарбий машғулотларга қатнашган.

12 минг кишилиқ сарбозларнинг 6 минги “Сешанбеги”, 6 минги эса “Шанбеги” деб номланган. Ҳар минг кишилиқ сарбозлар гуруҳи дасталарга бўлиниб, саркардалар бошқарган.

Ҳар бир дасталар ҳам ўз навбатида 5 та “Байдоқда” [5] бўлиниб, ҳар бир байдоққа 200 тадан сарбозлар хизматда бўлишган. Байдоқлар 2 та юзага (юз/юзабоши бошқарган) 4 та 50 кишилиқ гуруҳга (панжохбоши бошқарган) бу гуруҳ эса, даҳбоши бошқарувида бўлган 5 тадан ҳарбий бўлинма бараларга бўлинган.

Қўшин сафига қабул қилиш қоидалари деярли бутун сулола ҳукмронлиги мобайнида ўз анъанавийлигини сақлаб келган. XX аср бошлари, аниқроғи 1905-1920 йилларда янги типдаги ҳарбий қисмларнинг ташкил этилганлиги боис бу анъана бироз бузилган.

Қўшин таркибига қабул қилишнинг турли томонларини кўриб чиқадиган бўлсак, авваламбор жиноятчи, ўғри, маҳкумлар ота-оналар ўз фарзандлари устидан шикоятлари учун, қочоқлар эвазига уларнинг кафиликлари ҳисобидан сарбозлар қабул қилинганлигини айтиб ўтиш лозим.

Ҳарбий мансабдорларнинг Бухорога ёзган хатида хусусан шундай дейилади: - “Ҳазратимнинг азиз бошларига юз минг марта тасаддуқ бўлай! Нодон ва ризоталаб қулингиз Қирғизойим гузаридан Абдулжалилни - яъни олий зиндонга қамалган маҳбусни Моҳончи ҳамроҳлигида Балжувон вилоятидаги шоҳ Абдушукур мирохурнинг хузурига сарбозлик хизматиға юбордим” [6]

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви Қўшбеги Канцеляриясида (И-126 жамғарма) сақланаётган юзлаб ҳужжатларни ўрганар эканмиз, зиндонбанд этилганлардан ҳам ҳарбий хизмат сафига қабул қилинганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ҳужжатларнинг бирида: - “Ҳазрати Саййидимнинг муборак бошларига тасаддуқ бўлай! Ҳазрати амири гуфроннишон даврларида Носирхон, афғон ясовули, олий зиндонга қамалган эди. Олий фармойишга биноан Чоржўйга келиб сарбозлар сафига қўшилди. Ҳар йили у 50 ман ғалла олиб хурсандчилигидан жаноб олийлари ҳақларига дуо қилмоқда. Унинг кўчи Бухорои Шарифга қолган. Мазкур қулингиз, Қоровулбеги жаноб олий ҳазратимни бениҳоя дуо қилиб бандалиқ арзимни билдираманки, Олий давлатхонанинг қули бўламан. Қулингиз Бухорои Шарифга бориб навкарларингиз сафида хизмат қилиб, аҳлу аёли билан биргаликда зоти Олийни дуо қиламиз деб умид қиляпти. Мен бир ожиз нотавон қулингиз шу сабабдан олий марҳаматингиз ва розилигингиз не тариқа бўлади деган андиша арзини билдирдим” [7] дейилган.

Ушбу маълумотдан кўринадики, сарбозларнинг бир қисми маҳбуслардан ташкил этилган. Сарбозликка қабул қилинганлар таркибини ўрганар эканмиз яна куйидаги ҳужжатларга дуч келамиз: - “Ҳазратимизнинг муборак бошларига тасаддуқ бўлай. Пардалиқ навқариясидаги Имомназарбек эшон оғабоши қулингиздан. Бир қаровулбеги қулингиз қариб қолганлиги сабабли хизматнинг уддасидан чиқмаётир. Олий марҳаматингизни дариғ тутмай ўрнига Мулло Бобо исмли ўғлимни киритасиз, деб - умид қиламан. Олий ижозатингиз билан унинг ўғлини мирзабошилар навқарияси сафига қўшаман” [7]. Манбаларда эътироф этилишича, сарбозликка қабул қилинаётган пайтда унга бир кишидан 3 кишигача кафил бўлган, мабодо аскар хизматдан қочса, то топилгунга қадар унинг кафиллари ҳарбий хизматга жалб этилган:

«Мирбий парвоначи қулингиз Тўпчи қулларингиз ва иккита сарбозларнинг қўшини, яъни Бухорои Шарифда хизматда бўлганлар 30 нафарни ташкил этади. Улардан 8 нафар сарбоз қочиб кетган. Шунини юзбошига маълум қилдик. Агар қочганларни топа олмасалар, уларни қариндошларидан кафилларини қўлга олишга буюрдик. Ўшаларни қўшинни таркибига киритамиз. Ҳижрий 1326 (1908-09 йили)[8]). Аксарият ҳолларда сарбозликка қабул қилинадиган вақтда унга учта кафил тайинланган. Бу ҳужжат қози иштирокида расмийлаштирилиб муҳр босилган. Хизматдан қочган сарбозлар ўрнига уч кафилнинг хизматга жалб этилиши куйидаги мақсадларга йўналтирилиши мумкин эди:

- қўшин таркибида тартиб интизомни сақлаб туриш;
- қўшиндан қочган, кафилсиз ва бедарак йўқолган сарбозлар ўрнини тўлдириш;
- мамлакатда ватанпарварлик руҳининг пасайиб кетганлиги, ҳарбий хизматни шараф эмас, балки, давлат мажбурияти деб билиш;
- ҳарбий хизматнинг оғирлиги;
- ҳарбий хизматнинг обрў ва эътибори йўқлиги;
- даромади ва тирикчиликнинг оғир шароити.

Қўшин таркибига қабул қилиш тўғрисидаги фикримизни давом эттирар эканмиз, сарбозликка қабул қилинганлар тоифасига ота - оналарнинг ўз фарзандлари устидан қилган арзларига асосланиб

чақирилганларни ҳам кўриш мумкин. Ушбу маънода ёзилган кўплаб аризалар сақланган: Жаноби Олий ҳазратим камтарлар камтари ризожўй қулингиз Кенжабек қаровулбеги юзбоши қабул қиласиз деган умидда арз қилибди. Тасаддуқ бўлай, Махтобой деган қулингиз табаррук номангизни бу нодон қулингизга етказиб берди. Жаноби олий- ҳазратим, номада мазкур қулингиз Муртазо исмли фарзандини саришта қилиб билмаслигидан арз қилибди. Сизнинг марҳаматингиз билан уни ҳарбий кийимлар кийгизиб, қурол аслаҳалар бериб олий кўшин сафига киритсак [9].

Ўзга юртлардан паноҳ излаб келганлар, муҳожирлар ҳисобига ҳам кўшин сафи тўлдирилиб борилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларга ҳам дуч келинди: «Ризоталаб қулингиз Абдулҳамидбек ва Мирқулибекнинг жаноби олий ҳазрат розиликларини тилаб ёзган аризаси: Бу иккала қулингиз ватанидан жудо бўлган. Минг азоблар билан остонангиздан мурод тилаб келганлар. Қулпарвар мазкур қулларингизни кўшинингиз қуллари қаторига кўшинингизни умид билан сўрайман» [10].

Бундан ташқари, кўнгиллилар ҳисобидан кўшин сафи тўлдириб борилган. Мисол тариқасида ушбу аризани келтирамиз: “Умидгоҳ, Оллоназар мирзабоши каминангиз кўшинида навқар эди, у вафот этди. Унинг ўғли Эшонқулибек уздабурон хизматкор бўлиб вазоратпаноҳ кўшинида хизмат қилишни орзу қиляпти. Мазкур Эшонқулини ўзимнинг хизматкорларим сафига киритсам деб умид қиламан. 1314/1896-97 йил” [11].

Ҳар ҳолда архивларда бундай мазмундаги ҳужжатлар анча кам учрайди. Мантиқан ўйлаб қарайдиган бўлсак, агар кўнгиллилар кўпчиликни ташкил этганда эди юқоридаги биз келтириб ўтган ҳолларда ҳарбий хизмат сафига қабул қилишлар йўллари қидирилмас эди.

Бухоро вилоятида ҳозирда истиқомат қилувчи қариялар билан қилинган шахсий суҳбатларда тўпланган маълумотларнинг аксарияти архив манбаларига мувофиқ келади ва бу борадаги фикримизни тўлдиради. Бухоро туманида яшовчи амирликнинг собиқ сарбози Очил Зариф ўғли 1910 йилги исёнда ҳалок бўлади. Икки ўғли билан қолган Маъсума ая ҳузурига амир амалдорлари келиб ҳалок бўлган турмуш ўртоғига таъзия билдириб, 9 таноб ер ва бир хизматкор берилажагини айтишади. Шарт эса битта, бу ҳам бўлса азалий қоидага биноан ўғиллари вояга етгач умрбод сарбозлик хизматига олинади. Бу шартга норози бўлган Маъсума-ая ер ва хизматкордан воз кечади, ўғиллари вояга етгач ҳарбий хизмат сафарига юборилмайди [12].

Амирлик кўшинлари таркибини ўрганиш жараёни шуни тасдиқлайдики ҳатто, 1920 йилга қадар ҳам ҳарбий хизматчилар орасида қуллар мавжуд бўлган. Маълумки, Бухорода сарбозлар дастаси дастлаб зарҳарид қуллардан тузилган бўлиб, улар умрларининг охиригача ҳарбий хизматни ўташлари мажбурий бўлган. Ниҳоят, 1886 йил амир Абдулаҳад фармонига мувофиқ [13] бошқа қуллар каби булар ҳам озодлик васиқаларини олиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Аммо архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, сарбозларнинг кўпчилиги ўз озодлик васиқаларини қўлга кирита олмай амирга бу масалада қайта-қайта мурожаат қилишни давом эттирганлар [14]. Қул аскарлар алоҳида ўнликларда хизмат қилишган.

Гарчи эркин сарбозлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб доимий кўшин кўринишини олган бўлсада, тинчлик вақтларида улар шаҳар тозалигини сақлаш, ободончилик ва ҳатто деҳқончилик ишлари билан ҳам машғул бўлишган. Бундай сарбозлар ҳарбий машқ ва жанг вақтларидагина ҳарбий кийим ҳамда қурол-яроғ билан таъминланган. Амир Музаффархон ҳукмронлиги даврига қадар улар тинч вақтларда қурол- яроғларини ўз уйларига олиб келишган. Шу даврдан бошлаб уларнинг ҳарбий кийимида ҳам ўзгаришлар рўй берган. Бошларида қора узун шапка (каландарларникига ўхшаш), оқ бўздан шим, қишда ҳарбий мундир (қулуча) Бухоро сарбозларининг кўринишларини ташкил этган. Шим ва мундир икки йилда бир бор алмаштирилган. Оёқ кийимини ҳар бир сарбоз ўзи билан олиб келишга мажбур бўлган. Амир Абдулаҳадхон даврига келиб ҳарбийларга икки йилда бир жуфт этик бериладиган бўлади [15]. Ҳарбий мундир “Қулуча” ёки “ёпиқ” бош кийими эса “қўлончин” деб юритилган. Сарбозлар погонларида даста рақами ёпиштирилган эди [16].

Амир Музаффархон вафотидан сўнг Амир Абдулаҳадхон сарбозлар сонини 2000 нафарга қисқартирди. Шанбеги сарбозлари 4 даста (4000 киши)ни, сешанбеги сарбозлари ҳам шунчани ташкил этди. Айниқса, бу даврда сарбозларнинг яна бир гуруҳи ажралиб чиқди. 4000 Шанбеги сарбозларидан 2000 нафари бешотар милтиқ билан қуролланиб, уларга “думбалапулар” (яъни ўқ милтиқнинг орқа томонида жойлашган, шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки амирликда “думбалапу” номи тўплари ҳам мавжуд бўлиб улар эгалари ҳам думбалапулар дейилган) деб ном берилди [17]. Юқорида айтиб ўтилган қисқартирилган сарбозлар туркумига Туркистон генерал - губернаторлиги тасарруфидан қабул қилинган (асосан Кўкон, Жиззах, Самарқандлик) лар кириб улар губернаторлик билан келишувга асосан озод этилиши керак эди. Амир Абдулаҳадхон ҳукмронлиги даврида рус асирларидан қабул қилинган сарбозлар деярли озод этилган эди. Бундан ташқари Амир Абдулаҳадхон даврида кексайган, касалманд сарбозларни кўшин таркибидан озод этиш ишлари анча жонланган. Архив манбаларида бу масалага оид маълумотлар кўплаб келтирилади:

Иннайтов (Игнатов)- Бухорои Шарифдаги элчи тўра бу кулингизга хат ёзиб шуни билдиради. Самарқандлик Турсунхўжа Пўлоднинг завжаси, Самарқанд фуқароси бўлмиш Абераой Самарқанд ҳукуматига ариза ёзибди. Аризасида шундай дейилган: Жўрабой, Мир Ориф исми икки нафар ўғлимнинг Бухорога бориб сарбоз бўлганларига 10 йил бўлди. Ҳозир мен қариб қолганман. У ерга бориб келишимнинг иложи йўқ. Шу сабабдан Абераой Самарқанд ҳукуматидан илтимос билан арз қилган ва икки нафар ўғлини Самарқандга юборилишини сўраган. Номлари қайд этилганлар ҳозирда Муборизатпаноҳ Мирзабой тўқсабо юзлигидаги Мухторхўжа қоровулбеги юзбоши қўшинида сарбозлик қилмоқдалар. Самарқанд ҳокимининг илтимосига биноан сиздан Жўрабой ва Мир Орифни Самарқанд фуқаролари бўлганликлари учун сарбозликдан озод этишингизни илтимос қилиб сўрайман. 1877 йил[18].

Шу мазмундаги ҳужжатлар Фарғона, Жиззах, Ўратепа, Хўжанд, яъни Россия империяси тасарруфига ўтган вилоятлардан ҳам келтирилади.

Бундан ташқари, қарилги, касаллиги учун ҳам Амир Абдулахадхон давридан бошлаб кўплаб сарбозлар хизматдан озод этила бошланган. «Фозилбек кулингиз шуни маълум қилади: Ёқуббек Калиф вилоятида хизматдадур. Фалаж дардига мубтало бўлиб, хизматга яроқсиз ҳолатда ётибди. Уни хизматдан озод қилишингизни сўраб қоламиз»[19].

Яна бир бошқа ҳужжатда 1883-йилда 450 нафардан ортиқ сарбозлар куликдан озод этилганлиги, озод этилган кул сарбозлардан эса, 297 нафари яна сарбозлик хизматини давом эттириш истагида бўлганлиги айтиб ўтилади. Бўшаб қолган сарбозлар ўрнини тўлдириш кўпгина муаммоларни келтириб чиқарган. 1887 йилда юзбошилар ўз қўшинлари сони ҳақида ахборот берганларида Абдулҳаким юзбоши юзлигида 189 нафар (200 нафар ўрнига), Муҳаммад Азим юзлигида 190 нафар, Шариф юзбоши юзлигида 175 нафар, Чоржўйдаги учта юзликда 555 нафар, Остонкул юзбоши юзлигида 189 нафар ва ҳоказо сарбозлар сони келтирилади ва уларнинг таркиби тўла эмаслиги таъкидланади [20]. Ҳатто ўнликларнинг кўпчилигида ҳам аскар сони тўлиқ эмаслигини билиб олиш қийин эмас.

Темирийлар салтанати парчалангандан то XIX аср бошларига қадар амирлик ҳудудида қўшин тузилиши турғунлик ҳолатида сақланиб келинди. Бу узок муддат ичида дунёнинг турли мамлакатларида ҳарбий иш санъат даражасига кўтарилиб бўлган эди. XIX аср 60-йилларидан бошлаб, ҳарбий масалада европача қонун-қоидалар киритиш, қўшин ичида тартиб ва интизомни сақлаш ишларида бир қадар ҳаракатлар бошланган бўлсада, мавжуд деспотик тузум бу йўлга ғов бўлди (Усмон ва Баротбек фаолиятлари бунга яққол мисол бўла олади). Бухоронинг сўнгги амирлари Абдулахадхон ва Олимхонлар XX аср бошларида қўшин тузилишида бир мунча ижобий ўзгаришлар қилишга уриндилар. Бироқ, асосан шаклан киритилган ўзгаришлар қўшин фаолиятидаги жанговорликни етарли таъминламади. Хусусан, амирлик қўшини XIX аср охиридан бошлаб саф тортиш, ҳарбий машқлар, сафда юриш, кийиниш ва маълум жиҳатлари, қолаверса Россия империяси ҳарбий низоми ва уставини қабул қилган бўлсада, баъзи илғор қонун - қоидаларда чекинилди. Масалан, сарбозларнинг хизмат ёши, қўшин сафига қабул қилиш, сарбозларга нисбатан тан жазосининг қўлланиши ва бошқа ўрта асрчилик қоидалари сақлаб қолинди. Ҳарбий иш, сарбозлар савияси ва жанговар ҳолати Бухоро амирлигининг икки бора мустамлака исканжасига дучор бўлиши ва тугатилиши сабабларига ойдинлик киритади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви И-126-жамғарма. Бухоро амирлиги Қўшбегиси Канцелярияси
2. Самарқанд шаҳридаги Республика маданияти тарихи давлат музейи архиви. № 814, 813, 823, 824 – ишлар.
3. Муҳаммад Саййид Балжувоний. Тарих-и нофеи. Тожик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳидов, Зоир Чориев. Т.: Академия, 2001. -215 б.
4. История Казахстана в персидских источниках. Жамал ал-Карши. Мулҳакатби-с-Сурах». (Прибавление к словарю ас-сурах). I том. Введение, перевод с арабско-персидского, комментарии Ш. Х. Воҳидова, Б. Б. Аминова. -Алмати: Дайк-Пресс, 2005.-С. 32.
5. Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843.-С. 71, 231-232, 235;
6. Залесов Н. Очерк дипломатических отношений России и Бухары с 1836 по 1843 г. // Военный сборник, 1826 т. 27.-С. 22; Соболев. Л. Новейшая история Бухарского ханства, //Туркестанские ведомости. 1876, № 28.
7. Абдурауф Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври // Тожик тилидан А Ирисов таржимаси. Т. Минҳож, 1992. -61б.
8. Айни С. Тарихи амирони манғитияи Бухоро. // Куллиёт т. 10. Душанбе, 1966.-Б.
9. Арендаренко Г. Бухарские войска в 1880 г. // Туркестанский сборник. 297 том.
10. Аҳмад Махдуми Дониш. Рисола-е мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития. “Сарват”. Душанбе. 1992. -С. 284.
11. Аҳмад Махдуми Дониш. Наводир ул-вақоъ. Т. Фан, 1964. – 410 б.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

O'UK 82-2

XALQ O'YINLARINING NOMLANISHIDA ONOMASTIK QONUNIYATLARNING O'RNI

N.U. Hamidova, katta o'qituvchi, Navoiy davlat konchilik instituti, Navoi

Annotatsiya. Odamlar ongli ravishda tilni bilishni boshlaganda, narsalar, hodisalar, voqealar va, odamlar xalq o'yinlariga o'zicha nom bera boshladilar. Xalq o'yinlarining nomlari - bu asosiy aloqa vositasi. Xalq o'yinlarining nomlari har doim ko'proq ma'noni anglatadi, ma'lum bir ma'noga ega bo'ladi. Ushbu maqolada qadimgi zamonlardan beri xalq o'yinlarining nomlari uning qanday o'yin ekanligini, o'tmishi, kelajagi va buguni bilan bog'liq masalalar yoritilgan.

Kalit so'zlar: onomastika, xalq o'yinlari, ta'lim, milliy, rivojlanish.

Аннотация. Когда люди осознанно изучают язык, вещи, события, события и люди начинают делать себе имя. Названия народных игр являются основным средством общения. Названия народных игр всегда значат больше, имеют какое-то значение. В данной статье освещено с давних времен названия народных игр, кажется, почти связаны с тем, как они играют, в прошлом, настоящем и будущем.

Ключевые слова: ономастика, народные игры, воспитание, национальность, развитие.

Abstract. When people consciously learn a language, things, events, events, and people begin to make a name for them. The names of folk games are the main means of communication. The names of folk games always mean more, have some meaning. In this article highlights since ancient times, the names of folk games seem to be almost related to play, in the past, present and future.

Key words: onomastics, folk games, education, nationality, development.

Xalq o'yinlar - bu an'anaviy bayramlar yoki milliy taqvim bayramlarida boshlang'ich o'yin turlari bo'lib, hozirda ular etno-madaniy festivallar va musobaqalar shaklida o'tkazilib kelinmoqda. Bundan tashqari, bunday tadbirlar davomida folklor jamoalarining chiqishlari, hunarmandchilik va etno-oshxona taomlari yarmarkalari ham o'tkaziladi. Ularning hammasi o'z nomlariga ega.

"Xalq o'yinlar" nomi "an'anaviy turmush tarzi" tushunchasining hosilasi sifatida paydo bo'ladi va "an'anaviy madaniyat" va "an'anaviy bayramlar" tushunchalarining ajralmas qismidir.

Xalq o'yinlari o'zi nima? Xalq o'yinlari har doim barcha jamiyatlarda tarbiyaviy vazifani bajargan. Ta'limning boshqa turlaridan farqli o'laroq, xalq o'yinlarida bu jarayon oson va raqobat shaklida kechadi. Ularning yordamida jismoniy va aqliy rivojlanish mumkin. Qoida tariqasida, xalq o'yinlari hamma uchun ochiq va shuning uchun ular ta'limning eng demokratik turi hisoblanadi.

Qadimgi xalq o'yinlari odamlarning turmush tarzi, ularning kundalik hayoti va mehnat odatlari, milliy qadriyatlar va printsiplar, sharaf va jasorat haqidagi g'oyalarini, jismoniy kuch va aqlga ega bo'lish istagini o'zida mujassam etgan. Ularning ishtirokchilari chaqqonlik, tezkorlik va harakatlarning go'zalligi, zukkolik, chidamlilik, ijodkorlik, g'alaba sari intilish va jamoaviy harakatlar kabi fazilatlarini namoyish etishlari kerak edi.

An'anaviy o'yinlar oylar va quyosh sikllari va yil davomida qishloq xo'jaligi tadbirlari bilan chegaralangan an'anaviy milliy taqvim yoki an'anaviy bayramlarning marosimlari va bayramlarining bir qismi sifatida o'tkaziladi. Shu sababli, ular o'xshash landshaft va iqlim zonalarida istiqomat qiluvchi ko'pchilik odamlar uchun bir xil vaqt oralig'iga tushadi. Xuddi shu sababga ko'ra, an'anaviy o'yinlar sanasini va nomini ko'chirish ma'nosiz.

O'yin qoidalariga katta ma'rifiy ahamiyat beriladi. Ular o'yinning butun yo'nalishini belgilab beradi, ishtirokchilarning xatti-harakatlarini, o'zaro munosabatlarni tartibga soladi, iroda va xarakterni tarbiyalashda yordam beradi. Shuningdek, ular faol fikrlashni rag'batlantiradi, ongni kengaytirishga yordam beradi, atrofdagi dunyo haqidagi fikrlarning ravshanligini ta'minlaydi va barcha aqliy jarayonlarni takomillashtirishga yordam beradi. O'zbek xalq o'yinlari nomlari o'ziga xos xususiyatlarga ko'ra quyidagicha tasniflanadi:

- Ov (Gang, Jambil, Lappak, Oshiq, Xappak, Chirgizak);
- Cho'ponlar o'yinlari (Tuptosh, Kotarma tosh, Echki o'yini, Chopon va shoqol, Qadama tayoq, Chillik, Podachi, Chanta, Chuv-chuv va boshqalar);
- Hunarmandchilik bilan bog'liq o'yinlar (Dandarak, Charxpalak, Besh torcham, Paqilloq, Lanka, Chig'iriy, Uzuk askari, Varrak, Sartarosh, Ko'z bog'lari va boshqalar);

- qishloq xo'jaligi bilan bog'liq o'yinlar (Palaxmon, Jon burgam, Somon sepdi, Chanoq o'yini, Shaftoli shaker, Qo'riqchi va boshqalar);
- Imitatsion o'yinlar (Xola-Xola, Topaloq, Kim oladi-yo, Ayiq o'yini, Xorazm urtashtirish, Oqsoq turna, Bosari, Asalari, G'ozlar va boshqalar);
- Harakat o'yinlari (Chunka shuvoq, Chim otish, Kim tex, Xurkach, Tufaloq, Chori chamber, Mushuk-sichqon, Yoghoch soliq, Durra olish, Xalinchak va boshqalar);
- So'z o'yinlari (Kim chaqqon, Bolkon-bolkon, Botmon-botmon, Juftmi-toq, Oq quyonim alomat, Oq terakmi, ko'k terak, Pirr va boshqalar);
- Birlashishda o'ynagan o'yinlar (Gap-gashtak, Topik oyin, Podsho-vazir, Podsho-o'gri, Arshi a'lo va boshqalar);
- Xalq kurashi va u bilan bog'liq o'yinlar (Milliy kurash, Polvonbozlik, Yelkada kurash, Qabul kurashi va boshqalar);
- Chavandozlar o'yinlari (Chavgon, Uloq-ko'pkari, Piyoda poyga, Oltin qoboq, Shog'uloq, Qiz quvish, Eshak mindi va boshqalar).

Tor ma'noda onomastika har xil turdagi to'g'ri nomlardir, onomastik so'zlarning birikmasi onomastik (onimik) so'z birikmalaridir.

Shunday qilib, xalq o'yinlarida onomastik nomlarni o'rganish mavzusi bu boshqa ob'ektlar orasida o'zi nomlagan ob'ektni ajratib ko'rsatish uchun xizmat qiladi. Xalq o'yinlarning onomastik nomlarining tasnifi ikki belgi - etnik va taqvimga asoslanadi. O'yinlarning onomastik nomlarining etnik holati marosim va semiotik xususiyatlar bilan belgilanadi. O'yinlarning taqvim holati ular o'tkaziladigan milliy bayramlar bilan belgilanadi. Va bu ularning sport nomlaridan tubdan farqli ekanligini bildiradi. Xalq o'yinlari nomlari dasturi taqvim va etnik holatlarga qarab tuzilgan.

Xalq o'yinlarini nomlanish amaliyoti odatiy huquq printsiplariga - an'anaviy mezonlar asosida natijalarni tarixan ishlab chiqilgan usullariga asoslanadi. Bundan farqli o'laroq, xalq o'yinlarining onomastik nomlanishi deb oldin nomlangan o'yinlar zamonaviy qonunlarda raqib jarayonining onomastik nomlanishi o'ziga xosligida ifodalangan protsessual jihatlarga egadir.

Onomastik nomlanish nazariyasi kontekstida an'anaviy o'yinlarning tipologiyasi etnik yo'nalish bo'yicha qurilgan. Bundan tashqari, mavjud xalq o'yinlari tasnifiga integratsiyalashishni osonlashtirish uchun tipologiya shuningdek toifalar bo'yicha nomlanish taqdim etiladigan musobaqalar turlari bo'yicha qurilgan. Ko'pincha an'anaviy o'yinlarni nomlash murakkab jarayonni o'tkazish orqali amalga oshiriladi. O'zining etnik tarkibidan Umumjahon amaliyoti va umumiy tushuncha shuni ko'rsatadiki, an'anaviy o'yinlarni nomlanishi xalq urf-odatlariga to'la mos ravishda o'tkazilishi kerak.

Xalq o'yinlarini nomlash xalq o'yinlarini rivojlantirish bilan shug'ullanadi, shuningdek, madaniyat, sport, ta'lim va xalqaro aloqalar sohasidagi munitsipal, mintaqaviy va davlat hokimiyati va idoralari mutaxassislarining umumiy madaniy va kasbiy vakolatlarini kengaytirish maqsadida ta'limda "Xalq o'yinlarini onomastik nomlash" kursi dasturi ishlab chiqildi. U xalq o'yinlari ishtirokida mamlakatimiz bir qator joylarida amalga oshirilmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

The processes associated with knowledge and information is called cognitive or cognitive. Their synonyms are also the words "intellectual", "mental", "and rational"[1]. From the standpoint of cognitive, a person is studied as an information processing system, and a person's behavior is described and explained in terms of his internal states. These states are physically manifested, observable, and interpreted as receiving, processing, storing, and then mobilizing information for rational solving problems. Among the most important principles of cognitive is the interpretation of a person as a subject acting, actively perceiving and producing information, guided in his thinking activity by certain schemes, programs, plans, and strategies. And cognitive science itself has become regarded as the science of general principles governing the mental processes in the human brain.

Modern studies indicate that cognitive science unites several scientific areas: cognitive psychology, cultural anthropology, artificial intelligence modeling, philosophy, neuroscience, linguistics, etc. In this connection, it is important to note the interdisciplinary nature of cognitive science.

The "birthday of cognitive science" by J. Miller calls the symposium on information theory, held in the mid-1950s[2]. Another American professor, J. Brunner, at the same time, for the first time begins to lecture on the nature of cognitive processes. Together with J. Miller, they organize the first center of cognitive research at Harvard University in 1960[2].

What does new cognitive bring? "Cognitive makes an application for the method of serial, if you like," industrial "solution of the problems of human thought." The term "cognitive" today is called:

- Research program of the human "thinking mechanism";
- Study of the processing of information coming to a person through different channels;
- building mental models of the world;
- Device systems that provide all sorts of cognitive acts;
- Understanding and shaping by a person and a computer program of thoughts expressed in natural language;
- creating a model of a computer program capable of understanding and producing text;
- a wide range of mental processes serving mental acts.

In cognitive science, the main attention is paid to human cognition, not only observable actions are investigated, but their mental representations (internal representations, models), symbols, strategies of a person, which generate knowledge-based actions; that is, the cognitive world of a person is studied according to his behavior and activity, proceeding with the active participation of language, which forms the speech-thinking basis of any human activity — it forms its motives, attitudes, predicts the result. Thus, central to cognitive linguistics is the category of knowledge, the problem of the types of knowledge and ways of their language representation, since it is language that is the main means of fixing, storing, processing and transmitting knowledge.

It was in the middle of the twentieth century that the prospect of explaining some thought processes through observations of children learning the language appeared: it seemed that children in a uniform way came to master their native language and that this universal "algorithm" of mastering the language consists in introducing new rules into the inner grammar of the child. Summarizing the observations, the researchers came to the conclusion that these rules are very similar to everything that controls nonverbal activities and sometimes looks like involuntary, uncontrollable behavior, reflecting on the structure of perception, memory, and even emotions. Based on similar considerations, the cognitive approach is similar in spirit to the linguist's work, interpreting the text and analyzing the reasons for the correctness and meaningfulness of the sentences.

As a result of cognitive activity, a system of meanings is created relating to what the individual knows and thinks about the world. The study of operating with symbols when thinking about man and the world and himself in the world united linguistics with other disciplines that study man and society, led to the creation of cognitive linguistics. Language from the standpoint of this science cannot be considered in isolation from other forms of human intellectual activity, since it is in the language that the results of cognitive activity are fixed. In general, the activity is one of the incarnations of man and his ontological property. They also considered language as a continuous creative activity and understood it as the basis of all other types of human activity.

Thus, the categorization of human experience is connected with its cognitive activity, since the informative information obtained in the course of human cognitive activity and becoming the product of its processing finds its expression in linguistic forms: "Language consciousness in general and the meaning of a word as its fragment is a form of structuring and fixing public people's experience, knowledge of the world ... the form of presentation and the actual retention of knowledge in the individual consciousness". Cognitive processes "are language-related and take the form of" linguistic "processes." [4].

Cognition is an important concept of cognitive linguistics; it embraces knowledge and thinking in their linguistic embodiment, and therefore cognition, cognitive turned out to be closely related to linguistics. It has already become an axiom that, in the whole complex of human sciences, there is, first of all, a relationship between language and other types of human activity. Language, even more than culture and society, gives cognitive scientists the key to understanding human behavior. Therefore, language has become the focus of attention of cognitiveists.

Operational units of memory - frames, concepts - become the instrument for operating in cognitive linguistics. Consequently, cognitive linguistics is aimed at modeling the picture of the world, at modeling the device of linguistic consciousness. Cognitive linguistics are associated with new accents in language understanding, opening up broad perspectives for its study in all the diverse and diverse connections with a person, his intellect, and all cognitive processes. Cognitive linguistics goes beyond linguistics proper, in contact with logic, psychology, sociology, philosophy, which makes work in this area extremely attractive.

Cognitive linguistics and traditional structural-semantic linguistics are not alternative currents of scientific thought, but different aspects of knowledge of linguistic reality. One can find out what distinguishes cognitive linguistics from traditional science by determining the following:

- First, how is language understood here, what theoretical interpretation does it receive;
- Secondly, what place in the system of human knowledge does cognitive linguistics occupy and what sciences have given birth to it;
- Thirdly, what are the specifics of the problems posed in it and what are the ways to solve them.

Cognitive linguistics is "a linguistic direction, the focus of which is language as a general cognitive mechanism, as a cognitive tool - a system of signs that play a role in representation (coding) and transforming information." Consequently, the central problem of cognitive linguistics is the construction of a model of language communication as the basis for the exchange of knowledge.

The most important object of cognitive science is language, but now scientists approach it from a different perspective. Without addressing the language, one cannot hope to understand the essence of such cognitive abilities of a person as perception, assimilation and processing of language information, planning, problem solving, reasoning, learning, as well as the acquisition, presentation and use of knowledge. Cognitive linguistics explores not only language but also cognition (cognition, thinking, knowledge): at the basic level of categorization "... the categories are not fundamental and the" highest "in the hierarchy of associations, but associations in which the most relevant for the ordinary are concentrated consciousness properties.

All human cognitive activity (cognition) can be viewed as a developmental ability to navigate the world, and this activity is associated with the need to identify and distinguish objects: concepts arise to support operations of this kind. To isolate the concept, both the reparability of certain features, and objective actions with objects, and their final goals, and evaluation of such actions are necessary. But, knowing the role of all these factors, cognitive nevertheless cannot yet answer the question of how concepts arise, except by pointing to the process of the formation of meanings in the most general form.

Consequently, today's approach to the study of language is so complex that it can qualify as an interdisciplinary cognitive science, uniting the efforts of linguists, philosophers, psychologists, neurophysiologists, cult urologists, and specialists in the field of artificial intelligence. So, in cognitive linguistics, the computer type of cognitive comes to the fore, exploring assumptions about the work of the human mind with a computer. Problems are similar to artificial intelligence modeling. German is associated with the analysis of language processing of information in the acts of generation and speech perception. Cognitive linguistics in Uzbekistan focuses on understanding how a naive picture of the world develops in the processes of human cognitive activity.

REFERENCES:

1. A Brief Dictionary of Cognitive Terms. / Under Total Ed. E. S. Kubryakova. - M.: Moscow State University M. V. Lomonosov, 1997. – P. 245.
2. B. M. Velichkovsky Cognitive Science: Fundamentals of The Psychology of Cognition. In 2 Vols. - M.: Meaning: Publishing Center "Academy", 2006.
3. Cognitive Science and Intellectual Technology: Ref. Sat Academy of Sciences of the USSR. - M.: Institute of Scientific. Inform by Societies. Sciences, 1991. - P. 228.
4. Ch.P. Merkulov Cognitive Abilities. M., 2005. P. L82
5. Langacker R. U. Cognitive Grammar. - M.: INION RAS, 1992. - 56 P.
6. Lakoff J. Cognitive Modeling. Language and Intelligence. - M.: Progress, 1996. – P. 416.

ЎУК 81-13

ЎХШАТИШЛАРДА ОЛАМНИНГ МИЛЛИЙ МАНЗАРАСИ С. Бабаназарова, мустақил тадқиқотчи, ТДЎТАУ, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада оламнинг лисоний манзараси, тил ва маданиятнинг бир-бирига ўзаро таъсири ва ўхшатишларнинг лингвокультурологик хусусиятлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: оламнинг лисоний манзараси, лингвокультурология, ўхшатишлар, тургун ўхшатишлар, метафора

Аннотация. В этой статье рассматриваются языковая картина мира, взаимодействия языка и культуры и лингвокультурологические особенности сравнение.

Ключевые слова: языковая картина мира, лингвокультурология, сравнение, устойчивые сравнения, метафора

Abstract. This article discusses the linguistic sights of the world, the interactions between language and culture and lingui-cultural features of similarities.

Key words: the linguistic sights of the world, lingui-culture, comparison, resistant comparison, metaphor

Тилшуносликда XX асрнинг сўнгги чорагида янги йўналиш сифатида юзага келган антропоцентрик парадигма фан олдида долзарб муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Лисоний ходисаларни кенг тадқиқ этувчи мазкур соҳа бўйича кўплаб тадқиқотлар яратилмоқда. Антропоцентрик тилшунослик марказида инсон турадиган тилшунослик бўлиб, лингвокультурология унинг тармоқларидан бири ҳисобланади. Атоқли тилшунос Н.Маҳмудов таъкидлаганларидек, “лингвокультурология тилни “тил – маданият – инсон” учлиги доирасида ўрганиб, бу фан бугун кенг истеъмолда бўлган миллий онг, миллий тафаккур, миллий маданият, миллий маънавият, миллий менталитет, миллий характер каби жуда кўплаб тушунчаларнинг асосини тил ташкил этиши, тилсиз уларнинг моҳияти барқарор бўла олмаслигини очиб беришни асосий мақсад деб билади” [2].

Лингвокультурологияда қуйидаги тушунчалар асосий деб қабул қилинган: оламнинг миллий тил (лисоний) манзараси, лисоний шахс, лингвокультуртема, моддий-маиший лингвокультуртема, феъл-атвор лингвокультуртемаси, аксиологик лингвокультуртема ва бошқалар. Бу терминларга тилшуносликда бир қатор тадқиқотларда таъриф берилган. Айниқса, рус тилшунослигида Аскольдов, С.Г.Воркачев, О.А.Корнилов, Шведова, Гречко каби тадқиқотчилар ўз ишларида оламнинг лисоний манзараси, лисоний шахс каби терминларнинг моҳиятини ёритиб берганлар.

“Оламнинг миллий лисоний манзараси” терминига О.А.Корнилов шундай таъриф беради: “Тиллар қанча кўп бўлса, оламнинг шунча миллий лисоний манзараси мавжуд, бу тилларнинг ҳар бири жамоавий этник онгининг коинотдаги инсон мавжудлигини англаш ва категориялаштириш борасидаги кўп асрлик фаолиятининг ноёб натижаларини акс эттиради” [4].

Инсон омилининг тилдаги ўрнини ўрганишга тилшуносликда анча олдин эътибор қаратилган. Бу борада Э.Сепир ва Б.Уорфнинг лингвистик назариялари, А.А.Потебнининг илмий ишлари, Лара мактаби олимларининг тадқиқотларини эсга олиш кифоя. Бу муаммо В.Гумбольдт ишларида ҳам кўриб чиқилган. В.Гумбольдт тил ўз асосида универсал ҳамда намоён қилишда турли усуллар орқали миллий деб ҳисоблаган. Унинг таъкидлашича: “Ҳар бир алоҳида олинган тил миллат онгининг маҳсулидир, шунинг учун тилнинг келиб чиқиши ва асоси борасидаги саволларга диний қарашлар ҳамда миллий турмуш тарзига аҳамият бермасдан туриб жавоб топиб бўлмайди”.

В.Гумбольдт концепциясининг асосий фикрларини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

- 1) моддий ва диний маданият тилда акс этади;
- 2) ҳар қандай маданият миллийликка эга, унинг миллий характери тилда дунёга ўзгача қараш билан намоён бўлади. Тил учун ҳар бир тилнинг маҳсус ички шакли хос;
- 3) ички шакл – бу “миллат руҳи”, унинг маданияти кўриниши;
- 4) тил инсоният ва уни ўраб турган дунё ўртасидаги воситачи;

Инсон руҳининг умумий фикрларидан келиб чиққан ҳолда, олим унинг намоён бўлиш шакли миллат тилидир деб ҳисоблаган [3].

Маълумки, ўхшатишлар бадий адабиётда тасвирий восита, тилшуносликда услубий фигура, психологияда тафаккур амали, фалсафада эса дунёни билиш воситаси сифатида таърифланади [1]. Турғун ўхшатишлар ўзбек тилининг тамомила ўзига хос бойлиги, халқ миллий-маданий тасаввуроти ва анъаналарининг бетақрор кўзгуси, бежирим ва таъсирли нутқ имкониятларига куч берадиган туганмас манба, авлодлар ўртасидаги образлар ворисийлигини сақловчи мухташам восита сифатида жуда катта этнопсихологик, лингвокультурологик ва лингвопоэтик қимматга эга [2].

Оламнинг лисоний манзараси ўхшатишларда акс этади. Ўхшатишларни ушбу нуқтаи назардан кўриб чиқамиз.

Ўзбек тилидаги ўхшатишларни тадқиқ этишда Н.Маҳмудов ва Д.Худойберганодаларнинг “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати” муҳим манба бўлади. Н.Маҳмудов ушбу луғат мукаддимасида бир неча ўхшатишларни изоҳлар экан, турғун ўхшатишларни халқнинг маданияти ва менталитети ҳақидаги маълумотларнинг энг қимматли манбаси сифатида эътироф этади, баъзи ўхшатишлардаги миллийлик белгиларини мисоллар билан асослаб ўтади. Масалан, мусичадай беозор, бақадай, ойдек каби ўхшатишлар миллий тафаккур ҳосиласи эканлигини таъкидлайди. Ўзбек тилидаги ўхшатишларда бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, дўппидай, дуодай, каъбадек, бешикдай, ипақдай каби ўхшатишларда халқимизнинг диний ва ўзига хос миллий

қарашлари акс этганлигини инкор этиб бўлмайди. Ўхшатишлар ёзувчининг шахсияти, инсоннинг ички олами ва унинг ҳис-ғуйғулари ҳамда тажрибаларига асосланади. Шу билан биргаликда ўхшатишлар орқали шахснинг субъектив муносабати ҳам ифодаланади. Айнан ана шундай ифодалар ўхшатишлардаги миллийлик, менталитет билан боғлиқ белгиларини намоён этади. Масалан, “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”да *илондай* ўхшатишига қуйидагича таъриф берилади: “Совуқ. Ўта ёқимсиз, одамни сескантирадиган. Дарғазаб шамол уни изига қайтариш учун сочларидан, этакларидан тортқилаяпти, пана-панада илондай совуқ ва бадбашара қўллар унга тош отяпти (Н.Эшонкул. Момоқўшиқ)”. Ушбу ўхшатиш эталони бошқа тил эгалари нуткида ҳам учрайди. Хусусан, хитой лингвомаданиятида *илондай* ўхшатиши ижобий маънода кўпроқ гўзаллик рамзи сифатида қўлланилади. Обьектив борлиққа нисбатан бундай фаркли муносабат, албатта, халқларнинг миллий-этник ўзига хосликлари билан боғлиқдир. Баъзи ўхшатишлар бир нечта маъноларни ифодалаш учун хизмат қиладики, бу тилимизнинг бой ифода имкониятларини кўрсатиб туради. “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”да *илондай*, *итдай*, *оловдай*, *ўқдай* каби кўплаб ўхшатишларнинг бир неча маъноларда қўлланилишига доир мисоллар келтириб ўтилган. Ўхшатишларни кузатиш жараёнида ўхшатиш эталони сифатида шахс номлари (Алпомишдай, Рустамдай), хайвон отлари (бақадай, бўрдоқидай, тошбақадай, тулкидай), миф ва афсоналар билан боғлиқ тушунчалар (девдай, самандардай, ялмоғиздай, яъжуж-маъжужлар каби, қакнусдай), мавхум отлар (арвоҳдек, шарпадай) қўлланган ўхшатишларда халқимизнинг миллий идроки, миллий-этник ўзига хослиги янада ёрқинроқ акс этганига амин бўлдик.

Тўпланган маълумотлар ўхшатишларнинг мутлоқ антропоцентрик хусусиятларга эга эканлигини тасдиқлайди. Антропоцентризмнинг тилшуносликда алоҳида парадигма сифатида шаклланиши ва бу йўналишдаги тадқиқотларнинг дунё тилшунослигида кўпайиб бораётганлиги бениҳоя қувонарли ҳол. Ва шубҳасиз, бу йўналиш тилни тадқиқ этишдаги жиддий муваффақиятлардан биридир. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда тилни мукамал тадқиқ этишда антропоцентрик парадигмага таяниш, яъни тилни уни яратувчи халқ билан боғлаб ўрганиш бениҳоят катта аҳамият касб этмоқда. Зеро, немис олими В.фон Гумбольдт таъкидлаганидек, “Тил халқлар руҳининг зоҳирий намоён бўлишидир: халқнинг тили унинг руҳидир ва халқнинг руҳи унинг тилидир, булардан бир бирига айнан мос бошқа бирор нарсани тасаввур қилиб бўлмайди” [3].

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Худойберганова Д. Ўхшатиш мазмунини ифодаловчи матнлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. №6. Б. 15.
2. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий образ// Ўзбек тили ва адабиёти. 2013 /№ 1
3. Гумбольдт В. фон. О различии человечества // Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – С. 47-86.
4. Корнилов О.А. Языковые картины мира, как производные национальных менталитетов. - М.: ЧеРо, 2003. С.140.

ЎУК 81.11

ХУШМУОМАЛАЛИК КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ НУТҚИЙ МУЛОҚОТДА ФАОЛЛАШУВ ОМИЛЛАРИ

Н.Ф. Қосимова, PhD, Бухоро давлат университети, Бухоро
Н.Х. Рузиева, магистрант, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада ҳурмат категориясининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳурмат стратегияларини фаоллаштирувчи лисоний воситалар тузилиши жиҳатидан ўзаро фарқи ўрганилган. Ҳозирги замон тилшуносларининг мазкур муаммога доир қараш ва таълимотлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *социопрагматика, ҳурмат тамойили, ижтимоий статус, «салбий» ва «ижобий» образлар, маданий статус, салбий ҳурмат стратегияси, мулоқот акти, образни сақлаш-қадрлаш.*

Аннотация. В статье исследуются особенности категории вежливости и различие структуры лингвистических средств активизирующие стратегии вежливости. Приводится анализ взглядов и учений современных лингвистов касательно данной проблемы.

Ключевые слова: *социопрагматика, принцип вежливости, социальный статус, «негативный» и «положительный» образ, статус, стратегия негативной вежливости, коммуникативный акт, акт спасения образа.*

Abstract. The article investigates the features of the category of the politeness and the difference of the structure of the linguistic means activating the strategies of politeness. The analysis of views and doctrines of modern linguists concerning this problem has been provided.

Key words: sociopragmatics, politeness principle, social status, negative face and positive face, cultural status, negative politeness strategy, speech act, face saving act.

Кириш

Жаҳондаги маданий тараққиёт, ижтимоий-сиёсий ўзгариш жараёнлари тилда ўз ифодасини топади. Тил кишилар ўртасидаги муҳим алоқа-муносабат воситаси бўлиши билан бир қаторда, миллий кадриятлар, маданий тараққиёт даражасига оид қарашларни, тил соҳибининг ҳис-туйғуси, воқеликка, ўзга шахсларга, жамиятга муносабатини ҳам акс эттиради. Кишилиқ тараққиётида мулоқот қанчалиқ зарур бўлса, модал муносабатларни, ҳис-туйғу, руҳий ҳолатни ифодалаш шу даражада аҳамиятлидир. Айниқса, ушбу категориянинг прагматик аспектини ўрганиш ва тадқиқ этиш аҳамияти ниҳоятда ошиб бормоқда. У инсоний муносабатлар механизмини аниқлаш ва инсонлар нутқий мулоқотида коммуникатив мақсадларга эришиш учун ёрдам беради.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан буён чет тилларнинг назарий асосларини тадқиқ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Чет тилларни ўрганиш, тадқиқ этиш шу мамлакат тарихи, маданияти ҳақидаги билимларни бойитади, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини кенгайтиради. Маънавият ҳаракат кўникмасига, яратиш кўникмасига айланганидагина буюк ва қудратли қимматга эга бўлади. Дунё тилшунослигидаги бугунги кунда яратилаётган қатор тадқиқотлар, изланишлар айнан шу талаблардан келиб чиқади. Мазкур мақолада ҳурмат маъноси ва унинг ифодаланиш хусусиятлари, тадқиқ этиш йўлидаги изланишлар ёритилади.

Асосий қисм

Шу кунга қадар ўзбек тилшунослигида ҳурмат маъноси алоҳида, мустақил категория сифатида ўрганилмаган. Айрим тилшунослар, жумладан, А.Ғуломов, Ш.Раҳматуллаев баъзи морфологик бирликларнинг, хусусан, **-лар** кўплик аффиксининг ҳурмат ифодалаш жиҳатлари ҳақида тўхталганлар. Ҳурмат маъносининг эгалик аффикслари воситасида ифодаланиши мумкинлиги ҳақида Н.К.Дмитриев, Э.В.Севортян, А.Н.Кононов, Ф.Абдуллаев, К.Назаров каби олимлар фикр билдирганлар. А.Ҳожиев, С.Усмонов, Р.Қўнгулов, Ё.Тожиев, Р.Икромов ва олимлар эса ҳурмат маъносини модал маъно ифодаловчи айрим воситалар қаторида санаб, “модал форма”, “субъектив баҳо формаси”, “кичрайтириш-эркаланиш воситалари” каби атамалар билан аташган. Тўғрироғи, ҳурмат ифодаловчи морфологик воситалар бошқа категория воситалари билан қоришиқ ҳолда ўрганилди. Ғ.Зикриллаев эса буни феъл сўз туркуми доирасида шахс-сон категориясига боғлаб ўрганган. Ҳ.Ҳожиева ҳурмат маъноси тадқиқига семантик майдон назарияси асосида ёндашиб, унинг айрим умумий жиҳатларига тўхталган. Бу тадқиқотларнинг барчасида ҳурмат маъносининг ифодаланишига хос хусусиятларнинг айрим жиҳатлари қисман ўрганилган [5, 2-17].

Маълумки, Европа ва Америка олимлари Ж.Лич, С.Левинсон, П.Браун, Р.Лакофф, Г.Каспер ва бошқалар мулоқот бошқарувида *ҳурмат тамойили* унинг самарали кечишини таъминловчи асосий манба эканлигини таъкидлайдилар.

Ж.Лич ҳурмат тамойилини қуйидагича таърифлайди: «Кўпол фикр ва ҳукм ифодасини имкони борича (мавжуд вазиятни инобатга олган ҳолда) камайтириш» [10,81].

Ҳурмат тамойилида максимал – қоидаларини умумлаштириш, уларнинг тавсифини ихчамлаштириш ҳаракати ҳам йўқ эмас. Масалан, Робин Лакофф ушбу тамойилни уч қоидадан иборат деб ҳисоблайди:

- 1) суҳбатдошга фикрингни мажбуран уқтиришга ҳаракат қилма;
- 2) суҳбатдошинга танлаш имконини бер; 3) олижаноб бўлишга ҳаракат қил.

Ушбу қисқа тавсифдан кўринадики, муаллиф ҳурмат тамойилига фақатгина тингловчига нисбатан йўналтирилган нутқий хатти-ҳаракатни белгиловчи категория сифатида қарайди. Мулоқот жараёнида турли зиддиятлар юзага келиши ва ҳатто муносабатлар бузилиши натижасида мулоқотнинг умуман тўхтаб қолиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Муаллифнинг ўзи айтганидек, «ҳурмат лисоний муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган зиддият ва англашилмовчиликларни имкони борича камайтириш йўли билан мулоқотнинг намунавий кечишини таъминлашга мўлжалланган тизимдир» [9, 1-15].

Ҳақиқатдан ҳам биз мулоқот жараёнида бир-биримизни қадрлашга, истакларимизни қондиришга ҳаракат қиламиз. Аммо истак ҳар доим ҳам ҳақиқатга айланавермайди, чунки ҳар қандай

муносабат, ҳамкорлик жараёнида томонлар ютуғи бир хилда бўлиши қийин масаладир. Биров ютиши учун иккинчи томон оз миқдорда бўлса ҳам ютқазмоғи даркор. Бундай шароитларда юзага келиши мумкин бўлган хафачилик, зиддиятларни бартараф этиш учун ҳурмат тамойилини воқелантирувчи воситаларга муурожаат қилиш эҳтиёжи туғилади.

Социопрагматикада ҳурмат категорияси тамоман ўзгача талқинга эга. Маълумки, одатий талқинда «ҳурмат» тушунчаси этикет, одоб нормалари билан боғланади ва бир шахснинг иккинчисига нисбатан эътиборли бўлиши англашилади. Социопрагматиканинг шаклланиши Ж.Лич, Г.Каспер, П.Браун, С.Левинсон, Ж.Юл кабилар номи билан боғлиқ. Пенелор Браун ва Стефен Левинсон 1987 йилда нашр этишган ҳурмат тамойилига бағишланган махсус рисолада «Социолингвистика прагматикага татбиқ этилиши лозим» деган шиорни олға суришди [8, 281].

Ҳар бир инсон ижтимоий шахсдир, унинг жамоадаги ўрнига нисбатан шахсияти, ижтимоий образи белгиланади. Мулоқот актларида адресатнинг ижтимоий образини (face) эътиборга олиш лозим, акс ҳолда, «шахс образига таҳдид» (face threatening act) юзага келади. Яхшиси, ушбу образни сақлашга, қадрлашга (face saving act) ҳаракат қилган маъқул [10,61].

Прагматингвистлар «салбий» ва «ижобий» образларни (negative face and positive face) фарқлайдилар. «Салбий образ» инсоннинг мустақил бўлишга, эркин ҳаракат қилишга, ҳеч қандай мажбурийликка бўйин эгмасликка интилишидир. Айтиш жоизки, инглиз тилидаги negative сўзи бу атамда ҳеч қандай «ёмон» маъносини англамайди, у ушбу қўлланишда positive face атамаси таркибида positive «ижобий» тушунчасига қарама-қарши қўйилмоқда. Positive face «ижобий образ», ўз навбатида, бошқаларга маъқул бўлишга, ёқишга, уларнинг ҳурматига эришишга бўлган истакдир [10, 43]. Бошқача айтсак, «негатив образ» алоҳидаликка, мустақилликка интилиш, «ижобий образ» эса жамоада бўлиш эҳтиёжидир.

Коммуникатив мақсад ифодаси икки йўсинда кечиши маълум. Буларнинг бири интенциянинг яширин ифодаси бўлса, иккинчиси фикрни очик изҳор қилишдир. П.Браун ва С.Левинсонлар, коммуникатив мақсадни ифодалаш йўлларининг фарқига нисбатан «салбий ва ижобий ҳурмат»ни (negative and positive politeness) фарқлашни таклиф этадилар. Уларнинг биринчисида ўзгаларнинг вақтини олаётганлиги, эътиборни жалб қилаётганлиги учун, уларга етказилаётган «зарар»нинг ўрнини тўлдириш эҳтиёжи бажарилади. Бинобарин, «*Кечирасиз, банд эканлигингизни биламан, лекин менга мақолани ёзишга ёрдам бера олмайсизми?*» Лекин худди шу илтимос интенцияси дўстона вазиятда, ижобий ҳурмат шароитида бошқа кўриниш олади: «*Менга ушбу мақолани тугатишга ёрдамлашиб юбор!*»

Икки турдаги ҳурмат стратегияларини фаоллаштирувчи лисоний воситалар тузилиши жиҳатидан ўзаро фарқ қиладилар. Масалан, салбий ҳурмат стратегиясини (negative politeness strategy) фаоллаштирувчи нутқий тузилмалар структура жиҳатидан мукамалроқ кўринишга эга бўлиб, улар кўпинча билвосита нутқий актларни ифодаловчи тузилмалар (сўроқ гап, шарт майли ва ҳоказо) воситасида ҳосил бўлади.

Мулоқот вазияти бевосита маълум ижтимоий гуруҳ, маданият учун хос бўлган норма нуқтаи назаридан баҳоланади. *Норма* маълум социумда қабул қилинган ижтимоий хатти-ҳаракатлар намуналарини белгилаб беради, у умумий қабул қилинган қоидалар асосида лисоний воситалар танловини бошқаради. Норма ҳурмат тамойили амалиёти учун таянч нуқтадир ва коммуникатив мақсад ифодаси шаклини белгилаб беради. Нутқий мулоқот жараёнида фаоллашувчи инсон фактори билан боғлиқ доимий ва ўзгарувчан хусусиятлар қаторига профессор В.В.Богданов куйдагиларни киритади [4, 28-29] :

1) лисоний қобилият; 2) маълум миллатга мансублик; 3) ижтимоий –маданий статуси (маълум ижтимоий гуруҳга оидлик, касби, лавозими, маълумоти, яшаш жойи, оилавий аҳволи); 4) биологик-физиологик кўрсаткичлари (жинси, ёши, соғлиги, жисмоний нуқсонлар мавжудлиги ёки йўқлиги); 5) руҳий-психологик тури (темперамент, патологик кўрсаткичлари); 6) вазиятга нисбатан ўзгарувчан руҳий ҳолати (кайфият, муваққат билим, мақсади ва қизиқиши); 7) доимий диди, қизиқиш ва одатлари; 8) ташқи кўриниши (кийиниши, ўзини тутиши, хулқ-атвори).

Коммуникантларнинг сифатлари мулоқот тизимида қанчалик муҳим ўринни эгалламасин, ҳар ҳолда бу тизимнинг марказида коммуникантларнинг *ижтимоий роли* туради. Мулоқот иштирокчиларининг айнан шу характеристикаси нутқий фаолиятнинг «қай даражада жорийланишига объектив ва субъектив равишда ўз таъсирини кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қилади» [5, 71]. Г.Мейн, М.Вебер, Т.Парсонс, Т.Шибутани, Р.Тернер каби олимларнинг ушбу ҳодисани назарий жиҳатдан ўрганиш борасидаги хизматлари алоҳида. Худди шу олимлар *ижтимоий статус* (мақом) ва

ижтимоий роль тушунчаларини фарқлашни таклиф қилишади. *Ижтимоий ўринни* фарқловчи кўрсаткичлар эса шахснинг касб-хунари, даромад манбаи, бойлиги, маълумоти кабилардир. Ана шу кўрсаткичларнинг нотекислиги жамоа тузилишидаги босқичликни таъминловчи шахслар (ёки гуруҳлар) ўртасидаги ижтимоий масофани шакллантиради. *Ижтимоий масофанинг* у ёки бу сарҳадидаги шахсларнинг табақаланиши жамиятдаги имтиёзлар тақсимотининг нотекислигидир (хукмдор-хизматкор, бошлиқ-хизматчи, зиёли – саводсиз ва ҳоказо.)

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, нутқий мулоқотда инсон омили муҳим роль ўйнайди ва бу фактор мулоқот фаолиятини режалаштириш, уни воқелантириш, унинг стратегиясини амалга ошириш каби амалларини бошқарувчи кўрсаткичлардан биридир. Прагматингвистик талқинда эса «инсон фактори» тушунчаси батамом ўзга кўриниш олади. Чунки мулоқотнинг шарт-шароити турлича бўлганлиги каби унда «сўзловчи ва тингловчининг идроки, мақсад, асос, алоқа воситалари, хулқ-атворнинг махсус белгиланган шакллари, ифода мавзуси, сўзлашувчиларнинг ўзаро муносабатларига хос хусусиятлар» бир хилда бўлмайди [4, 9].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алпатов В.М. Категория вежливости в современном японском языке. М.: Наука, 1973.
2. Богданов В.В. Речевое общение: прагматические и семантические аспекты. – Ленинград: Изд-во ЛГУ, 1990.
3. Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одафининг мулоқот шакллари. НДА, Самарқанд, 1993.
4. Мўминов С., Расулов Қ. Комуникантларнинг ижтимоий роли ва нутқий мулоқот ҳақида // Услугунослик ва фразеологиянинг долзарб муаммолари. – Самарқанд: СамДУ, 2007.
5. Содикова Ш. Ўзбек тилида ҳурмат категорияси. Тошкент, 2010.
6. Ҳожиева. Ҳ. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти.: Филол. фанлари номзоди...дис. – Самарқанд, 2001.
7. Зикриллаев Ғ. Фельнинг шахс, сон ва ҳурмат категорияси системаси. -Тошкент: Фан, 1990.
8. Brown, P., & Levinson, S. C. (1987). *Politeness some universals in language use*. Cambridge, England: Cambridge University Press
9. Lakoff, Robin (1990), *Talking Power*. New York: Basic Books.
10. Leech G. Principles of pragmatics. – London; New York, 1983.
11. Yule G. Pragmatics. –Oxford: Oxford Univ. Press, 1996.

ЎУК 808.5

“ҒУРУР ВА АНДИША” – ЧУҚУР РЕАЛИСТИК АСАР

Ф.Б. Садуллаев, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро
С.Ш. Давлатов, талаба, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада инглиз психолог ва реалист ёзувчи Жейн Остиннинг ҳаёти ва ижоди, хусусан “Ғурур ва андиша” асарининг мазмун-моҳияти, тарбиявий аҳамияти ёритиб берилган.

Калим сўзлар: инглиз адабиёти, Жейн Остин, “Ғурур ва андиша” асари.

Аннотация. В данной статье освещена жизнь и творчество английского психолога и реалиста писателя Джейн Остин, в частности, суть и воспитательная значимость произведения “Гордость и предубеждение”.

Ключевые слова: английская литература, Джейн Остин, “Гордость и предубеждение”.

Abstract. This article highlights the life and work of English psychologist and realist writer Jane Ostin, in particular the essence and educational significance of the work “Pride and wise”.

Keywords: English literature, Jane Ostin, the work of “Pride and wise”.

XIX аср Англия адабиётида танқидий реализм устунлик қилди. Жейн Остиннинг XIX аср инглиз реалист ёзувчиларига таъсири бекиёс. Унинг ижоди нафақат ёзувчиларнинг, балки адабий танқидчиларнинг ҳам илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади. Чунки Жейн Остин номи билан бир қатор ўлмас асарлар боғлиқ ҳамда улар муаллифнинг тенгсиз иқтидор эгаси эканини исботлайди. Ажойиб психолог ва реалист ёзувчи Жейн Остин ўз замондоши инглиз мумтоз адиблари Уильям Вордсворт ва Валтер Скоттдан беш йил кейин Стивентонда (Хемпшир графлиги) дунёга келади. Отаси Жорж Остин кўхна ва унча бой бўлмаган кент наслига мансуб эди. Жейннинг олти ака-укаси ва ундан уч ёш катта Кассандра исмли опаси бўлган. Кассандра билан унинг дўстлиги ҳар қандай эътибору таҳсинга лойиқ, опа-сингилнинг бир-бирига йўлаган мактублари адабиётда алоҳида “мактуб жанри”ни оча

олди. Ана шу мактубларда аёл қалби туғёнлари, ижодкорлиги, нафосати акс этади. Бу мактубларда адабиёт талаб этадиган композиция, ечим, уйғунлик бор, муҳими, инсон кўнгли, дарди бор. Жейн Остин ижодини жуда эрта бошлайди. Адиба ҳаётлигида тўртта романи – “Ақл ва ҳиссиёт” (1811), “Ғурур ва андиша” (1813), “Менсфилд Парк” (1814) ва “Эмма” (1816) чоп этилади. Ўлимидан сўнг, 1818 йилда эса унинг “Нортенгер аббатлиги” ва “Ишонч” романлари нашр қилинади.

Ёзувчи ижодининг гавҳар шодаси ҳисобланмиш “Ғурур ва андиша” романини Жейн Остин ёза бошлаганида ҳали йигирма бир ёшга ҳам чиқмаган эди. Асар марказида жамиятнинг турли табақаларига мансуб икки инсон – Элизабет Беннет ва жаноб Дарси туради. Роман сюжети сабаблари наслий ва мулкый муносабатлар пардасига яширинган икки ёқлама “ғурур ва янглиш фикр” асосига курилади. Элизабет Дарсига нисбатан, Ричард Олдингтон ёзган “Золушка”, яъни қиз йигитдан камбағалроқ бўлади. Элизабет табақаси жиҳатидан ҳам, жамиятда тутган мавқеи жиҳатидан ҳам Дарсидан пастроқ. Яна у ўз камбағаллигидан ва оиласидагилар, айниқса, қизларини яхши жойга турмушга бериш истагида югуриб-елган онасининг ғаройиб қилиқларидан азоб чекади. Орияти азоб чеккан Элизабет Дарсига нисбатан янглиш фикрда бўлади. Лекин Дарсининг қизга йўллаган мактуби Элизабетни тўғри хулоса чиқаришга ундайди. Шундан бошлаб ёлғон, янглиш фикр ортга сурилади. Уикхем сабаб синглиси Лидиянинг алданиши, Дарси туфайли қизнинг пок номи оқланиши, йигитнинг мардлиги Элизабетнинг ўз ғурурини енгиб, янглишганлиги, хатосини тан олишга ундайди. Дарси ҳам роман бошланишида “ғурур ва янглиш фикр”дан изтироб чекади. Бу ғурур фақатгина йигит табақасига оид бўлмай, балки унинг атрофини ўраб турган жамиятдан устунлигини англаб етган, ақлли, ўқимишли ва эркин одамнинг орияти, ғуруридир. Роман сўнгида у ҳам Элизабет каби ёлғон тамойил ва қоидалардан озод бўлади, улардан баланд туриб, ўзи севган қизнинг муҳаббатига сазовор бўлади. Воқеалар симметрик тарзда асосий композицион йўлнинг такрорланиши билан кечади (Элизабет ва Дарси – ғурур; Элизабет ва Дарси — адашиш; Элизабет ва Дарси – янглишув; Элизабет ва Дарси — ўз хатоларини англаш; Элизабет ва Дарси — асл ва соф туйғулар тантанаси).

Ижтимоий ҳаётни моҳирона чиза олиши билан жамиятни, асл ҳаётни ҳаққоний кўрсатиб бера олган Жейн Остин ўз асарини маишийликдан олиб чиқади ва унга реализм тамғасини боса олади. Айтиш мумкинки, Жейн Остин том маънода, аёл қалбини, унинг кечинмаларини моҳирона чиза олган катта рассомдир. Асарлари муҳаббат тантанаси, висол, бахт тантанаси билан яқунланган Жейн Остиннинг ҳаётда ўзи турмуш қурмайди. Унинг армонли муҳаббати ҳақида асарлар яратилади, афсоналар тўқилади. Ёшлигидан кувнок, ёқимтой бўлган, балларни, рақсларни, уйда спектакллар кўйишни, уларда роль ижро этишни яхши кўрган ҳаётсевар, сарвқомат, кўнғир сочли Жейн Остиннинг табиати асарларига кўчади. Қизнинг жўшқин ижодкор қалби адиба Жейн Остин романлари саҳифаларидан жой олади.

Адиба аёвсиз киноя, пичинг билан ўзи мансуб бўлган, туйғу ва фикру ҳиссиётлар моддий ва табақа манфаатларига тўла бўйсунадиган жамиятни тасвирлаб бера олади. Адибанинг замондошлари у тасвирлаган образларнинг сатирик ўткирлигини ҳис қиладилар ва буни тўғри қабул қила оладилар. Жейн Остиннинг услуби қисқа, лўнда ва жонли. У бир зумда китобхонни ўзига ром қилиб олади. Бунга ижодкор осонликча эриша олмаган. Адиба романларини синчковлик билан таҳрир қилаверган, таҳрир қилаверган. Ўзи ёзганидай, “Мен барини олиб ташлайвераман, қисқартиравераман...”

Асарнинг умумий мазмуни унчалик қийин эмас. Асарнинг бош қаҳрамонлари Дарси ва Элизабет асарнинг бошидан охиригача ўзларининг туйғулари ва ғурурлари билан курашадилар. Уларнинг атрофи турли хил инсонлар билан ўралган ва уларнинг турли хил характери бош қаҳрамонлар ҳаётига таъсир этишга ҳаракат қилади. Асар қаҳрамонларининг асардаги ўрни ҳар хил даражада. Аслини олганда, “Ғурур ва Андиша” асари чуқур реалистик асар. Ундаги қаҳрамонларнинг ички кечинмалари уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни XVIII-асрнинг охирида ва XIX-асрнинг бошларидаги Англия ва у ердаги ижтимоий ҳолат тўғрисида тўлиқ маълумот беради, деб айта оламиз. Ундан ташқари Остин оз қаҳрамонларининг ички дунёсини жуда ажойиб тарзда тасвирлайди, уларнинг ички дунёсини тасвирлаган ҳолда уларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини ҳам келтириб ўтади. Жейн албатта ушбу тасвирлашни ҳамма қаҳрамонларида эмас, балки бош қаҳрамонларининг ҳам ички ҳам ташқи дунёсини бетакрор тарзда тасвирлайди. Шунинг учун ҳам унинг асарлари жуда кўплар томонидан ўқилади. Бунга сабаб Жейннинг жиддий нарсаларда ҳазил-хузулли ирониянинг ишлатилишидир. Ундан ташқари Англиянинг ажойиб драматургиясининг ўзига хослиги ҳамдир. Шундай қилиб ёзувчи бўрттиришдан йироқроқ бўлишга ҳаракат қилади ва иккинчи даражали қаҳрамонларни тасвирлашда фақатгина муболағадан фойдаланади. Биз асарнинг биринчи бобидан бошлаб ўша вақтлардаги Англия ижтимоий ҳаётининг таъсир даражасини ва жамиятдаги қарама-

қаршилиқларни кўришимиз мумкин бўлади. Қаҳрамонлар ўзларини ўзига тўқ тарбияли қилиб кўрсатсаларда, барибир уларнинг бош мақсади ва улар ҳақиқат деб тан оладиган нарса - бу пул эди.

Хулоса қилиб айтганда, “Ғурур ва андиша” – гарчи жамиятнинг барча қатламларини қамраб олмаса ҳам, аммо XVIII аср охири ҳамда XIX аср бошида ўз ўрнига эга қатламнинг иллатлари ҳамда характерларини чуқур реалистик тарзда тасвирлайди. Остин нафақат давр руҳиятини буюк бир иқтидор билан тасвирлади, балки бош қаҳрамонларнинг ички оламини, инсон руҳияти зиддиятлари ҳамда туғёнларини ҳам улкан маҳорат билан китобхон кўзи олдида гавдалантирди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аникст А. «История английской литературы».-М:«Учпедгиз», 1956.-С.79.
2. “Введение в мировую литературу”. -М: “Издательство МГУ”, 2000. –С.48.
3. Вакаева М. and others.“English literature”.–Т:“USWLU”, 2006.–Р.35.
4. В. Ивашева «Английский реалистический роман XIX века в его современном звучании» М: «Художественная литература»-1974. –С.86.

ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси 2006 йилдан буён бир йилда 4 (3 ойда бир) марта чоп қилинган. **2020 йилдан бошлаб Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси йилига 12 (1 ойда бир) марта чоп қилинади. ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.** Ахборотномада ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги мақолалар нашр этилади. Ахборотномага мақолалар қуйидаги тартибда қабул қилинади: мақола ҳажми 0,25 босма табоқ (4 саҳифа) дан кам бўлмаслиги, 1 б.т. (16 саҳифа) дан ортиқ бўлмаслиги лозим. Мақола таҳририятга Times New Roman шрифти, 14 ўлчовда, 1,5 қатор оралиғида, чап томондан 3 см, юқори ва паст томондан 2,5 см, ўнг томондан 1,5 см қолдирилган ҳолатда А4 форматли стандарт қоғозда Word 2000-2016 дастури, doc ёки docx форматида **xma_axborotnomasi@mail.ru** ёки **mamun-axborotnoma@academy.uz** электрон почта манзиллари ҳамда **+998935691670** рақамли телеграмм саҳифаси орқали қабул қилинади. Мақола тегишли фан соҳаси бўйича фан доктори ёки илмий унвонга эга фан номзоди тақризи ва ИТМ ёки ОТМ томонидан эксперт хулосасига эга бўлиши талаб қилинади.

Мақола расмийлаштирилганда, дастлаб юқори ўнг томондан УЎТ (УДК) қайди, бир ораликдан сўнг бош ҳарфларда мақола мавзуси, кейинги сатрда муаллиф(лар)нинг исми, шарифи, отасининг исми, илмий даражаси ва илмий унвони, иш жойи ва лавозими тўлиқ ёзилади. Кейин ўзбек, рус ва инглиз тилларида аннотация ва калит сўзлар келтирилади. Аннотация 2-3 жумладан иборат бўлиб, ўзида мақола мазмунини ифодалаши лозим. Калит сўзлар мавзуни очиб берадиган 10 дан ошмаган сўз ва иборалардан иборат бўлиши керак. Мақолада кириш, мавзунинг долзарблиги, масаланинг мазмуни, ечим ҳамда тегишли хулоса ва тавсиялар келтирилиши, сўз, ибора ва формулалар аниқ ифодаланган, гап ва жумлалар тизимли бўлиши талаб қилинади.

Таҳририят мақолаларни таҳрир қилиш ва қисқартириш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида расмийлаштирилмаган мақолалар ахборотномада эълон қилинмайди. Мақола муаллифларига таҳририят қўлёзмаларни қайтариш ва ёзма жавоб бериш мажбуриятини олмайди. Мақолани таҳрир қилиш, нашрга тайёрлаш ва чоп қилиш учун кетадиган ҳаражатларни коплаш учун 1 саҳифага 20 минг сўм миқдорида бадал пули тўланади.

Эндиликда “Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” нинг мавжуд сонлари билан Хоразм Маъмун академияси расмий сайти: **www.mamun.uz** да танишишингиз ва юклаб олишингиз мумкин.

Таҳририят

Ташкилот номи: Хоразм Маъмун академияси

Манзил: Хива шаҳар Марказ 1

Телефон/факс: 0 362 377 51 83, 377 51 85

ШХР: 400110860334067950100043001

ИНН: 202463612 ОКОНХ: 95110

Молия вазирлиги Ғазначилиги

х/р: 23402000300100001010

ИНН: 201122919 МФО: 00014

Марказий банкнинг Тошкент шаҳридаги Бош бошқармаси ХККМ

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси (обуна ёки мақола чиқариш) учун